O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI ... INV.№

Ватан ҳимояси — иймон рамзи

ВАТАНПАРВАР

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУДОФАА ВАЗИРЛИГИНИНГ МАРКАЗИЙ МАТБУОТ ОРГАНИ

2007 йил, **14** сентябрь, жума № **37** (2216).
Газета 1992 йилнинг 24 июнидан чиқа бошлаган.

ЦЕНТРАЛЬНЫЙ ПЕЧАТНЫЙ ОРГАН МИНИСТЕРСТВА ОБОРОНЫ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

Пятница, **14** сентября, **2007** год, № **37** (2216).
Газета издается с 24 июня 1992 года.

Сотувда келишилган нархда | E-mail: vatan@rol.uz | В розницу – цена договорная

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, мамлакатимизни ислоҳ этиш ва янгилашга қаратилган дастурий вазифаларни бажаришда биз миллий қадриятларимиз, урф-одат ва анъаналаримизни сақлашга, халқимизнинг асрлар давомида шаклланган менталитетига ҳурмат билан муносабатда бўлишга катта эътибор қаратдик.

Ислом КАРИМОВ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

Тошкент шаҳрида Ўзбекистон халқ шоираси Зулфиянинг ҳайкалини ўрнатиш тўғрисида

Ўзбекистон халқ шоираси Зулфия (Зулфия Исроилова)нинг миллий адабиётимиз ва маданиятимиз ривожига қўшган улкан ҳиссасини, унинг бетакрор ижодий мероси ва ибратли ижтимоий фаолиятининг ёш авлодни Ватанга муҳаббат ва садоқат, миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида тарбиялашдаги катта ўрни ва аҳамиятини инобатга олиб:

1.Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Республика Маънавият тарғибот марказининг Ватанимиз пойтахти – Тошкент шаҳрида Ўзбекистон халқ шоираси Зулфия хотирасига ҳайкал ўрнатиш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

2.Ўзбекистон Бадиий академияси бир ой муддатда тегишли мутасадди ташкилотлар билан биргаликда Зулфия ҳайкалини яратиш бўйича ижодий танлов эълон қилсин ва уни белгиланган тартибда ўтказсин.

3.Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳайкални яратиш ва ўрнатиш билан боғлиқ харажатлар, Тошкент шаҳар ҳокимлиги томонидан тақдим этиладиган ҳисоб-китобларга мувофиқ, Вазирлар Маҳкамасининг захира жамғармаси ҳисобидан қопланишини таъминласин.

4.Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Р.Қосимов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
2007 йил 13 сентябрь.

ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ МАРҒИЛОН ШАҲРИНИНГ 2000 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН ТАНТАНАЛИ МАРОСИМДАГИ НУТҚИ

Ассалому алайкум, қадрли ватандошлар!
Муҳтарам меҳмонлар!

Бугун, мана шу муборак кунда сиз азизлар билан қадимий ва навқирон Марғилон шаҳрининг 2000 йиллик тўйи муносабати билан шу табаррук заминда тўпланиб турибмиз.

Барчангизни, аввало кўпни кўрган, бағрикенг ва оққўнгил Марғилон элини, Фарғона водийси аҳлини, бутун халқимизни ана шу қутлуғ айём билан чин қалбимдан муборакбод этишдан бахтиёрман.

Мана шу тантанали маросимда иштирок этаётган чет эллик ҳурматли меҳмонларимизни самимий қутлаб, уларга сизларнинг номингиздан, халқимиз номидан эзгу тилаклар билдиришга ижозат бергайсиз.

Азиз дўстлар, биродарлар!

Бугун барчамиз учун ҳақиқатан ҳам қувончли ва унутилмас тарихий кун. Яъни, Марғилон шаҳрининг дунёда эътироф этилган энг қадимий шаҳарлар рўйхатига киритилиши, бу муқаддас заминда туғилиб яшаб ўтган буюк аждодларимизнинг келажак авлодларга қолдирган бебаҳо меросини, ноёб тарихий обидалар ва табаррук қадамжоларни ардоқлаб, ўтмишга ҳурмат ва эҳтиром намунасини кўрсатиб келаётгани, бир сўз билан айтганда, Марғилон шаҳрининг жаҳон маданияти ва цивилизациясига қўшган улкан ҳиссасининг ЮНЕСКО ва унинг тимсолида халқаро жамоатчилик томонидан тан олиниши албатта барчамизга катта ғурур ва ифтихор бағишлайди.

Чиндан ҳам, бундан йигирма аср муқаддам Марғилонсой соҳилларида вужудга келган, юртимиздаги илк одамзод масканларидан бири бўлган бу шаҳар ўлкамизда ўтроқ ҳаёт, юксак деҳқончилик ва суғориш маданияти олис замонларда шаклланган ва равнақ топганидан далолат беради.

Кўҳна Марғилон замини ўзининг ноёб ҳунармандчилик маҳсулотлари билан Миср ва Юнонистон, Сурия ва Византия, Эрон ва Ҳиндистон, Хитой каби мамлакатларда маълуму машҳур бўлгани ҳам буни тасдиқлайди.

Табиийки, Марғилоннинг бошқа кўҳна шаҳарларга ўхшаш жиҳатлари бор, лекин у кўпгина ўзига хос белги-аломатлари билан алоҳида ажралиб туради.

Илмий манбалар, археологик қазишмаларнинг гувоҳлик беришича, Марғилон ўта ноёб бир хусусиятга эга бўлиб, 2000 йил олдин аждодларимиз айнан шу ерда илдиз отиб, шаҳар пойдеворини қургани ва орадан шунча вақт ўтганига қарамасдан, унинг ўз тарихий ҳудудида бугунги кунга қадар муқим ривожланиб келаётгани ҳар қандай одамни ҳам ҳайратда қолдиради.

Албатта, бу ҳолнинг асл сири ва сабабларини аниқлаш учун ҳали яна кўп тадқиқот ва изланишлар олиб бориш талаб қилинади.

Милоддан олдин пайдо бўлиб, Хитойдан то Испаниягача бўлган бепоён ҳудудни қамраб олган Буюк ипак йўли қанча-қанча манзилу маконларни кесиб ўтган. Бу ҳақда гапирганда, шуни таъкидлаш керакки, бугун ана шу шаҳарларнинг аксарияти фақат қадимий хариталарда сақланиб қолганини кўриш мумкин.

Лекин Буюк ипак йўлининг таъсири ва тарихий илдизларини, таъбир жоиз бўлса, унинг нафасини ўзида сақлаб келаётган Марғилондек шаҳарлар, ўйлайманки, ер юзида камдан-кам топилади.

Айниқса, бу гўзал диёр ҳанузгача бутун дунёни мафтун этадиган шоҳию адрас, ипак маҳсулотлар маркази бўлиб қолаётгани, бундай ўта нозик ҳунарнинг моҳир усталари шу юртда камолга етаётгани ҳам шуни исботлайди.

Айни пайтда Марғилон шаҳрининг миллий давлатчилигимиз ривожида ўзига хос из қолдиргани ҳам ҳозирги кунда кўп-кўп илмий далиллар асосида аён бўлмоқда.

Бунинг тасдиғини аввало олис ўтмишда бу ерда мустаҳкам қалъа ва саройлар, мудофаа иншоотлари, эллик чақирим наридан кўринадиган баланд минора мавжуд бўлгани, пул чиқариш йўлга қўйилгани мисолида кўриш мумкин.

Марғилон ҳақида сўз борар экан, буюк аждодимиз Бобур Мирзонинг, билаги зўр инсонлар, яъни энг ботир полвонлар Марғилон заминидан чиқади, деган сўзлари, ҳеч шубҳасиз, бугунги ҳақиқатни ҳам ифода этади. Ўз-ўзидан равшанки, барча кўҳна шаҳарлар қатори Марғилон ҳам асрлар давомида турли синов ва суронларни бошидан кечирди. Лекин ана шундай жасур ўғлонлари, уларнинг ҳар қандай шароитда ҳам ўз юртини ёвуз кучлардан ҳимоя қилишга қодир бўлгани, фидойилиги ва матонати ҳисобидан Марғилон шаҳри, мана, икки минг йилдирки, ўзлигини сақлаб, ўтмишга ҳурмат ва эҳтиром билан қараб, безавол яшаб келмоқда.

Шу борада Марғилоннинг муқаддас ислом динимиз, мусулмончилик ақидаларининг равнақ топишига улкан ҳисса қўшганини алоҳида таъкидлаш ўринли, деб ўйлайман.

Бу шаҳарнинг тарихий қиёфасини ўзида мужассам этган Пурсиддиқ мажмуаси, Улуғмозор зиёратгоҳи, Увайсий мақбараси, Хожа Саид Аҳмад мадрасаси каби қатор меъморий обидаларни қайта тиклаб, тубдан таъмирлаганимиз бебаҳо маънавий меросимизни асраб-авайлаш йўлида яна бир амалий қадам бўлди.

Табаррук Марғилон диёрида дунёга келиб камол топган буюк алломалар миллий салоҳиятимиз, миллий тафаккуримиз қудратини намоён этадиган ўлмас асарлар яратгани ҳам бу заминнинг илоҳий хосиятидан далолат беради. Ҳеч шубҳасиз, бундай беназир зотлар аввало, Оллоҳнинг назари тушган, унинг ўзи азиз қилган муқаддас жойдангина етишиб чиқади, десам, ўйлайманки, сизлар ҳам бу фикрга қўшиласиз.

(Давоми 2-бетда).



Бахром АБДУРАХИМОВ суратга олган.

Мардлар касби эрур ҳарбийлик

РЕСПУБЛИКА ЯНГИЛИКЛАРИ РЕСПУБЛИКА ЯНГИЛИКЛАРИ РЕСПУБЛИКА ЯНГИЛИКЛАРИ

ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ МАРҒИЛОН ШАҲРИНИНГ 2000 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН ТАНТАНАЛИ МАРОСИМДАГИ НУТҚИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Биз Марғилон деганда, аввало нафақат Ўзбекистон, балки бутун ислом оламининг фахри бўлмиш Бурҳониддин Марғиноний бобомизнинг муборак номларини ҳурмат билан тилга оламиз.

Мусулмон уммати орасида «ҳидоят йўлининг сарбони» деган юксак эътирофга сазовор бўлган бу мумтоз сиймонинг буюк мероси, ибратли ҳаёти ва маънавий жасорати тўққиз асрдан буён ўзининг улкан аҳамияти ва қадр-қимматини сақлаб келмоқда.

Марғилоннинг мўътабар заминида бу улуғ зотнинг кўплаб сафдош ва издошлари илму маърифат, дину диёнатни юксалтириш йўлида беқиёс хизматлар қилгани ҳам кейинги йилларда ўз исботини топаётгани эътиборга сазовор.

Айниқса, ислом ҳуқуқи ва фалсафаси ривожига муносиб ҳисса қўшган Ҳасан Марғиноний ва Заҳириддин Марғиноний, Муҳаммад Марғиноний каби алломаларнинг ҳаёти ва фаолиятини атрофлича ўрганиш, жамоатчиликка етказиш бўйича бошлаган ишларни давом эттиришимиз зарур.

Ана шундай сиймолар қаторида аёл қалбининг гўзаллиги, пок муҳаббат, вафо ва садоқат туйғуларини куйлаб ўтган атоқли шоира Жаҳон отин – Увайсий ўзининг бетакрор ижоди билан тарихимизда муносиб ўрин эгаллайди.

Энг муҳими шундаки, бундай бебаҳо мерос намуналари бугунги кунда ҳам маънавиятимизни юксалтириш, ёш авлодимизни иродаси бақувват, иймон-эътиқодини мустаҳкам этиб тарбиялашда беқиёс хизмат қилмоқда.

Ўйлайманки, ана шу улуғ зотларнинг руҳи покларини шод қилиш мақсадида уларнинг қадамжоларини ҳар томонлама обод қилиб, хотираларига ҳурмат-эҳтиром бажо келтираётганимиздан аввало ўзимиз руҳий қувват, маънавий мадад топмоқдамиз.

Азиз дўстлар!

Марғилон заминининг ўзига хос хусусият ва аломатлари ҳақида яна кўп гапириш мумкин. Лекин бу шаҳарга минг йиллар давомида алоҳида файз ва тароват бағишлаб келаётган Марғилон аҳлини ҳар қанча таърифласак, ҳар қанча улуғласак арзийди, албатта.

Ўзаро ҳурмат, меҳр-оқибат, меҳмондўстлик, ширин сўз ва муомала, одоб-ахлоқ ва андиша каби фазилатлари билан ажралиб турадиган, ҳатто боласини ҳам сизлаб гапирадиган Марғилон аҳли доимо бошқаларнинг ҳавасини ўзига тортиб келади.

Шахсан мен Марғилоннинг чеҳраси очиқ, юз-кўзидан нур ёғилиб турадиган фаришта-дек нуроний оқсоқолларини кўрганда, уларнинг қўлини олиб, ҳол-аҳвол сўрашиб, марғилонча айтганда, отамлашиб суҳбат қургим келади. Ўзининг меҳнаткаш ва чеварлиги билан ном қозонган, ота-боболаримиздан қолган ажойиб касбу ҳунарларнинг соҳибаси бўлиб, шу билан бирга, замонавий билим ва малака эгаси бўлмиш Марғилон аёллари, меҳрибон ва мунис аяжонлар ҳар қандай юксак ҳурмат ва таҳсинга сазовордир.

Ишончим комилки, Марғилонда лоақал бир марта бўлган кишининг хаёлида бу шаҳар аҳлининг истараси иссиқ, самимий қиёфаси узоқ вақт сақланиб қолади.

Биз Марғилоннинг қутлуғ тўйи муносабати билан ана шу одамларнинг оғирини енгил, узоғини яқин қилишни ўз олдимизга мақсад қилиб қўйиб, янги уй-жойлар, бозор ва дўконлар, замонавий корхоналар қуриш, янги-янги йўллар, газ ва сув, алоқа тармоқларини барпо этиш, тиббиёт ва транспорт, маданий-маиший хизмат кўрсатишни яхшилаш, бир сўз билан айтганда, марғилонликларнинг ҳаёт даражасини кўтаришга қаратилган катта бунёдкорлик ишларини амалга оширганимиздан барчангиз хабардорсиз.

Айниқса, Марғилонда туғилиб, унинг тупроғини кўзига тўтиё қилиб яшайдиган болаларимизнинг истиқболини ўйлаб, уларнинг соғлом ва баркамол вояга етиши учун барча шарт-шароитларни яратиб бериш мана шу юбилей тадбирларининг асосий мақсади ва моҳиятини белгилайди, десак, айни ҳақиқатни айтган бўламиз.

Шу ўтган қисқа муддатда шаҳарда янги тиббиёт коллежи ва замонавий мактаблар, Ёшлар хиёбони, аквапарк, ёпиқ сув саройи, муҳташам амфитеатр барпо этилгани, Болалар ижодиёти маркази, бир қатор мактаб ва боғчалар, 7 та поликлиника капитал таъмирлангани, шаҳар туғруқхонаси тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозлангани ва бошқа кўп-кўп ишларимиз барчамизга катта мамнуният етказади. Нега деганда, бу дунёда одамзод учун ўз фарзандининг бахтини, камолини кўришдан ортиқ саодат йўқ.

Марғилоннинг қутлуғ тўйи муносабати билан бу ерда бажарган ишларимиз ҳақида кўп гапирмасдан биргина рақамни келтириш ўринли деб биламан.

Шаҳардаги қурилиш, таъмирлаш ва ободонлаштириш ишларига жами бўлиб 30 миллиард сўмга яқин маблағ сарфланганининг ўзи амалга оширилган ишларнинг ҳажми ва кўламини яққол кўрсатиб турибди.

Муҳтарам дўстлар!

Марғилон деганда, ўзбек маданияти тарихида улкан ўрин тутадиган буюк санъаткорлар сиймоси беихтиёр кўз ўнгимизда жонланади.

Мана шу заминда униб-ўсган, ҳар бири ўзига хос бетакрор ижодий мактаб яратган Юсуфжон қизиқ Шакаржонов ва Уста Олим Комилов, Муҳиддин Қориёқубов, Тамарахоним ва Гавҳархоним, Маъмуржон Узоқов ва Жўрахон Султонов, Саодат Қобулова ва Берта Давидова сингари ўнлаб мумтоз санъаткорларимизнинг номларини эл-юртимиз ҳамиша эъзозлаб келади.

Айнан Марғилондан – ҳаётни, гўзалликни севадиган, адабиёт ва санъатни теран тушунадиган, истеъдод ва қобилиятни юксак қадрлайдиган одамлар яшайдиган маънавий муҳитдан мана шундай улуғ санъаткорлар етишиб чиқиши асло тасодиф эмас, аксинча, қонуний бир ҳол, десак, ҳеч қандай муболаға бўлмайди.

Буюк адибимиз Абдулла Қодирий ўзининг «Ўткан кунлар» романида гўзал ва оқила Кумуш сиймосини айнан ҳаётдан олиб тасвирлагани учун ҳам орадан юз йил ўтган бўлса ҳамки, китобхон халқимиз Марғилон деганда, аввало, ана шу ўлмас образни хаёлидан ўтказади.

Буларнинг барчаси Марғилон аҳлининг асл инсоний фазилатлар, миллий қадриятларимизни қанчалар эъзозлаб, кўз қорачиғидай асраб келаётганини, унинг маънавий олами нақадар бой ва юксак эканини яна бир бор тасдиқлайди.

Шу фурсатдан фойдаланиб, нуфузли ЮНЕСКО халқаро ташкилотига, шу тўйни ўтказишга муносиб ҳисса қўшган, Марғилон шаҳрини доимо ҳурмат билан тилга оладиган узоқ-яқиндаги барча дўсту биродарларимизга чин қалбимдан миннатдорлик билдираман.

Марғилон шаҳрининг қиёфасини тубдан ўзгартириш, одамнинг ҳавасини уйғотадиган янги равон йўллар, гўзал майдон ва хиёбонлар, шинам тураржойлар, маданий-маиший иншоотларни бунёд этишда фидокорона меҳнат қилган қурувчи ва муҳандислар, ана шу эзгу ишга хизмати сингган барча инсонларга самимий ташаккур изҳор этаман.

Азиз юртдошлар!

Бугун Марғилоннинг 2000 йиллик санасига бағишланган саъй-ҳаракатларимиз, амалга оширган ишларимиз ҳақида гапирар эканмиз, бу байрамни Хива, Самарқанд ва Бухоро, Қарши ва Термиз, Шаҳрисабз каби қадимий шаҳарларимизнинг тўйлари қаторида ўтказилаётганини, аввалambор юртимизнинг нақадар кўҳна ва шонли тарихга эга бўлгани, биз яшаётган бу заминнинг ҳар қарич ери муқаддас эканининг яққол далили ва исботи сифатида қабул қилишимиз даркор.

Агарки бу масалага холисона қарайдиган бўлсак, бундай юксак шарафга муносиб бўлган шаҳар ва масканлар юртимизда кўп. Фақатгина мана шу Фарғона водийсининг ўзида латиф шаҳар деб ном олган Қўқон, қадимий Андижон, гўзал Наманган, кўҳна Ахсикент каби тарихимизда чуқур из қолдирган шаҳар ва қўрғонларнинг номларини улуғлаш ва уларнинг ҳам қутлуғ саналарини кенг миқёсда нишонлаш – буларнинг барчаси бизнинг олдимизда турган катта вазифадир.

Насиб этса, уларнинг тўйларига бағишланган тайёргарлик ишларини ва тантаналарини барчамиз биргаликда ўтказамиз, иншоолloҳ.

Азизларим, қадрдонларим!

Одамга мамнуният ва хурсандчилик етказиб, қалбимизни ғурур ва ифтихорга тўлдирадиган мана шундай шукуҳли дамларда сизларга ўзимнинг чуқур ва самимий ҳурмат ва эҳтиромимни билдириб, барчангизга сиҳат-саломатлик, хонадонларингизга файзу барака, ишларингизга янгидан-янги омадлар тилайман.

Марғилон шаҳрининг, она Ўзбекистонимизнинг шуҳрати янада зиёда бўлсин!

Оллоҳнинг ўзи барча эзгу ишларимизда мададкор бўлсин!

Ҳарбий кенгаш

ЧАҚИРУВ ТИЗИМИДАГИ ИСЛОҲОТЛАР САМАРАСИ

Яхши биламиз, ислоҳотлар чақирув тизимини тубдан янгилади, ўзгартирди. Бунинг улкан самарасини бугун қувонч билан таъкидлаймиз, фахр билан сўзлаймиз. Ёки Президентимиз Ислом Каримовнинг байрам табригидаги сўзлар билан айтганда «Ҳозирги кунда Қуролли Кучларимиз сафларида хизмат қилиш Ўзбекистоннинг ҳар бир фуқароси учун нафақат конституциявий бурч, балки мамлакатимизда орзу қилишга сазовор касбга айланди, десак, айни ҳақиқатни айтган бўламиз».

Такрор бўлса-да тизимдаги ислоҳотлар самарасини муддатли ҳарбий хизматнинг бир йилгача қисқартирилгани, қўшинларнинг сифат таркибини яхшилаш ва уларнинг сафини тўлдириш тартибларининг такомиллаштирилгани, чақирув тизими янада шакллантирилгани, пировардида армиямизнинг қиёфаси ўзгариб, мазмун-моҳияти ва жанговар қобилияти, мамлакатимизнинг мудофаа қудрати шаклланаётганида кўришимиз мумкин. Булардан ғурурланмай бўларканми?!

Бугун чақирилувчининг муайян мезонларга асосланган кўрик-танловдан ўтишини, яъни ҳар томонлама сараланиб, миллий армиямиз сафларига йўлланишини барчамиз яхши биламиз. Яъни билим даражаси, интеллектуал салоҳияти, соғлиғи, жисмоний тайёргарлик даражаси, ижтимоий аҳволи билан боғлиқ мезонлардан ўтиб, юқори балл тўплаган, демакки саралар ичра сараланган ўғлонга аскарлик насиб этади. Шунинг ўзиёқ ўзимизга хос, ўзимизга мос йўлдан бораётганимиз тасдиғидир. Қувонарлиси шундаки, ислоҳотларнинг бу жараёнида давлат, жамоат ташкилотлари, ўзини-ўзи бошқариш органлари фаоллиги, ўзаро яқин ҳамкорликлари шаклланмоқда. Бу эса чақирувдаги адолат тамойилининг устувор бўлишига хизмат қиляпти. Содда қилиб айтганда, маҳалла-кўй, жамоатчиликнинг ўзи асл ўғлонларини сараламоқда, уларга оқ фотиҳа бериб, миллий армиямиз сафларига кузатишмоқда. Бунинг замирида халқ ва армия якдиллигининг ёрқин бир намойишини кўришимиз мумкин. Яқинда Марказий офицерлар саройида соҳа мутасаддилари иштирокида чақирув масалаларига бағишлаб ўтказилган ҳарбий кенгашда тилга олинаётган фикрлар, тизимда эришаётган ютуқларимиз, мавжуд камчиликларимиз, олдимизда турган устувор вазифалар ўртага ташланди. Таъкидлаш лозимки, кейинги пайтларда бундайин кенгаш ўтказиш, умуман чақирувга масъул давлат ва жамоат ташкилотлари вакилларининг мавсум арафасида ўзаро фикрлашиб олишлари ўзига хос бир анъанага айланмоқда. Бу эса фуқароларни муддатли ҳарбий хизматга чақирувнинг, фуқароларни сафарбарлик чақируви резервидаги хизматга олишнинг ва муддатли ҳарбий хизматнинг белгиланган муддатларини ўтаб бўлган ҳарбий хизматчиларни резервга бўшатишнинг самарали амалга оширилишига хизмат қилмоқда.

Кенгашда Мудофаа вазирининг тарбиявий ишлар бўйича ўринбосари полковник Т.Ҳамроқулов сўзга чиқиб, баҳорги чақирувда амалга оширилган ишларни атрофлича таҳлил қилар экан, Қуролли Кучларимиз сафларини ҳар томонлама соғлом, баркамол ўғлонлар ҳисобига бутлашдек устувор вазифага жойларда бундан кейин ҳам улкан эътибор қаратиш лозимлигини уқтирди.

Ҳа, чақирув умумхалқ иши. Шунинг учун жойларда ҳарбий бошқарув органлари, маҳаллий ҳокимликлар, жамоат ташкилотлари ўзаро ҳамкорликда давлат аҳамиятига молик мазкур устувор вазифага катта эътибор билан ёндашишлари керак. Шунда кўзлаган мақсадларимиз самара беради.

Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази директори Б.Исмоилов чақирув жараёнида тест синовлари самарадорлигини оширишда нималарга эътибор қаратиш лозимлиги борасида фикрлари, таклифлари билан ўртоқлашди.

Шарқий ҳарбий округи қўшинлари қўмондони генерал-майор Б.Тошматов чақирув ва чақириққа тайёргарлик масалаларида округда амалга оширилаётган муҳим ишлар тизимдаги ислоҳотлар жараёнини янада чуқурлаштиришга хизмат қилаётганини алоҳида таъкидлади.

Шунингдек, Республика «Маҳалла» хайрия жамғармаси раисининг ўринбосари С.Ҳасанов, Сурхондарё вилояти ҳокимининг ўринбосари, чақирув комиссиясининг раиси П.Тангриев, Президент девони масъул ходими Ш.Убайдуллаев, Жанубий-ғарбий махсус ҳарбий округи қўшинлари қўмондони генерал-майор А. Собировлар чақирув тизимини янада такомиллаштиришда нималарга эътибор қаратиш лозимлиги борасида фикрларини билдириб ўтишди.

Чақирувни ҳар томонлама сифатли ташкиллаштириш борасидаги ютуқлари учун Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раисининг ўринбосари, республика чақирув комиссиясининг раиси Ҳ.Абдураҳмонов Мудофаа вазирининг «Эсдалик нишони» билан тақдирланди.

Умуман олганда, чақирув билан боғлиқ масала моҳияти равшан – мустақил ҳаётга қадам қўяётган ёш авлоднинг энг муносиб вакиллари миллий армиямиз сафларига танлаб олинмоғи, бу эса ғурур ва ифтихоримизга айланган, ихчам, тезкор ва ҳаракатчан, етарли даражада қуролланган, мамлакатимизнинг ҳудудий яхлитлиги ва чегараларимиз дахлсизлигини, юртимиздаги барқарорликни, халқимизнинг тинч ва осойишта ҳаётини ишончли ҳимоя қилишга қодир миллий армиямизнинг янада шаклланишига хизмат қилмоғи керак.

Ҳарбий кенгашда Мудофаа вазири Р.Мирзаев иштирок этди ва кун тартибидаги масала юзасидан фикр-мулоҳазаларини билдирди.

Майор Алижон САФАРОВ.

Сержантлар тайёрлаш мактабларида

ЯНГИ КУЧ – ҒАЙРАТ БИЛАН

Юртимиздаги барча илм даргоҳларидаги каби Сержантлар тайёрлаш мактабларида ҳам тўққиз ойлик ўқув курслари бошланиб кетди. Уларда ўз ҳаётини муқаддас юрт ҳимоясига бағишлашга қарор қилган азамат йигитлар таҳсил олмоқдалар.

«Сержант бугунги кунда бутун армиянинг шахсий таркибини бўғинма-бўғин мустаҳкам ташкил этадиган, унинг қудратини ва маҳоратини ҳар томонлама оширишга хизмат қиладиган ҳам мураббий, ҳам командир бўлиши керак» деган эди Президентимиз Ислом Каримов. Дарҳақиқат, ҳозирги пайтда Қуролли Кучларимиз сафларида хизмат бурчини ўтаётган посбонларнинг касбий малакаси ва юксак профессионаллик даражасини мунтазам ошириб бориш ҳамда интеллектуал қобилиятини янада юксалтиришда кичик командирларнинг тутган ўрни беқиёсдир. Аммо айнан сержантларнинг маълум бир ҳарбий соҳага оид билим савияси ва бошқарувчилик қобилиятини шакллантириш иши сержантлар тайёрлаш мактабларидаги таълим-тарбия жараёнларига кўп жиҳатдан боғлиқ эканлиги ҳеч кимга сир эмас. Шу нуқтаи назардан мазкур илм масканларида уларнинг таҳсил олиш масалалари пухта, замонавий талаб андозаларга мос равишда ташкил этилгани қувонарлидир.

– Янги ўқув курсини бошлаш учун билим юрти ўқитувчи-мураббийлари олдиндан катта ҳозирлик кўрдилар, – дейди Шарқий ҳарбий округи сержантлар тайёрлаш мактаби катта ўқитувчиси офицер Зокиржон Ҳомидов. – Ўқув хоналари замонавий таълимга оид қурилмалар ва техник воситалари билан қўшимча тарзда бутланди. Дарсларни ўтишнинг янгича усул ва услублари жорий этилди. Амалий машғулотлар майдонлари жорий таъмирдан чиқарилди, қудратли жанговар техникалар кўрикдан ўтказилиб, тахт ҳолга келтирилди. Кичик командирларнинг етук билим олиб, ўз касбий малакаларини янада мустаҳкамлашлари учун барча шароитлар яратилди.

Янги ўқув мавсумининг бошланганига ҳали кўп вақт бўлмасданоқ кундалик фаолиятни бошқариш цикли бошлиғи майор Саминжон Боқибоев ҳамда қуролланиш ва отиш цикли катта ўқитувчиси майор Нодирбек Раҳимовлар ўз қўли остида таълим-тарбия олаётган сержантларнинг саъй-ҳаракатларидан мамнун эканликларини эътироф этишмоқда. Илмга чанқоқ йигитлар тартиб-интизом бобида ҳам, назарий билимларни ўзлаштиришда ҳам сафдошларига ўрнак бўлишмоқда. Баҳром Абдураҳимов, Жўрабек Шарипов, Нодир Шукуров, Зокир Ҳасанов каби курсантлар шулар жумласидандир.

– Биз учун яратилган шарт-шароитларни таърифлаш учун сўз ожиз, десам муболаға бўлмас, – дейди курсант Жўрабек Шарипов мамнуният билан. – Жумладан, билим юрти ҳудуди ўзига хос боғга айлантирилган. Ҳамма ерда саранжом-саришталик, озодалик ҳукмрон. Курсантларнинг шинам ётоқхоналари-ю ўқув синфларини айтмайсизми?!

Тажрибали устоз-мураббийларимизнинг дарс ўтишдаги янгича усуллари ҳам бизга маъқул бўлмоқда. Ишончим комилки, тўққиз ойлик таълим-тарбия жараёнида касбий малакамизни янада бойитиб, келгуси хизматимиз учун мустаҳкам пойдевор яратган ҳолда қисмларимизга янги куч-ғайрат билан қайтамиз.

Майор Жавоҳир МАҲКАМОВ.

КУРСАНТЛАР – АМАЛИЁТДА

Мустақил Ватанимиз сарҳадлари ва мусаффо осмонимиз тинчлигини сақлашда ҳарбий учувчиларнинг хизмати катта. Улар туну кун халқимиз осойишталиги, юртимиз осудалиги йўлида сидқидилдан хизмат қилиб келишмоқда. Қуролли Кучларимизда олиб борилаётган изчил ислоҳотлар замирида ҳарбий учувчилар маҳоратини ошириш, техника базасини мустаҳкамлаш каби ишларга ҳам кенг эътибор берилмоқда.

Таъкидлаш жоизки, бугун юртимизда маҳоратли ҳарбий учувчиларни тайёрлаб бераётган, мустақиллигимиз меваси бўлмиш Жиззах олий ҳарбий авиация билим юрти барчамизнинг фахр ва ғуруримизга айланган.

Шу кунларда ушбу билим юртининг 3-курс курсантлари олти ойлик амалиётни юқори савияда ўташмоқда. Билим юртида устозлардан олинган назарий билимларини, дала шароитларида амалий жараёнлар асосида янада бойитишмоқда.

– Курсантлар амалиёт давомида нафақат учиш машқларини, балки техниканинг тузилиши, қисмлари ҳақида ҳам керакли маълумотларни яна бир бор эсга олишади, – дейди офицер Зоҳид Исмоилов. – Улар уч йил мобайнида анчагина билим ва кўникмага, тажрибага эга бўлганлар. Йигитларнинг барчаси ўз касбига жуда қизиқади. Шу боис машғулотларда ҳеч қандай муаммоларга, камчиликларга дуч келинмаяпти.

Курсантлар бу ерда аэродинамика, вертолётда учиш, авиа техника каби машғулотлардан амалий машқларни бажаришмоқда. Уларга малакали ва бой тажрибага эга бўлган офицерлар сабоқ беришмоқда.

– Ҳарбий учувчи бўлишга ёшлигимдан қизиққанман, – дейди курсант Зафар Тошматов. – Чунки отам ҳам учувчи бўлган. Ҳозир амалий машғулотларни ўтаяпмиз. Бу бизнинг ўқишимиз давомидаги энг масъулиятли даврдир. Назарий билимларимиз, учувчилик бўйича эгаллаган барча кўникмаларимизни ушбу давр ҳал қилиб беради. Шунинг учун бор диққат-эътиборимизни машқларга қаратамиз.

Ўқув хонасида офицер Денис Аввакумов курсантлар билан учиш вақтида ва ноқулай об-ҳаво шароитида қандай машқларни бажариш кераклиги ҳақида машғулот ўтмоқда. Машғулотни кузатар эканмиз, курсантларнинг танлаган касбларига қанчалик меҳр қўйганликларига гувоҳ бўлдик. Машғулот раҳбарининг ҳар бир саволига йигитлар аниқ ва равон жавоб беришиб, ўз билимларини тўла намоён қилишмоқда.

– Амалиёт мобайнида шу нарсага амин бўлдимки, билим юртидаги устозларимиз бизга ҳар томонлама пухта билим беришган экан, – дейди курсант Тўланбой Ўрмонов. – Билим юртидаги устозларимиздан радио-электрон жиҳозлари фанидан сабоқ берган офицер А.Абдумажидов, учув аппаратлари тузилишидан офицер Р.Гулямов, ҳаво навигациясидан офицер И.Бердуюгун, аэродинамика фанидан офицер О.Арипов, авиация жиҳозларидан офицер А.Абдураҳмоновлардан қанчалик миннатдор бўлсак арзийди. Чунки улар берган сабоқлар бугунги амалиётимиз жараёнида бизга жуда асқотмоқда.

Иккинчи ўқув хонасида машғулот ўтказаётган офицер Фазлиддин Аҳмадалиев курсантларга вертолёт кабинасининг тузилиши, у ердаги аппаратларни бошқариш ва улардан фойдаланиш каби мавзуларни амалиёт асосида олиб бормоқда. Ҳар бир курсант кабинага ўтириб вертолётни ўт олдиришдан тортиб, унинг парвози ва ерга қайта қўниши ҳамда ҳаводаги жараёнларни ўрганишмоқда.

– Шундай нуфузли билим юртининг курсанти бўлганимдан, ҳарбийликдек шарафли касбнинг эгасилигимдан жуда-жуда фахрланаман, – дейди курсант Шамил Мавлютов. – Ўтган йили республика «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг стипендиясига сазавор бўлган эдим. Бу мукофот мени янада руҳлантириб, ўз касбимга нисбатан меҳримни ва қизиқишимни орттирди. Мақсадим келажакда маҳоратли ва тажрибали ҳарбий учувчи бўлиш. Шу боис машғулотларга асосий эътиборимни қаратиб, кўпроқ билим эгаллашга ҳаракат қилаяпман. Жумладан, ҳозир ўтаётган амалиётимиз ҳам биз курсантларга жуда кўп нарсани ўзлаштиришимизда, тажрибамиз ошишида катта аҳамиятга эгадир.

Аҳрор ОЧИЛОВ,
«Ватанпарвар» мухбири.
Баҳром АБДУРАҲИМОВ олган сурат.

Ёзги мавсум ўқув машғулотлари

МАШҚЛАРДА БИЛИНАР МАҲОРАТ

Айни кунларда Қуролли Кучларимиз қисм ва бўлинмаларида ёзги мавсум ўқув машғулотлари қизғин давом этмоқда.

... Эрта тонг. Ҳарбий қисм ҳудудидаги постларда сергак турганча соқчилар атрофни кузатиб, ўзларига ишониб топширилган объектни қўриқлашмоқда. Атрофдаги сукунатни бузиб, сирена овози янгради, ўқув «тревога»си эълон қилинди. Қисм шахсий таркиби сафар халталари ва қуроласлаҳаларини қабул қилишиб, ўзларига бириктирилган объект ва ҳудудларни ҳимоя қилишга киришишди. Офицер Баҳодир Мўминов кўп йиллик тажриба ва малакага эга ҳарбийлардан. Ҳозиргина қисм командирининг хонасидан чиқиб келаётган офицер бугун ўзига ва унинг посбонларига ўта жиддий топшириқ юкланганлигини ҳис қилмоқда. Бу биринчи топшириқ эмас, албатта. У етакчилигидаги взвод посбонлари бундан-да қийинроқ ва масъулиятли вазифаларни муваффақиятли бажариб келган. Командир саф майдонига етиб келганида, шахсий таркиби тўлиқ жанговар шай ҳолатда турарди. У гуруҳ командирлари ва ўринбосарларини йиғиб, юқори қўмондонлик томонидан қўйилган топшириқ ҳақида қисқагина ахборот бериб, вазифаларни белгилади. Машқ режасига кўра, тоғли ҳудудда бир гуруҳ жангарилар ҳаракат қилмоқда. Разведка берган маълумотларга биноан, шартли душман тоғли қишлоққа кириб олишни мўлжаллаётган бўлиши керак. Демак, вазифага жиддий ёндашиш зарур. Агар душман қишлоққа жойлашиб олса, вазият янада оғирлашади, уларни қишлоққа етмасданоқ, йўқ қилиш зарур. Вақт жуда қисқа, тезкорлик билан вазифани бажаришга киришиш лозим. Шу фикрларни хаёлидан ўтказган офицер Б.Мўминов гуруҳ командирини олдига чақирди. Унинг гуруҳи шартли душман ҳаракат қилаётган ҳудудни аниқлаб, уларнинг йўлига пистирма қўйиши керак. Гуруҳ командири жой шароитига мос равишда маскировка кийимларини кийиб, вазифани бажаришга шай турган снайперларни ёнига чақириб, керакли топшириқни қўйди. Орадан муайян вақт ўтгач, снайпер кичик сержант Зафар Дониёров командирга душман жойлашган ҳудуд ва тўда аъзолари тўғрисидаги зарур маълумотни алоқа воситаси орқали етказди. Бошқа гуруҳлар командирлари ўз посбонлари билан биргаликда душманнинг қишлоққа кириб келиши кутилаётган йўлга жойлашиб, командирнинг буйруғини кута бошлашди. Яна бир гуруҳ душман ортида пистирма қўйиши лозим. Буни яхши англаган офицер Б.Мўминов аниқ, пухта режа асосида иш олиб борди. Барча гуруҳлар ўз жойларида буйруқ кутиб, шай туришибди. Шартли душман ҳам белгиланган масофага яқинлашиб қолди. Биринчи навбатда душман йўлига гуруҳ муҳандислари тўғоноқ бўлишди, шундан сўнг автоматчи ва пулемётчилар ишга тушди. Душман учун барча йўллар ёпиқ. Ниҳоят командирнинг буйруғи янгради. Портлаш оқибатида душман орасида парокандалик бошланди. Улар ўзларини дуч келган томонга уриб, пистирмадан қочиб чиқиб кетишга уринишди. Маҳоратли мерган посбонлар бунга йўл қўйишмади. Тажриба ўз сўзини айтиб, офицер Б.Мўминов шахсий таркиби қўйилган вазифани, аъло даражада уддалади. Шахсий таркибнинг жанговар тайёргарлиги юқори қўмондонлик томонидан муносиб боҳоланди.

Бу мавсум ўқув машғулотлари жараёнидан бир лавҳа. Дарҳақиқат, машғулотлар посбонни ҳар томонлама тоблайди, чиниқтиради. Буни яхши англаган посбонлар доимо изланишда.

Аҳрор АЗИЗОВ.



РЕФОРМИРОВАНИЕ ВООРУЖЕННЫХ СИЛ: НОВЫЕ РУБЕЖИ

БЫТЬ ДОСТОЙНЫМ СВОЕЙ ВЕЛИКОЙ СТРАНЫ

(Продолжение. Начало на 1-стр.).

Но начинать нам пришлось не с долгосрочной программы. В трудных условиях, сложившихся после распада Союза, в обстановке, когда фактически была потеряна управляемость, до предела снизились дисциплина и порядок в войсках, кое-кто в центре решил воспользоваться этим и вывезти из нашей республики наиболее важную и нужную для страны боевую технику и вооружения. Потребовались твердая политическая воля и личное вмешательство в этот беззастенчивый грабеж Президента Ислама Каримова, который и предотвратил не только вывоз боевой техники и вооружений, но и сохранил основной костяк военных кадров, укомплектованность армии и ее боеспособность. В условиях нараставших угроз внутренней и внешней безопасности это имело огромное значение.

В кратчайшие сроки в Вооруженных Силах, создание которых парламент республики провозгласил 14 января 1992 года, под непосредственным руководством главы нашего государства была проведена большая работа по реорганизации и модернизации новой армии, по созданию правовой базы функционирования Вооруженных Сил, укреплению организованности и порядка, повышению их боевой готовности. Была создана целостная система подготовки национальных офицерских кадров и сержантского состава, введен институт заместителей командиров по работе с личным составом (впоследствии – заместителей по воспитательной работе), проведены и другие необходимые мероприятия. Принятыми мерами мы не только уберегли страну от внутренних и внешних конфликтов, но и, главное, в условиях нараставших угроз и вызовов нашей безопасности подготовили прочную базу для кардинальной военной реформы на основе единой государственной политики.

Макростратегия военной реформы состояла в том, что она охватывала все стороны жизнедеятельности Вооруженных Сил – оснащение вооружением и боевой техникой, внедрение новых компьютерных и информационных технологий, систему подготовки сержантского состава и офицерских кадров, проблемы обучения, в основу которого были положены профессионализм и повышение интеллектуального уровня боевой и оперативной подготовки, преобразование всей системы духовно-нравственного и воинского воспитания, укрепление дисциплины и правопорядка, создание комфортных бытовых условий для военнослужащих, усиление их социальной защиты и социальной обеспеченности.

Говоря о военной реформе, следует особо подчеркнуть, что она была инициирована Президентом, Верховным Главнокомандующим Вооруженными Силами Исламом Каримовым и осуществлялась под его непосредственным руководством.

Вместе с этим, основная задача по реформированию Вооруженных Сил, по практическому претворению в жизнь установок Президента по формированию мобильной, высокоманевренной, самодостаточной, фактически профессиональной армии была возложена на Министерство обороны и Объединенный штаб Вооруженных Сил.

Что практически было сделано в ходе реформирования Вооруженных Сил?

Прежде всего наша армия перешла на новую организационную структуру, которая была разработана с учетом особенностей нашего театра военных действий, характера и способов боевых действий вероятного противника. И, как следствие этого, мы избавились от громоздких, малоподвижных и малоэффективных подразделений. Это позволило нам качественно решить главную оперативно-тактическую задачу – повысить мобильность, маневренность и огневые возможности частей и подразделений и, что особенно важно, обеспечить самостоятельность и ответственность командиров всех уровней.

Исходя из особенностей ТВД, на важнейших операционных направлениях при Министерстве обороны были созданы подразделения сил специальных операций, корпуса по борьбе с терроризмом, которые, как показал опыт борьбы против бандформирований международных террористов, проникших в горные районы Сурхандарьинской, Кашкадарьинской и Ташкентской областей, а также опыт антитеррористических учений, стали мощным средством противодействия террористам и сдерживания агрессивных устремлений вероятного противника.

Большое значение для повышения боевой готовности и боеспособности Вооруженных Сил имело то, что в короткие сроки были созданы военные округа, пограничные регионы, пересмотрена вся система управления Вооруженными Силами, состав и дислокация частей и соединений, глубоко проработаны вопросы взаимодействия между родами и видами Вооруженных Сил и силовыми структурами, реализованы комплексные меры по укреплению материально-технической базы, оснащению войск самыми современными видами вооружения и техники.

Огромное влияние на изменение облика, содержания и боевых возможностей наших Вооруженных Сил оказали сокращение срока срочной военной службы до одного года, изменение порядка комплектования, боевого оснащения войск, введение службы в мобилизационном призывном резерве, практическое завершение перехода на контрактную службу.

Принципиальное значение для войск имело создание на новой организационной и социальной основе, новейшей материально-технической базе школ подготовки сержантов. Основанные на широком использовании информационных и компьютерных технологий, эти школы готовят сегодня таких сержантов, которые стали, по образному выражению главы государства, **становым хребтом нашей армии, наставниками солдат, надежными помощниками офицеров.**

Очень многое сделано в сфере социальной защиты военнослужащих, обеспечения их и их семей необходимыми жилищно-бытовыми условиями. Только за последние пять лет более чем в два раза были увеличены оклады по воинским званиям, выходные пособия при увольнении с военной службы.

Важным политическим итогом реформирования Вооруженных Сил явилось формирование по существу нового профессионального и духовно-нравственного облика наших офицеров и сержантов. Сегодня – это люди инициативные, творческие, умеющие находить неординарные решения в самой сложной обстановке.

Огромную роль в этом сыграли повышение интеллектуального уровня процессов учебно-боевой подготовки в Академии Вооруженных Сил, в военных училищах, школах подготовки сержантов, внедрение в учебный процесс информационных и компьютерных технологий, современных методов моделирования и симуляции, а также введение института контрактников, посредством которого мы и создали по существу профессиональную армию.

На формирование нового облика военнослужащего огромное влияние оказало повышение престижа военной службы, усиление социальной обеспеченности и социальной защиты военнослужащих, установление для них льгот, имеющих большое общественно-политическое значение, и тот очевидный факт, что военная служба стала не только школой возмужания и патриотизма, но и школой выбора жизненной профессии, а также то, что военная служба решает важные и ответственные задачи.

Нам надо умом и сердцем осознать глубинную сущность наказа главы государства: «Нынешнее сложное и тревожное время требует от нас,.. не ослабляя внимания, чуткости и бдительности, как зеницу ока оберегать наши рубежи, достойно противостоять любым опасностям».

Значение военной реформы трудно переоценить. **«У нас есть сегодня, – говорит Президент, – все основания с чувством большого удовлетворения заявить, что Узбекистан сегодня практически располагает небольшой по численности, современной, достаточно вооруженной национальной армией, способной отстоять территориальную целостность, неприкосновенность границ, стабильность страны, мир и спокойствие нашего народа».**

Воины-узбекистанцы хорошо понимают, что эта высокая оценка – не повод для благодушия и успокоенности. Все военнослужащие как нравственный наказ восприняли напутственные слова Президента, прозвучавшие на торжественной церемонии, посвященной 16-летию независимости Республики Узбекистан: **«Нынешнее сложное и тревожное время требует от нас, не забывая о существовании различных угроз человечеству, работать над укреплением мира, спокойствия и стабильности в стране, не ослабляя внимания, чуткости и бдительности, как зеницу ока оберегать наши рубежи, достойно противостоять любым опасностям, повышая нашу мощь и силу».**

Чему учат нас доклад и выступление главы нашего государства, посвященные 16-летию независимости Узбекистана?

Во-первых, всем своим содержанием они учат военные кадры из всех приоритетов во главу угла ставить вопросы дальнейшего повышения боевой готовности частей и подразделений, бдительности и боевой настороженности всего личного состава Вооруженных Сил. Нам надо умом и сердцем осознать глубинную сущность наказа главы государства: **«Нынешнее сложное и тревожное время требует от нас,.. не ослабляя внимания, чуткости и бдительности, как зеницу ока оберегать наши рубежи, достойно противостоять любым опасностям»,** – и воспринимать его как боевой приказ. И, как следствие этого, каждодневно совершенствовать свое профессиональное мастерство, свою выучку и быть в постоянной готовности к защите своей независимой Родины, ее священных и неприкосновенных рубежей.

Во-вторых, продолжать работу по формированию у всех военнослужащих обостренного чувства патриотизма, любви и преданности Родине и на этой основе добиваться осознанного понимания каждым военнослужащим его роли и места как субъекта военной политики в общей системе военного строительства и реформирования Вооруженных Сил, ответственного за судьбу страны, ее независимость, за мир и спокойствие нашего народа. Уделять особое внимание формированию у военнослужащих всех категорий высоких морально-боевых и психологических качеств, активной жизненной позиции.

В-третьих, глава государства учит военные кадры активному творческому поиску, внедрению в практику всего нового, передового, что соответствует требованиям нашего времени и интересам боевой готовности. Вместе с этим, говоря о новых формах и методиках, нельзя забывать добрый совет главы нашего государства: «Не построив новый дом, не разрушай старого». Нам надо всегда помнить и заветы великих предков, которые в своей деятельности постоянно опирались на ранее накопленный опыт, на достижения предшествующих поколений. Великий Сахибкиран говорил: «Опыт научил меня», «Старые воины были глубоко почитаемы, речи их выслушивались, потому что все, что они говорили, было основано на опыте, они составляли славу моего государства». Опыт – это то бесценное достояние, которое накапливается веками и передается из поколения в поколение. Учиться на передовом опыте – наш долг и святая обязанность, завещанная великими предками.

В-четвертых, необходимо видеть перспективу, работать на будущее. Решая ответственнейшие задачи, поставленные Президентом, Верховным Главнокомандующим, мы не имеем права жить по принципу: «День прожит – и хорошо». Каждому военнослужащему, какое бы место он ни занимал, должно быть присуще чувство устремленности вперед, чувство совершенствования, постоянного обновления нашей армейской жизни.

В-пятых, глава государства учит деловитости, настойчивости и принципиальности в достижении поставленной цели. Он еще раз напоминает нам, что успех дела зависит от уровня организаторской и воспитательной работы, умения анализировать практическую деятельность и объективно ее оценивать. Без анализа нет оценки. Но мы всегда должны помнить, что в центре нашей работы – человек, его интересы, потребности и возможности. И неточная оценка – это возможность проявления субъективизма, а значит, и социальной несправедливости. Допускать этого ни в коем случае нельзя.

В-шестых, глава государства дал высокую оценку нашей молодежи, являющейся, как он сказал, **«опорой и надеждой в осуществлении благородных целей и планов».** А ведь армия – это в основе своей молодые люди, и его требование **«воспитать их духовно развитыми личностями, обладающими современными знаниями, опытом и самостоятельным мышлением»** всецело относится и к Вооруженным Силам.

Наш долг довести до сознания всех военнослужащих, и прежде всего нашей военной молодежи, о которой у Министерства обороны забота особенная, очень простую и вместе с тем очень важную мысль. Чтобы быть достойным нашего исторического времени, молодой человек должен осознать себя продолжателем дел, идей и традиций великих предков, героев-фронтовиков, всех тех, кто отдал свою жизнь за независимую Родину. Он должен знать, как закладывался фундамент независимости, услышать биение пульса нашей общественной жизни, прикоснуться к нашей богатейшей истории не только умом, но и сердцем. Эта задача всецело ложится на плечи командиров, органы воспитательной работы, на всех офицеров и сержантов.

Доклад Президента страны Ислама Каримова на совместном заседании и его выступление на торжественной церемонии, посвященные 16-летию независимости нашей страны, – это вдохновенный призыв к нынешнему поколению вооруженных защитников Родины свято хранить традиции великих предков, беречь как зеницу ока нашу независимость, суверенитет страны, демократию и свободу и быть готовыми в любую минуту защищать честь, свободу и независимость родной Отчизны.

Независимость и военная реформа все полнее раскрывают боевой и нравственный потенциал Вооруженных Сил. Являясь сегодня спаянной военной организацией и развиваясь в соответствии с установками Президента страны, наша армия обрела новое качество, стала гибким, слаженным, мобильным организмом, в полной мере соответствующим духу времени и способным решать самые сложные задачи современной военно-политической обстановки. В этом гарантия выполнения ею сложных и ответственных задач по защите наших священных рубежей, независимости, мира и спокойствия народа.

Анфим ХЛЫЗОВ.

Твои герои, Узбекистан!

МЕДАЛЬ СОЛДАТУ – ЗА ВЕРНОСТЬ ДОЛГУ



Празднование шестнадцатой годовщины независимости нашей Родины стало для рядового срочной службы Озодбека Тухтаева двойным праздником – в преддверии самого светлого и самого дорогого для всех нас праздника Указом Президента Республики Узбекистан отличный солдат был награжден медалью «Содик хизматлари учун». Эта высокая оценка профессионализма и верности воинскому долгу вдохновила Озодбека на новые успехи в ратном труде по защите родного Узбекистана.

Медаль «Содик хизматлари учун» учреждена Законом Республики Узбекистан, подписанным Президентом 6 июля 2007 года. В Положении о награде так и записано: «Медалью «Содик хизматлари учун» награждаются граждане Республики Узбекистан за большие заслуги в деле укрепления обороноспособности и национальной безопасности, повышения боевой готовности Вооруженных Сил Республики Узбекистан и обеспечения правопорядка в Узбекистане, проявленные высокое профессиональное мастерство, верность воинскому и патриотическому долгу».

Уроженец Зарбдорского района Джизакской области минувшей осенью был призван в ряды Вооруженных Сил и направлен для прохождения срочной военной службы в подразделение обеспечения учебного процесса ЧВТКИУ. В процессе возмужания и воинского становления перед глазами солдата стояли яркие примеры патриотизма и стремления к профессиональному росту, которые подавали курсанты ЧВТКИУ, одного из ведущих высших военно-образовательных учреждений Министерства обороны.

Естественно, что во взводе охраны под командованием капитана Фархода Ашурова акцент в боевой учебе личного состава ставился на качественное обеспечение охраны и обороны военных объектов, повышение бдительности и боевой настороженности. Обучаясь меткому ведению огня из стрелкового оружия, вырабатывая выносливость на кроссах и набираясь сил на спортивных снарядах, молодцевато шагая в строю, эти парни воспитывались в понимании того, что от их бдительной службы зависят мир и покой в родном Узбекистане.

Недаром говорят, что даже в мирное время в жизни всегда есть место для подвига. Важна только постоянная готовность к его совершению, потребность в максимальной самоотдаче во имя Родины. И для рядового Озодбека Тухтаева такой час испытаний все же наступил. Будучи часовым в составе караула, бдительный воин обратил внимание на нарушителя границ поста. Действуя четко и уверенно, строго по уставу, солдат решительно пресек незаконные действия. Нарушитель был доставлен в правоохранительные органы, а рядовому О.Тухтаеву на другой же день перед всем строем была объявлена благодарность командования. Впоследствии отличный воин был удостоен и Памятного знака начальника Объединенного штаба Вооруженных Сил.

В беседе рядовой О.Тухтаев выразил искреннюю признательность своему командиру группы младшему сержанту Муроду Сапарову. Военный профессионал не просто помогал новобранцу с первых дней в освоении секретов воинского мастерства, но и стал наставником. Такая доверительная, товарищеская атмосфера взаимовыручки и чисто армейской дружбы сплачивает коллектив, позволяет успешно решать поставленные учебно-боевые задачи. По-другому и быть не должно, ведь с оружием в руках заступая на охрану военных объектов, часовые должны быть твердо уверены, что в любой нештатной ситуации помощь поступит без промедления.

Наверняка в эти дни в дом Сафара-ака Тухтаева, вырастившего четверых сыновей, приходят родные и соседи, чтобы принести свои поздравления и выразить признательность за воспитание младшего сына Озодбека истинным патриотом нашей Родины. А сам солдат намерен после окончания срока службы остаться в армии по контракту.

Майор Аблай КАМАЛОВ,
корр. «Ватанпарвара».
Фото **Гайрата АШИРКУЛОВА.**

Эътироф

ТЎЙ ТЎЙЛАРГА УЛАНДИ



Мустақиллигимизнинг 16 йиллик тўйини маҳалла-кўй билан биргаликда катта тантана қилиб, шундай нурафшон кунларимизга шукроналар айтаётган чоғимизда ўғлимиз Шайназар номига Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирининг Ташаккурномаси юборилганидан хабар топдик. Хурсандчилигимиз оламга сиғмай кетди, гўё. Яна тўй тўйларга уланди.


Ўғлимнинг она Ватан олдидаги камтарона хизматларини юксак баҳолаб, алоҳида эътибор қаратгани учун Мудофаа вазирлиги раҳбариятидан беҳад миннатдор бўлдик. Маҳалладошларимиз ҳам ҳукуматимиз томонидан фарзандларимизга кўрсатилаётган чексиз ғамхўрликлар ва яратилаётган қатор имтиёзларни мамнуният билан эътироф этдилар.

Ташаккурномани топшириш маросими Сурхондарё вилоят мудофаа ишлари бошқармасида тантанали равишда ўтказилди. Унда вилоят ва шаҳар ҳокимлигининг раҳбар ходимлари, давлат ва жамоат ташкилотларининг мутасадди вакиллари, ҳарбий хизматчиларнинг ота-оналари ва кенг жамоатчилик қатнашди. Тадбирда сўзга чиққанлар муқаддас юрт посбони бўлишнинг нақадар шарафли ва масъулиятли эканини, бунинг учун ёшларимиз ҳар томонлама билимли, жисмонан кучли ва маънан етук бўлиши лозимлигини таъкидладилар. Хизматга шайланаётган чақирилувчиларга йигитлик бурчини муносиб ўташларига эзгу тилак билдирдилар. Байрамга ҳарбий оркестр куй-наволари ўзгача файз бахш этди.

Ўғлимиз Шайназар бурчини аъло даражада ўтаб, ўзи ният қилганидек келгусида олий ўқув юртига кириши учун Тавсияномага ҳам сазовор бўлади, деган умиддаман. Бунга нафақат фарзандимизнинг тиришқоқлиги, саъй-ҳаракатлари, балки ҳарбий қисмда ўқишга киришни хоҳловчилар учун яратилган қўшимча шарт-шароитлар ҳам имкон беришига ишонаман.

Жамила ЎРОЗОВА,
аскар онаси.

ТАШАККУРНОМАЛАР ТОПШИРИЛДИ



Мустақиллигимизнинг 16 йиллик байрамини халқимиз фидокорона меҳнатлари эвазига эришган улкан ютуқлари билан қарши олди. Бундан Қуролли Кучларимиз сафларида она Ватан олдидаги конституциявий бурчларини ўтаётган ҳарбий хизматчилар ҳам мустасно эмас. Улар тунларни кунларга улаб, қишнинг қаҳратони-ю ёзнинг жазирамаси демай бепоён сарҳадларимизни қўриқлаш йўлидаги ўқув-жанговар вазифаларни шарафла бажариб, қўмондонликнинг муносиб рағбатига сазовор бўлмоқдалар.

Яқинда Андижон вилоят мудофаа ишлари бошқармасида Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазири ҳамда Мудофаа вазирининг биринчи ўринбосари – Қуролли Кучлар бирлашган штаби бошлиғининг Ташаккурномаларини топшириш маросими бўлиб ўтди. Тадбирга аълочи посбонларнинг ота-оналари билан бирга ҳокимлик мутасадди раҳбарлари, давлат ва жамоат ташкилотларининг вакиллари, маҳалла фаоллари ҳамда кузги чақирув бўйича Ватан ҳимоясига ҳозирлик кўраётган чақирилувчи ёшлар ташриф буюрди.

Ота-оналарга Ташаккурномалар тантанали равишда топширилди. Сўзга чиққанлар юртимизда ҳукм сураётган тинчлик-осойишталик замирида юрт ҳимоячиларининг заҳматли аммо шарафли хизмати мужассам эканлигини, ҳукуматимиз томонидан ёш авлодга кўрсатилаётган катта эътибор ва ғамхўрлик намуналаридан мамнун эканликларини ўзгача фахр билан эътироф этдилар. Байрам куй-қўшиқларга уланиб кетди.

Подполковник
Б. ФАЙЗУЛЛАЕВ.

Отклики на поздравление Президента

ЗАБОТЯСЬ О БЛАГЕ НАРОДА

В выступлении Президента Ислама Каримова на торжественной церемонии, посвященной 16-летию независимости Республики Узбекистан, лейтмотивом звучит забота о благосостоянии народа.

Мы, ветераны Второй мировой войны, постоянно чувствуем на себе заботу и внимание государства. Слова Президента о том, что ставится задача в ближайшие три года повысить в 2 – 2,5 раза размеры заработной платы рабочих и служащих, пенсий, пособий и стипендий, наполнены заботой и о нас, людях преклонного возраста.

В связи с этим хочется высказать искреннюю признательность Президенту, пожелать крепкого здоровья, новых свершений во благо нашей Родины.

Николай СМИРНОВ, ветеран Второй мировой войны.

ТАРАҚҚИЁТГА ИНТИЛАЁТГАН ЮРТ

Демократик тамойиллар асосида ривожланиб бораётган Ватанимиз ҳаётида босиб ўтилган 16 йилнинг ўзига хос ўрни бор. Тўғри, 16 йил тарихан жуда қисқа давр бўлса-да, мамлакатимизнинг турли жабҳаларида ҳақиқий ривожланиш палласи бўлди. Президентимиз ташаббуси билан истиқлолнинг илк йилларидаёқ биз учун янгилик бўлган бозор иқтисодиётининг асослари яратилди. Мамлакатимизда хусусий мулкчиликка, унинг ривожига алоҳида аҳамият қаратилди.

Бу даврда амалга оширилган ишлар қаторида мамлакат мудофаа қобилиятини мустаҳкамлаш ва юртимиз барқарорлиги ҳамда хавфсизлигини таъминлашда Қуролли Кучларимизнинг шакллантирилишини алоҳида таъкидламоқ лозим.

Мана шундай ислоҳотлар самараси ҳақида бугун ҳар бир юртдошимиз фахр ва ғурур билан гапиради. Президентимиз Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, Вазирлар Маҳкамаси ва Президент Девонининг Ўзбекистон мустақиллигининг 16 йиллигига бағишланган қўшма мажлисидаги «Ўзбекистоннинг 16 йиллик мустақил тараққиёт йўли» номли маърузасини ўқиганимда мамлакатимизда қилинган улкан ишлар яна бир бор кўз олдимда намоён бўлди.

Меҳринисо АКРАМОВА,
Бухоро вилояти ҳокимлиги хотин-қизлар қўмитаси котибияти мудири.

ТАЪМИНОТ – ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚУРОЛЛИ КУЧЛАРИ

ҲАР БИР АСКАР, СЕРЖАНТ ВА ОФИЦЕРГА

Ўзбекистон Республикаси Президенти, Қуролли Кучлар Олий Бош қўмондони Ислом Каримов Ватан ҳимоячиларига йўллаган байрам табригида ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оилаларини ижтимоий ҳимоя қилиш, уй-жой ва маиший шароити, тиббий хизматдан фойдаланиш имкониятини яхшилаш каби аниқ мақсадларга йўналтирилган ишларни янада кучайтириш давлатимиз ва жамиятимизнинг асосий вазифаси бўлмоғи лозим, деб таъкидлаган эди. Бу вазифанинг аҳамияти ва моҳияти 2007 йилнинг «Ижтимоий ҳимоя йили» деб эълон қилингани билан боғлиқ эмас. Ушбу масаланинг муҳимлиги ва долзарблиги шундаки, ҳозирги мураккаб ва таҳликали даврда фақат ҳар томонлама яхши тайёрланган, етарли даражада таъминланган ва ижтимоий ҳимояланган, қудратли Қуролли Кучларгина хавфсизлик ва барқарорликнинг, чегараларимиз дахлсизлиги ва мамлакатимиз ҳудудий яхлитлигининг, халқимизнинг тинч ва осойишта ҳаётининг мустаҳкам таянчи ва ишончли кафолати бўла олади.

Миллий армиямиз сафларида хизмат бурчини ўтаётган ҳар бир фуқаро давлатимиз ҳимояси ва доимий ғамхўрлиги остидадир. Шу сабабли ҳам у қисқа муддат ичида кучга тўлмоқда, юқори малакали мутахассисга, ўз юртини жон-дилдан севадиган, ота-онаси ва яқинлари фахрланадиган йигитга айланмоқда. Бугунги кунда таъминот муассасалари ва бўлинмаларида ҳарбий хизматчиларни, айниқса муддатли хизмат аскарларини моддий таъминлаш ва ижтимоий ҳимоя қилиш масалаларига катта эътибор қаратилмоқда. Давлат томонидан бўлаётган эътибор ва ғамхўрлик натижасида Қуролли Кучлар сафида хизмат қилиш ёшлар учун нуфузли ишга айланмоқда. Юз минглаб ёшлар улар учун шаклланиш пойдевори бўлган, ҳаёт йўлини танлашда, олий маълумот эгаси бўлишда катта имкониятлар очиб берган муддатли ҳарбий хизмат ёки сафарбарлик чақируви резервидаги ойлик йиғинини миннатдорчилик ҳисси билан ёдга оладилар.

Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 16 йиллик айёми арафасида «Ватанпарвар» газетаси таҳририятига ҳарбий хизматчиларнинг ҳаёти ва маиший шароитини яхшилаш борасида ҳар бир ҳарбий қисм, ҳар бир бўлинмада амалга оширилаётган, кўз ўнгимизда содир бўлаётган катта ўзгаришлар ҳақида ҳикоя қилиб беришимизни сўраб битилган кўплаб мактублар келмоқда. «Ватанпарвар» газетаси таҳририяти муштарийлардан келган саволларни умумлаштириб, Мудофаа вазирининг таъминот ва капитал қурилиш бўйича ўринбосари полковник Виталий Хўжақуловдан уларга жавоб беришни илтимос қилди.




– Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Абдуғаниевич Каримов томонидан ҳарбий хизматчиларнинг ижтимоий ҳимояланишини таъминлаш, ёшлар ўртасида ҳарбий хизмат нуфузини ошириш борасида қўйилган вазифаларни бажариш бўйича Мудофаа вазирлигининг таъминот хизматлари томонидан қандай ишлар амалга оширилмоқда?


– Ҳарбий хизматчиларни ижтимоий ҳимоя қилиш ва ҳарбий хизмат нуфузини ошириш масалалари ҳарбий ислоҳотларнинг энг муҳим таркибий қисмидир. Мамлакатимиз тараққиётининг ижтимоий-иқтисодий ва ижтимоий-сиёсий дастурига мувофиқ республикамизда ҳуқуқий, демократик давлат, фуқаролик жамиятининг мустаҳкам пойдевори барпо этилган, қўйилган вазифаларни ишончли ва самарали ҳал қилишга қодир бўлган принципиал жиҳатдан янги миллий армия яратилган.

Мудофаа вазирлигида аввало оддий аскар, сержант ва офицерлар таркибининг яшаш ва хизматни ўташнинг ижтимоий-маиший шароитлари тубдан қайта кўриб чиқилмоқда. Замонавий уй-жой фонди яратилмоқда, ҳарбий шаҳарчалар ободонлаштирилмоқда, ҳарбий хизматчилар ва улар оилаларининг яхши турмуш кечиришларини таъминловчи коммунал ва ижтимоий-маиший шароитлар яхшиланмоқда.

Ҳарбий шаҳарчаларда кенг кўламдаги ижтимоий-маиший хизмат кўрсатувчи ҳарбий савдо тизими фаолиятини янада такомиллаштиришга йўналтирилган аниқ мақсадли дастур амалга оширилмоқда. «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати билан ҳамкорликда қисмларда ҳарбий хизматчиларнинг оилаларига ижтимоий-маиший хизмат кўрсатиш бўйича сервис хизматлари яратишни кўзда тутувчи «Ёш ҳарбий оила» деб номланган дастур ишлаб чиқилган ва амалга оширилмоқда. Мазкур лойиҳада ёш офицерлар ва сержантларга зарурий маиший техника ҳамда мебелларни шахсий фойдаланиш учун ижара асосида бериш, ҳарбий хизматчилар оилаларининг мароқли ҳордиқ чиқаришларини уюштириш бўйича хизматлар яратиш кўзда тутилган. Бунга мос келувчи юқори сифатли мебель жиҳозлари Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигига қарашли корхоналардан бирида ишлаб чиқарилмоқда.



Жиззах олий ҳарбий авиация билим юрти асосий биноси кўриниши



Курсантлар хонаси



Тошкент олий умумқўшин қўмондонлик билим юрти курсантлари ётоқхонаси



Аскарлар ошхонаси овқатланиш зали



Замонавий ошхона жиҳозлари

– Сўнгги йилларда ҳарбий хизматчилар учун мўлжалланган ошхоналар ҳам тубдан ўзгарди: тўрт кишилик столлар, замонавий сервизлар, миллий таомлар, янги мева ва сабзавотлар. Ҳозирда ҳарбий қисмларда шахсий таркиб овқатланишини янада яхшилаш борасида қандай ишлар амалга оширилмоқда?

– Бугунги кунда умумқўшин паёгининг қуввати 4377,3 килокаллорияни ташкил қилиши ва бу МДҲ давлатлари орасида энг кўп қувватли эканлигининг ўзиёқ ҳарбий хизматчиларнинг тўлиқ ва сифатли овқатланишларини таъминлашга алоҳида эътибор берилаётганига яққол далил бўлади. Маҳаллий ҳокимият органлари билан ҳамкорликда ошхоналарни замонавий технологик жиҳозлар, юқори сифатли идиш-товоқлар билан таъминлаш борасидаги чора-тадбирлар амалга оширилмоқда, ҳарбий хизматчиларнинг тўлиқ ва сифатли овқатланишлари учун қулай шароитлар яратилмоқда. Мисол учун, қисм ва бўлинмаларнинг аскарлар ошхоналари юқори сифатли сайқалланган пўлатдан тайёрланган «Баттерфляй» типидаги ошхона анжомлари билан таъминланган.

Ишлаб чиқарувчиларни танлаш имконияти мавжудлиги етказиб берилаётган озиқ-овқатлар сифатини назорат қилиб боришда жуда муҳим аҳамият касб этади. Шу мақсадларда барча қўшин омборхоналари озиқ-овқат маҳсулотларининг физик-кимёвий хусусиятларини пухта таҳлил қилиш имконини берувчи энг замонавий лаборатория ускуналари билан жиҳозланмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ҳарбий хизматчиларининг озиқ-овқат таъминотини такомиллаштириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарорига мувофиқ 2005 йилдан бошлаб ҳарбий хизматчилар учун янги, янада такомиллашган ва каллорияли овқатланиш рациони киритилган. Озиқ-овқат таъминотини такомиллаштириш мақсадларида қўшма қарорлар асосида ҳарбий хизматчиларнинг озиқ-овқат таъминоти тўғрисидаги янги қоида, шахсий таркиб овқатланишини ташкил қилиш бўйича умумий талаблар, шунингдек, маҳсулотларга ишлов бериш ва овқат тайёрлаш технологиялари қоидалари ишлаб чиқилган ва амалга оширилмоқда.

– Кўплаб муштарийларимиз ҳозирда ҳар бир ҳарбий хизматчи учун дастурхонга нималар тортилиши кераклиги ҳақида батафсил маълумот беришимизни сўрашмоқда?

– «Ўзбексавдо» акционерлик компанияси, Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан ҳамкорликда, етакчи парҳезшунос мутахассислар ва овқатланиш бўйича муҳандисларни жалб этган ҳолда, овқат тайёрлаш технологиялари ва рецептуралари, овқатлар картотекаси ва асосий паёклар бўйича маҳсулотларнинг намунавий мавсумий тақсимланиш миқдорлари ишлаб чиқилди. Бундан ташқари, бир суткада бир кишига бериладиган маҳсулотлар меъёрлари: гўшт – 200 г (50 г. оширилган), балиқ – 120 г. (20 г. оширилган), шунингдек, сабзавотлар ва бошқа маҳсулотлар меъёрлари оширилди. Аскарлар ошхоналарида ҳафтада икки кун нонуштага сосиска ва сарделькалар берилмоқда. Қоровул хизматига киришаётган шахсий таркиб учун нон, колбаса, ёғ, шакар ва печеньелардан иборат қўшимча озиқ-овқатлар берилади.

Май ойидан бошлаб қисмлар сифатли янги мевалар ва кўкатлар билан таъминланмоқда. Мудофаа вазирлигига қарашли ҳарбий қисмларда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг ташаббуси билан 2006 йилдан бошлаб қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш ва ишлаб чиқариш бўйича ички таъминот бўлинмалари яратилган бўлиб, уларда қишлоқ хўжалиги мутахассислари меҳнат қилмоқда. Улар юқори сифатли маҳсулотлар етиштириб, ҳарбий қисмлар шахсий таркибини таъминлашмоқда, шунингдек, маҳсулотларни бозор баҳоларидан паст нархларда ҳарбий хизматчиларнинг оилаларига етказиб беришмоқда. Овқатланишни ташкил қилиш бўйича илғор тажрибаларни такомиллаштириш, умумлаштириш ва оммалаштириш, ҳарбий хизматчилар овқатланиши учун қулай шароитлар яратиш, ошхоналар ҳолати, овқатлар тайёрлаш сифати, шахсий таркибнинг овқатланиш маданияти, ошхоналарнинг санитария-гигиена ҳолати даражасини ошириш мақсадида Мудофаа вазирининг буйруғига асосан ҳар йили энг яхши аскар ошхонаси кўрик-танлови ўтказиб келинмоқда.



Аскарлар дастурхони миллий таомларга бой







ЖАНГОВАР ШАЙЛИГИНИНГ МУҲИМ АСОСИ

ДОИМИЙ ЭЪТИБОР ВА ҒАМХЎРЛИК

– Ҳарбий хизматчиларнинг овқатланишини янада яхшилаш борасидаги сўнгги ўзгаришлар уларнинг саломатлигига қандай таъсир кўрсатмоқда?

– Бундан бир неча йил аввал шахсий таркиб саломатлигини мустаҳкамлаш мақсадида қўшинлар ошхоналарида фитобарлар пайдо бўлди. Улар «Ҳарбий лойиҳа» институтида ишлаб чиқилган меъёрлар асосида яратилган ва шифобахш ичимликларни тайёрлаш ва қуйиш учун мўлжалланган замонавий жиҳозлар билан таъминланган. Бугунги кунда ҳарбий хизматчининг суткалик овқатланиш рационига қўшимча равишда қуйидагилар киритилган: сут – 100 г, мева-резавор шарбатлар – 50 г, янги мевалар – 100 г, мол ёғи – 10 г, шунингдек, кузги-қишки мавсумда бериладиган «Ундевит» витамин препаратидан 1 драже (дона), «Шарқ табиби» бальзами; баҳор-ёз мавсумида бериладиган глюкозали аскорбин кислотаси (1 таблетка), наъматак мевасидан тайёрланган шарбат (сироп). «Ўзфармсаноат» ДАК корхоналари билан бальзам, ўсимликлар ва поливитаминларни етказиб бериш бўйича шартномалар тузилган.

Ҳарбий тиббий муассасалар фаолияти ҳам сифат жиҳатидан тубдан ўзгарди. Инфратузилмани такомиллаштириш ва ривожлантириш борасида олиб борилган улкан ишлардан сўнг Марказий ҳарбий клиник госпитали тўлиқ ўзгарди. Янги жойга кўчиб ўтган Нукус ҳарбий госпитали-да ҳарбий хизматчиларни даволаш учун ажойиб шароитлар яратилган. Ҳарбий сиҳатгоҳларнинг яратилиши ва ободонлаштирилиши ноқулай иқлим шароитларида яшовчи ҳарбий хизматчилар ва улар оила аъзоларининг ҳордиқ чиқариши ва саломатлигини тиклаш учун бекаму-кўст шароитлар яратиш имконини бермоқда. Ҳарбий хизматчиларнинг фарзандлари учун қулай ва шинам болалар боғчалари ташкил этилган, мактаб ўқувчилари ҳар йили соғломлаштириш оромгоҳида дам олиш имконига эга.

Буларнинг барчаси миллий армиянинг нафақат мардлик ва ватанпарварлик, балки ёшларимизнинг жисмонан ва маънан етуклигини таъминловчи мактабга айланиши учун муҳим қадам бўлди. Тиббий тадқиқотлар натижалари кўрсатишича, овқатланишнинг янги меъёрлари татбиқ этилганидан кейин муддатли ҳарбий хизматчилар ва курсантларда вазн ва бўй кўрсаткичлари ошишида ижобий ўзгаришлар қайд этилган. Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий хизматчиларининг умумий касалланиш даражаси ҳам анча пасайган.



Витаминли шарбат тайёрлаш жараёни




Аскар ошхонаси фитобари



Марказий ҳарбий клиник госпитали даволаниш корпуси

Ҳарбий хизматчиларнинг тўлиқ экипировкадаги либослари намунаси





Ҳар бир чақирилувчи муддатли ҳарбий хизматга кузатилишидан олдин спорт либослари билан таъминланади



Ҳарбий хизматчиларнинг чўл шароитидаги либослари намунаси

– Биз барчамиз ҳарбий либос нафақат ҳарбий хизматчиларнинг ўз кундалик вазифаларини бажаришлари учун қулай бўлиши, шунингдек, армиямиз рамзи бўлиб ҳам хизмат қилиши кераклигини жуда яхши тушунамиз. У ҳар бир аскар, сержант ва офицернинг фахри бўлиши учун қандай ишлар амалга оширилмоқда?

– Сўнгги йилларда шахсий таркибни кийим-кечак, ашёлар, маиший ва техник воситалари билан ўз вақтида таъминлашга йўналтирилган кийим-кечак хизматининг иши ҳам сифат жиҳатидан янги даражага кўтарилди. Барча тоифадаги ҳарбий хизматчилар кийим-кечагини янада такомиллаштириш ҳамда уларнинг тажрибавий намуналари сифати устидан назоратни амалга ошириб бориш мақсадида Тажриба-конструкторлик эксперимент маркази (ТКЭМ) ташкил этилди.

Ҳарбий хизматчиларимиз чўл ва тоғлик жойларда мураккаб жўғрофий ва иқлим шароитларида ўз хизматларини ўташлари ҳамда ўқув-жанговар вазифаларни бажаришлари зарурлиги сир эмас. Барча ана шу ўзига хос хусусиятлар корхоналаримизда ишлаб чиқарилаётган ҳарбий кийим-кечакларда ҳисобга олинган. Ҳарбий хизматчиларнинг жанговар ўқув жараёнидаги хавфсизлигини таъминлаш, шахсий таркиб орасида турли жароҳатланишларнинг олдини олишга алоҳида эътибор қаратилган. Ҳозирда корхоналаримизда ҳарбий либоснинг тирсакқўйгич, тиззабанд, шарф, бўйинбоғ, кўзойнак ва қўлқоп каби қисмларини ишлаб чиқариш тўлиқ ўзлаштирилган. Улардан фойдаланувчи ҳарбий хизматчи жанговар ўқувнинг энг мураккаб, экстремал шароитларида, турли жанговар ва хизмат вазифаларини бажаришда ўзини хавфсиз ва қулай ҳис қилади.

Ҳарбий хизматчилар учун кийим-кечакнинг янги намуналарини ишлаб чиқиш борасидаги ишлар давом этмоқда, Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ҳарбий хизматчиларининг янги ҳарбий либослари ва унвон белгилари намуналари тасвирланган эскизлар альбоми тайёрланган. Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги Таъминот бош бошқармасининг Кийим-кечак таъминоти бошқармаси, Санъатшунослик институти, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг тарих институти, Ўзбекистон Миллий университети, Давлат тарих музейи, Ўзбекистон Республикаси Бадиий академияси ва Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти вакилларидан иборат бўлган ишчи гуруҳи ташкил этилган. Ишчи гуруҳи томонидан йиғилишлар ўтказилиб, улар натижасига кўра миллий хусусиятлар, тарихий фактлар ва замонавий талабларни ҳисобга олган ҳолда ҳарбий хизматчиларнинг унвон белгилари тайёрланди.

Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги Таъминот бош бошқармаси ТКЭМ мутахассислари томонидан Ўзбекистон жўғрофий ландшафтларининг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда снайперлар ва бошқа ҳарбий мутахассисликдаги жангчилар учун ниқобловчи кийим-кечак эскизлари ишлаб чиқилди. Мазкур намуналарни тикиш ишлари Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигига қарашли «Ашёвий буюмларни тикиш ва таъмирлаш» кўптармоқли унитар корхонасида ташкил этилган. Ҳозирги вақтда ниқоб кийим-кечаклар синови шахсий таркиб томонидан бевосита қисмларда олиб борилмоқда.

Кейинги вақтларда ТКЭМ учувчи ва муҳандис-техниклар таркиби учун кийим-кечак ишлаб чиқиш билан шуғулланмоқда. Тажриба нусхаларини маҳаллий саноат корхоналарида тайёрлаш режалаштирилмоқда. Вақти келиб, ҳар қандай мутахассисликдаги ҳарбий хизматчилар улар томонидан бажариладиган ўқув-жанговар вазифалар хусусиятига тўлиқ мос келувчи индивидуал кийим-кечакка эга бўладилар.

Мана бир неча йиллардан буён барча ҳарбий хизматга чақирилувчилар мудофаа ишлари бошқармаларининг йиғин пунктларида белгиланган нусхадаги спорт кийим-кечаги ва пойафзал билан таъминланмоқда. Мазкур янги анъана – давлатимизнинг армия хизматига отланган чақирилувчиларга бўлган эътибори ва ғамхўрлигига яққол мисолдир. Янги либос уларнинг шахсий кийимига айланади ҳамда бўлинмадаги оммавий спорт ишларида фаол иштирок этишлари учун имкон яратади. Юқори сифатлилиги ва узоқ муддатга чидамлилиги сабабли ҳарбий хизматчи ундан уйига қайтганидан сўнг ҳам жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланишда фойдаланиши мумкин.

– Кўплаб ота-оналарда уларнинг фарзандлари хизмат қилаётган ҳарбий шаҳарчалар ҳақида жуда яхши таассуротлар қолган. Ҳозирда ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзолари қулай шароитларда яшашларини таъминлаш учун қандай ишлар амалга оширилмоқда?

– Мамлакатимиз раҳбарияти томонидан белгилаб берилган вазифаларга мувофиқ равишда ҳарбий шаҳарчалар инфратузилмасини янада такомиллаштириш борасидаги чора-тадбирлар босқичма-босқич амалга оширилмоқда. Мисол учун, барча олий ҳарбий-таълим муассасалари ва сержантлар тайёрлаш мактабларида ҳарбий хизматчиларни жойлаштириш учун замонавий шарт-шароитлар яратилган.


«Ҳарбий лойиҳа» институти томонидан мотоўқчи батальони мисолида текислик, паст-баландлик ва тоғлик жойлар шароитлари учун ижтимоий инфратузилмага эга бўлган ҳарбий шаҳарчаларнинг учта база варианти ишлаб чиқилган. Мазкур вариантлар муайян ҳарбий қисм учун уйғунлашиш имкониятларини ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқилган. Ҳарбий шаҳарчалар вариантларини ишлаб чиқишда зарур ижтимоий инфратузилмани яратиш – мактаблар, болалар боғча-яслилари, тиббий муассасалар, маиший хизмат кўрсатиш корхоналари, савдо-маиший ва коммунал иншоотлар, ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзоларининг дам олиши ва ҳордиқ чиқариши учун жойлар барпо этиш кўзда тутилган.

Пировард мақсадимиз – ҳарбий қисмларнинг барча ҳарбий шаҳарчаларида ҳарбий хизматчиларни жойлаштириш учун замон талабларига мос келувчи шароитлар яратиш.

Суҳбатни «Ватанпарвар» мухбири Владимир КАЛОШИН ёзиб олди.



Бўлинманинг замон талабларига мос ювиниш хонаси



Замонавий ҳарбий шаҳарчалар лойиҳаси



Маиший хизмат хоналари қулай ва шинам

ЮРТ ҲИМОЯСИ – МУҚАДДАС БУРЧ

ШОДИЁНАЛАР ЭТМОҚДА ДАВОМ

Мустақиллигимизнинг ўн олти йиллигини муносиб кутиб олиш, мамлакатимизда тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш, ҳуқуқий демократик давлат ва эркин фуқаролик жамияти асосларини барпо этиш йўлида эришилган ютуқ ва натижаларни ҳарбий хизматчилар, Қуролли Кучлар ишчи-хизматчилари ҳамда уларнинг оила аъзолари ўртасида кенг тарғиб этиш, уларнинг қалби ва онгига она Ватанга муҳаббат ва садоқат туйғусини янада чуқурроқ сингдириш мақсадида Тошкент ҳарбий округга қарашли қисм ва муассасаларда кўплаб маданий ва маърифий тадбирлар бўлиб ўтди.

Офицер Садриддин Муйиддинов хизмат қилаётган ҳарбий қисмда ташкил этилган байрам тадбири «Мен – мустақил юрт фарзандиман» деб номланди. Тадбирга туман ҳокимияти, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати бўлими ходимлари ҳамда бир гуруҳ спортчи ёшлар ташриф буюрдилар. Қизиқарли суҳбатлар, маърузалар сўнггида қисм ҳарбий спортчилари «Камолот» ЁИҲ туман бўлимининг «Фахрий ёрлиқ» ва эсдалик совғалари билан тақдирландилар. Шунингдек, қисм командирининг буйруғи билан ўз ютуқлари билан сафдошларига намуна бўлаётган кўплаб ҳарбийлар ва Қуролли Кучлар ишчи-хизматчиларига пул мукофотлари топширилди, ташаккурнома эълон қилинди. Тантанали йиғилиш кўнгилочар спорт мусобақалари ва концерт дастури билан ниҳоясига етди.

Округ сержантлар тайёрлаш мактабида ҳар доим тарихий саналар, байрам ва тантаналар муносабати билан ташкил этиладиган тадбирларга алоҳида ҳозирлик кўрилади. «Шу муқаддас замин – менинг Ватаним» деб номланган бу галги байрам тадбири ҳам гарнизон офицерлар уйи ҳамда шаҳар ҳокимияти билан ҳамкорликда ташкил этилди. Сержантлар тайёрлаш мактаби курсантлари ҳамда маҳаллалар ёшлари ўртасида ташкил этилган спорт мусобақалари байрам тадбирига янада кўтаринкилик бахш этди.

Офицер Шарофиддин Бахронов хизмат қилаётган ҳарбий қисмда ўтказилган байрам тадбирлари янада жозибали бўлди. «Жанговар ва ижтимоий-сиёсий тайёргарликдаги ютуқларимиз ҳамда мустаҳкам ҳарбий интизом бизнинг байрамга туҳфамиздир» шиори остида икки кунлик спорт мусобақалари ташкил этилди. Мусобақаларда югуриш, турникда тортилиш, ҳарбийлашган эстафета ва баскетбол каби спорт турлари бўйича ғолиблар аниқланди. Сўнгра ҳарбий қисм шахсий таркиби учун байрам концерти ташкил қилинди. Концертда Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Самандар Ҳамроқулов ва «Ниҳол» мукофоти совриндори Адҳам Солиевларнинг иштирок этиши дилларга қувонч бағишлади.

Халқимизнинг энг улуғ ва муқаддас байрами, юртимиз мустақиллигининг 16 йиллиги муносабати билан офицер Қосимжон Турсуматов хизмат қилаётган ҳарбий қисмда уюштирилган байрам кечаси «Сизга ишонамиз, Ватани» деб номланди. Посбонлар вилоят ички ишлар бош бошқармаси қошидаги «Зилол» гуруҳи бадиий раҳбари Абдуқаҳҳор Зилолов ҳамда хушовоз хонанда Юлдуз Аҳмедова ижросидаги куй ва қўшиқларни мароқ билан тингладилар. Куйлар қўшиқларга уланди. Она Ватан, истиқлолга бағишланган қўшиқлар қалбларга фахр-ифтихор бахш этди.

Ҳа, тинчлик ҳамда осойишталик ҳукм сурган юртдагина куй ва қўшиқлар садоси янграйди. Она юртимиз, халқимиз мустақиллигини муносиб ҳимоя қилаётган ҳарбийларимиз қалбини байрам кайфияти асло тарк этмасин!

Жамила ҒАНИЕВА.

Мавсум машғулотлари авжида

ТЎПЧИЛАР МАҲОРАТИ

... Полигон. Дала-ўқув машғулотлари ўтказиладиган майдон. Бу майдон посбонларни ҳақиқий синовдан ўтказиб, уларнинг маҳоратини тоблайди, тажрибасини оширади. Офицер Қаҳрамон Сатторов етакчилигидаги тўпчилар дивизиони ёзги мавсум ўқув машғулотларини ўтказмоқда. Белгиланган ҳудудда ўз позицияларини эгаллаган посбонлар батарея командирлари бошчилигида жанговар вазифани бажаришга тайёрланишмоқда. Командир томонидан офицер Ўткир Исломов батареясига алоҳида топшириқ қўйилди. Унга кўра батарея шахсий таркиби 1200 метр баландликдаги тоғ ортида жойлашган – ҳаракат қилаётган ва ҳаракат қилмаётган нишонларни яксон қилишлари лозим. Доим қўйилган вазифаларга жиддий ёндашиб келган офицер бу гал ҳам ишончли ҳаракат қилди. У гуруҳ ва тўп командирларини йиғиб, вазифани тушунтирди. Шундан сўнг гуруҳ командирлари билан биргаликда нишон жойлашган ҳудудни харита асосида ўрганиб чиқди ва керакли жойларга белги қўйди. Шахсий таркиб тайёргарлигини текширар экан, зарур кўрсатма ва топшириқлар беришни ҳам унутмади. Буссолда ишлаётган офицер Ўткирбек Қўчқоров берилган нишон бурчагини ва баландлигини аниқлаб, отишни бошқариш асбобида (ОБА) ишлаётган гуруҳ командири офицер Азизқул Гаффаровга маълумот берди. Гуруҳ командирининг буйруғи янгради:

– Нишон 101-паналикда, тоғ тагида, кўзга кўринмас, 54-65-бурчакда, 9,450 метр узоқликда жойлашган. Мўлжал 350, даража 30-18, асосий йўналиш айланасидан ўнгга 0-65, ўт оч!

Буйруқ янграши биланоқ мўлжалга олувчи оддий аскар Сардор Нурматов нишонга ўт очди. Нишон яксон қилинди. Бу вазифани сержант Аслиддин Мирзақулов командирлигидаги тўпчилар гуруҳи аъло даражада бажаришди.

– Қўл остимдаги посбонларнинг барчаси ўз вазифаларини жуда яхши билишади, – дейди кичик командир. – Ҳар қандай топшириқни ўз вақтида, айтилганидек бажариб ўрганишган. Шу сабабли дала-ўқув машғулотлари мобайнида ҳам камчиликларга йўл қўймасдан, белгиланган вазифани аниқ бажардик.

Тўпчилар гуруҳида ўқловчи вазифасида хизмат қилаётган оддий аскар Элёр Маматов хизмати мобайнида ўзини ҳар томонлама кўрсатиб командирлар эътиборига тушган посбонлардан бири. У жанговар ва ижтимоий-сиёсий тайёргарликларда ҳам, давлат ва жамоат ташкилотлари билан ўтказилаётган маданий-маърифий тадбирларда ҳам ҳамиша олдинги сафда ва сафдошларига намуна бўлиб келмоқда. Муддатли ҳарбий хизмат унинг қалбида ҳарбийликдек шарафли касбга ҳавас уйғотди. Шу боис ҳам келажакда ҳарбий билим юртига ўқишга кириб, офицер сифатида Қуролли Кучларимиз сафларида фаолият юритишни ўз олдига энг асосий мақсад қилиб қўйган. Бугунги нишонга отиш машқини бажаришда ҳам унинг ҳиссаси катта. Шунингдек, оддий аскарлар – Дилшод Жўраев, Шайдулло Устамовлар ҳам ўз вазифаларини пухта бажариб, топшириқнинг юқори натижалар билан бажарилишига ҳисса қўшишди.

Полигондан анча узоқлашганимизда ҳам, офицер Қ.Сатторов командирлигидаги тўпчилар дивизиони посбонларининг дала-ўқув машғулотларини кўтаринки руҳда давом эттириб, нишонларга тўплардан ўт очишаётгани эшитилиб турарди.

Ҳа, жангавор шайлик, посбон маҳорати ва тажрибаси сарҳадларимиз тинчлигининг ишончли кафолатидир. Буни чуқур ҳис этган тўпчилар машғулотларни юксак савияда ўтказиб, ўз билим ва кўникмаларини янада ошириб боришмоқда.

Аҳрор НУРБЕКОВ
Баҳром АБДУРАҲИМОВ суратга олган.



Кўргазмали машғулот

КУРСАНТЛАР КЎНИКМАСИ ШАКЛЛАНТИРИЛМОҚДА

Қуролли Кучларимизда олиб борилаётган ислоҳотлар самараси ўлароқ, ҳарбий таълим такомиллаштирилди. Бугун олий ҳарбий билим юртлари ва сержантлар тайёрлаш мактабларида таълим дастурларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритилиб, ўқитиш сифати ҳам оширилган. Унда таҳсил олган посбонлар етакчилари ҳарб илмидан пухта тайёргарликка эга бўлишлари, маҳоратда, матонатда, билим ва салоҳиятда ҳеч кимдан кам бўлмасликлари учун мавжуд барча имкониятлар ишга солинмоқда. Энг сўнгги русумдаги замонавий техника ва технология воситалари, компьютерлар, интернет, янги дарсликлар ва бой кутубхона хизмати улар ихтиёрида. Курсантларга ўз ишининг ҳақиқий билимдони бўлган моҳир офицер ва ўқитувчилар сабоқ беришяпти. Айниқса, бўлажак сардорларнинг билим ва кўникмаларини ҳар тарафлама ошириш, уларда таҳсилнинг илк кунлариданоқ ҳарбий кўникма мустаҳкам шаклланишини таъминлаш мақсадида ташкиллаштириладиган кўргазмали ўқув машғулотларининг аҳамияти катта. Яқинда ана шундай кўргазмали ўқув машғулотларидан бири Самарқанд олий ҳарбий автомобиль кўмондонлик-муҳандислик билим юрти муҳандислик кафедраси томонидан биринчи босқич курсантлари учун намойиш этилди. Унда ушбу кафедра офицер ўқитувчилари билан биргаликда шартнома асосидаги ҳарбий хизматчилар ва юқори босқич курсантлари ҳам иштирок этдилар.

Қуролли Кучлар Бирлашган штаби бошлиғининг тегишли буйруғига мувофиқ ташкиллаштирилган мазкур кўргазмали машғулотдан кўзланган мақсад, билим юрти биринчи босқич курсантларида ҳарбий техника ва қурол-яроғ билан ишлаш кўникмасини шакллантиришдир. Ушбу кўргазмали машғулотда муҳандислик кафедрасига бириктирилган ҳарбий техникалар ва зарур аслаҳа-анжомлардан фойдаланилди. Унда мазкур техника ҳамда воситалар билан амалга ошириладиган жанговар вазифалар ҳақида тегишли машқлар кўрсатилади.

Соҳа мутахассислари бўлажак офицерларга замонавий муҳандислик техникалари ва жиҳозларни таништириш билан машғулотни бошлашди. Курсантларга мазкур воситалардан фойдаланиш, уларни ўрнатиш, қўллаш кабилар ҳақида кўргазмали тарзда тушунтиришлар берилди. Шунингдек, машғулот давомида КрАЗ-255 автомобилида ўрнатилган понтон кўприк қурилмасини сув ҳавзасига ташлаш ва уни тез муддатда йиғиб, шахсий таркибни белгиланган қирғоққа паром орқали етиб боришини таъминлаш вазифасини бажариш машқи ўтказилди. Очиқ сув ҳавзасига туширилган паромни картер билан шатакка олиб, шахсий таркибни белгиланган иккинчи қирғоққа олиб ўтиш тактик машғулоти намойиш этилди ва қўйилган вазифа ўз вақтида сифатли бажарилди. Бунда офицер Қ.Ғафуров, кичик сержантлар З.Мўминов, З.Қодиров, И.Шодмонов, шартнома бўйича хизмат оддий аскарлари Ж.Сафаров ва А.Менглиқуловлар ҳар томонлама билим ва маҳоратларини кўрсатишди.

Намойиш этилган кўргазмали ўқув машғулоти курсантларда катта таассурот қолдирди. Юқори жанговар шайлик ҳамда пухта тайёргарлиги учун муҳандислик кафедраси шахсий таркиби билим юрти раҳбарияти томонидан муносиб рағбатлантирилди.

Подполковник Олимжон БОЙМУРОДОВ.



Аскарлик – шараф

САФЛАРДА СИНАЛАР АСЛ ЙИГИТЛАР

Бугун катта лейтенант Шуҳрат Турдиқулов етакчилик қилаётган взвод посбонлари олдида ниҳоятда масъулиятли вазифа турибди. Улар жанговар тайёргарлик бўйича ўз маҳоратларини полигонда намойиш қилишлари лозим. Машғулот бошланиши билан командирдан буйруқ ва кўрсатмалар олган посбонлар зудликда ўз вазифаларини адо этишга киришишди. Жанговар қуролдан нишонга отиш бўйича бўлиб ўтган ушбу синов машғулотида посбонлар топшириқни муваффақиятли амалга оширишди.

Белгиланган вазифасининг аниқ бажарилганидан чеҳраси ёришган офицер Шуҳрат Турдиқулов қўл остидагиларни навбатдаги зафар билан қутлар экан, оддий аскар Фаррух Ҳамроевнинг номини алоҳида тилга олди.

Дарҳақиқат, ҳайдовчи вазифасида хизмат қилаётган ўғлон ўз вазифасини мукаммал билиши билан қуролдош дўстлари орасида ажралиб туради.

– Аскар бўлиб, юрт асойишталиги йўлида хизмат қилаётганимдан ниҳоятда мамнунман, – дейди Фаррух. Бугун Қуролли Кучларимизда олиб борилаётган изчил ислоҳотлар самараси ўлароқ, аскарлик либосини кийиш ҳар бир йигит учун шарафли ишга айланиб улгурган. Қолаверса, ҳукуматимиз томонидан муддатли хизматни ўтаган йигитларга бир қатор имкониятлар яратилганки, бу аскарлардан хизматга нисбатан янада фидойи бўлишни талаб қилади.

Самарқанд автомобиль йўллар касб ҳунар коллежини тугатган Фаррух ҳарбий қисмда тавсияномага талабгорлардан бири сифатида эътироф этилади. Муддатли ҳарбий хизматни тугаллаш арафасида турган йигит ижтимоий-сиёсий ва жанговар тайёргарлик бўйича эришган ютуқлари билан командирларининг эътиборига тушиб улгурган. Хизматнинг дастлабки кунларидан Фаррух жисмоний тайёргарликка ҳам алоҳида эътибор қаратиб келмоқда. У ҳар куни машғулотлардан бўшаши биланоқ ҳарбий қисм ҳудудида жойлашган спорт шаҳарчасига ошиқади. Брусс ва турник машқларида билакларининг қувватини оширган йигит дам олиш кунлари ҳарбий қисм стадионида уюштириладиган футбол ва волейбол мусобақаларида ҳам фаол иштирок этади.

Фаррухнинг келажакдаги орзулари бисёр. Ҳарбий хизматдан қайтгач, у олий ўқув юртида таҳсил олишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган. Миллий армиямиз сафларида тобланиб, дунёқараши янада шаклланган ўғлоннинг ҳаётда ҳам ўз ўрнини топишига ишонамиз.

Холида БЕКНАЗАРОВА.

Служба в МПР – глазами читателей

ЧЕТЫРЕ НЕДЕЛИ, ОПРЕДЕЛИВШИЕ СУДЬБУ

Сокращение срока призыва на военную службу до 1 года, введение службы в мобилизационном призывном резерве, практическое завершение перехода к контрактной службе принципиально изменили облик, суть, содержание и боевые возможности нашей армии. А главное – отношение к военной службе самих молодых людей и их родителей. Сегодня служба в рядах Вооруженных Сил страны без преувеличения стала не только конституционным долгом гражданина Узбекистана, но и одной из престижных профессий в стране.

Особенно хорошо начинаешь это понимать, когда в редакцию приходят родители воинов с просьбой опубликовать на страницах газеты слова благодарности в адрес Руководства страны, проявляющего огромную заботу и внимание к воспитанию и обучению нового поколения молодых людей, выросших в годы независимости.

Именно с такой просьбой пришла в нашу редакцию Сабоат Урунова, мать рядового Шерзода Каюмова, поступившего на службу по контракту в одно из подразделений Войск противовоздушной обороны.

А все началось со службы в мобилизационном призывном резерве, которая сегодня приобрела большую популярность у родителей и призывников. Чуть больше полугода назад Шерзод Каюмов был отправлен на месячные сборы мобилизационного призывного резерва. Для окончившего стоматологический колледж молодого человека, никогда раньше не мечтавшего о воинском строе и карьере военнослужащего, все, что происходило на сборах, было в новинку. Начиная с утреннего подъема, передвижения строем, боевой учебы в классах и на огневом городке, и кончая отбоем по команде сержанта. Быстро пролетели четыре недели сборов. И как многим из юношей, прошедших эту школу мужества и патриотизма, Шерзоду пришлась по душе военная служба.

Освоив основы военного дела, получив хорошую нравственную закалку на занятиях по общественно-политической подготовке, Шерзод всерьез задумался о том, чтобы поступить в Вооруженные Силы на контрактную службу. Но как отнесется к решению единственного сына мать? К радости Шерзода, Сабоат Шукуровна сама приехала на торжество по случаю принятия сыном Военной присяги. Увиденное зрелище тронуло ее до глубины души. Под музыку военного оркестра по плацу шагали красивые, подтянутые, мужественные парни, и среди них – ее сын Шерзод. Мать не могла налюбоваться на красивого парня в военной форме, с гордостью произносившего перед строем слова Военной присяги.

А еще ей довелось ознакомиться с бытовыми условиями в воинской части, и ее приятно удивило разнообразие меню в солдатской столовой. То, что она увидела, совершенно перевернуло в ее глазах прежнее представление о военной службе, вызвало огромную гордость за наши национальные Вооруженные Силы. Вот так Шерзод поступил на контрактную службу в одно из подразделений Войск противовоздушной обороны, получив материнское благословение. Бывший зубной техник стал в строй одного из боевых расчетов, охраняющих мирное небо нашего суверенного государства.

– Хочу от всей души выразить благодарность Руководству нашего государства, создавшему отличные условия для прохождения военной службы нашим сыновьям, – говорит Сабоат Шукуровна. – На днях я побывала в части, где начал службу по контракту мой сын. И снова была искренне обрадована как образцовым порядком и прекрасными бытовыми условиями, созданными для военнослужащих, так и отеческим отношением к ним со стороны командиров и начальников. Офицеры и сержанты делают все, чтобы начинающие службу военнослужащие чувствовали себя, как в родной семье, сочетают строгость и требовательность с заботой и уважением к подчиненным. Я горжусь тем, что мой сын стал профессиональным военнослужащим, служит в нашей армии, и сделаю все, чтобы он всегда чувствовал семейную поддержку в своем нелегком ратном труде.

Данный случай – еще одно доказательство того, что молодые люди, прошедшие службу в мобилизационном призывном резерве, не только осваивают основы военного дела и воинские специальности. Здесь происходит их физическое и духовное возмужание, формируется цельность их характера и твердая жизненная позиция, готовность встать на защиту Родины.

В. НИКОЛАЕВ.

Бережливость – целевое использование ресурсов

РАЧИТЕЛЬНЫЕ ХОЗЯЕВА

В подразделении военных строителей, где служит офицер Бобомурад Самандаров, бережливое отношение к используемым материальным ресурсам, в целом к войсковому имуществу, стало доброй традицией.

В данном передовом подразделении, помимо полевого и повседневного обмундирования, личному составу выдается и рабочая одежда. Аккуратное и бережное ее ношение позволяет военным строителям полностью укладываться в отведенные нормативы.

Вот и в ходе возведения новых строительных объектов, выполнения отделочных работ личный состав рачительно, поистине по-хозяйски, расходует материалы, выделенные для этого.

– Нашим государством расходуются значительные средства на укрепление обороноспособности страны, – говорит рядовой Акмаль Мустафаев. – И потому наш долг состоит в том, чтобы не только эффективно использовать выделенные на строительные работы средства, но и добиваться при этом экономии материалов.

Курс на экономию и бережливость военных строителей позволяет ежегодно сберегать огромные средства. Однако у военнослужащих, занятых самой что ни на есть мирной профессией, есть свои пожелания к сверстникам из числа солдат срочной службы, а также к военнослужащим по контракту.

– Когда мы возводим новое здание, с любовью выполняем побелку стен или покраску окон, то получаем удовольствие от добротно выполненной работы, – говорит рядовой Толиб Вахидов. – И нам порой бывает очень обидно, когда спустя какое-то время приходится выполнять повторный косметический ремонт спальных помещений, классов. Допущенные нерадивость и нерачительность приводят сделанное в ненадлежащее состояние. Потому хочется сказать сверстникам, что негоже молодым парням так относиться к народному добру! Потом, в дальнейшем, в гражданской жизни, подобное безразличие приведет к тому, что и дома у них не будет порядка и уюта.

В этом высказывании отличного солдата, воспитанного в духе хозяйского подхода к делу, есть глубинный смысл. И дело каждого военнослужащего – в своей повседневной деятельности как можно чаще обращать внимание на данный аспект. Ведь чем больше будет в армии рачительных хозяев, тем крепче будет наша экономическая мощь.

Майор Ермурат АЙНАТДИНОВ.

17 СЕНТЯБРЬ, ДУШАНБА

ЎЗБЕКИСТОН

«O`zbekiston» телерадиоканали ўз кўрсатувларини соат 14.55 дан бошлайди.
15.00 «Тахлилнома».
15.45 «Бир асар тарихи».
16.05 «Болалар сайёраси»: 16.45 «Эртаклар – яхшиликка етаклар».
17.00 «Ахборот».
17.15 «Агар Сиз»
17.35 «Оҳанглар оғушида».
17.40 «Турмуш чорраҳаларида». Телесериал.
18.30 «Минг бир ривоят».
18.35 «Рамазон туҳфаси».
19.00 «Олтин мерос».
19.05 «Кафолат».
19.20 «Сизнинг адвокатингиз».
19.30 «Ахборот» (рус.).
20.05 «ТВ шифокор».
20.10 «Довюрак самурай». Телесериал премьераси (Япония)
20.50 «Минг бир ривоят».
21.00 «Ахборот».
21.40 «Парламент вақти».
22.00 «Кўнгил риштаси». Телесериал премьераси (Корея)
23.15 «Хўрозтепалик миршаб». Телесериал.
24.00-00.05 Тунги наволар.
00.05 Кўрсатувлар дастури.
00.10 «Юртим бўйлаб» дастури: «Поп учрашувлари».
00.40 «Чемпион сирлари».
01.00 «Ахборот». (рус)
01.40 «Янги кун».
02.30 «Ватанпарвар».
03.30 «Спортимиз маликалари».
03.50 «Юртим бўйлаб» дастури:
04.00 «Ахборот».
04.50 «Турмуш чорраҳаларида».

ЁШЛАР

7.00 «ЯНГИ ТОНГ»
8.00 «Даврнинг боласи».
8.10 «Эртагим-эртак»
8.45 «Чорраҳадаги уй».
9.55 «Аждодлар хазинаси».
10.00 «Давр ҳафта ичида».
10.30 «Journal» (инг.)
10.50 «Ипак сеҳри».
11.45 Миллий кино: «Насриддиннинг саргузаштлари».
13.00, 16.00, 19.00, 22.00 «ДАВР».
13.15 «Матонат».
13.30 «Бу шундай бўлган эди»
13.50 «Марварид изловчилар».
14.00 «Пуаро». Телесериал.
14.55 «Бу байрам – барчамизники!»
15.00 «ЯНГИ КУН».
15.50 «Нафосат олами».
16.15 «Меҳробдан чаён».
17.10 «Мўъжизавий дунё».
18.10 Мультсериал.
18.25 «Устозим!»
18.50 «Шу кунларга етказганига шукр!»
19.30 «Айро тақдирлар».
20.50 «Ишкомли уй».
21.45 «Радиодан кўрсатамиз!»
22.50 «Фурур».

ТОШКЕНТ

17.55 Мультфильм.
18.25 «Биласизми?»
18.30, 21.30 «Пойтахт».
18.50 «Эгизаклар».
19.20 «ТВ-юрист».
19.50 «Саломат бўлинг»
20.00, 22.30 «Пойтахт» (рус.).
20.15 «ТВ-юрист» (рус.).
20.20 «Сердца джунглей».
20.50 «Интервью» (рус.).
21.00 «Жозиба».
21.45 «Ўйларим».
22.10 «Аёл қалби».
22.50 Кино: «Вид на жительство».

СПОРТ

7.00 «Бодрое утро».
8.00 «Талқин».
8.30 «Малахов +».
9.30 «Детективы».
10.00 «Версия».
10.30 Баскетбол. «Мустақиллик кубоги».
11.10 Теннис. Кубок Федерации. Финал. Россия–Италия.
18.00 «Болалар спорти».
18.20 «Мусиқий тайм».
18.30 «Хабарлар» (рус. тилида).
18.50 «Ким нимага қодир?»
19.10 «Жди меня».
20.00 «Чужие тайны».
20.45 «Спортимиз маликалари».
21.05 Футбол шарҳи.
21.30 «Хабарлар» (ўзб. тилида)
21.50 «Дела семейные».
22.45 ПрофРИНГ.
23.35 Баскетбол. Чемпионат Европы.

18 СЕНТЯБРЬ, СЕШАНБА

ЎЗБЕКИСТОН

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00 «Ахборот».
8.50 «Имон». Телесериал.
9.40. «Болалар сайёраси»:
10.50 «Сизнинг адвокатингиз».
10.55 «ТВ шифокор».
11.00 «Ахборот».
11.15 «Довюрак самурай».
11.50 «Ахборот» (инг.л.).
12.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» Кундузги дастур.
13.00 «Кўнгил риштаси».
14.00 «Ахборот».
14.20 «Экспедиция».
15.10 «Бу менинг Ватаним!» Навоий вилояти.
15.40 «Ватанпарвар».
16.40 «Эртаклар – яхшиликка етаклар».
17.00 «Ахборот».
17.15 «ИИВ хабарлари».
17.30 «Оҳанглар оғушида».
17.40 «Турмуш чорраҳаларида».
18.35 «Рамазон туҳфаси».
19.00 «Олтин мерос».
19.15 «Банк ва бизнес янгиликлари».
19.30 «Ахборот» (рус.).
20.10 «Довюрак самурай»..
20.50 «Минг бир ривоят».
21.00 «Ахборот».
21.40 «Ўзбекистон пахтаси».
22.00 «Кўнгил риштаси».
23.15 «Хўрозтепалик миршаб».
00.10 «Имон».
01.00 «Ахборот». (рус)
01.40 «Янги кун».
02.50 «Юртим бўйлаб» дастури:
03.00 «Ахборот» (инг.л.).
03.40 «Истеъдод».
04.00 «Ахборот».
04.50 «Турмуш чорраҳаларида».

ЁШЛАР

7.00 «ЯНГИ ТОНГ».
8.00 «Даврнинг боласи».
8.10 «Эртагим-эртак»
8.45 «Мулки мумтоз».
9.55 «Аждодлар хазинаси».
10.00, 13.00, 16.00, 19.00, 22.00 «ДАВР».
10.10 «Айро тақдирлар».
10.35 «Телетуҳфа».
10.40 «Интерфутбол».
12.10 «Ишкомли уй».
12.50 «Радиодан кўрсатамиз!»
13.15 «Навоий ҳақида ривоятлар».
13.55 «Тафаккур нури».
14.00 «Пуаро». Телесериал.
14.50 «Мангуликка муҳрланган мустақиллик».
14.55 «Бу байрам – барчамизники!»
15.00 «ЯНГИ КУН»
15.50 «Нафосат олами».
16.15 «Меҳробдан чаён».
17.00 «Истиқбол тимсолари».
18.00 «Даврнинг боласи».
18.10 Мультсериал.
18.25 «Устозим!»
19.30 «Айро тақдирлар».
20.05 «Ватаним!»
20.20 «Матонат».
20.50 «Ишкомли уй».
22.50 «Фурур».

ТОШКЕНТ

«Toshkent» телерадиоканали ўз кўрсатувларини соат 17.50 дан бошлайди.
17.55 Мультфильм.
18.25 «Биласизми?»
18.30, 21.30 «Пойтахт».
18.50 «Эгизаклар».
19.20 «ТВ-юрист».
19.50 «Ҳимоя».
20.00, 22.30 «Пойтахт» (рус.).
20.15 «ТВ-юрист» (рус.).
20.20 «Тошкент ва тошкентликлар».
21.00 «Жозиба».
22.10 «Моҳир» (рус.).
22.50 Кино: «Дом гнева».

СПОРТ

7.00 «Бодрое утро».
8.00 «Хабарлар» (рус. тилида)
8.30 «Малахов +».
9.30 «Детективы».
10.00 «Хабарлар» (ўзб.).
10.20 Баскетбол.
11.00 Аёллар футболи. Ўзбекистон чемпионати. «Андижанка»–«Севинч».
11.35 Волейбол. Чемпионат Европы. Полуфинал.
18.00 «Болалар спорти».
18.30 «Хабарлар» (рус.).
18.50 «Вокруг света».
19.35 «Тет-а-тет».
19.45 «Спорт – менинг ҳаётим».
20.00 «Чужие тайны».
20.45 Спортивная гимнастика. Этап Кубка мира.
21.30 «Хабарлар» (ўзб.).
21.50 «Дела семейные».
23.40 Футбол. Европа чемпионлар лигаси.

19 СЕНТЯБРЬ, ЧОРШАНБА

ЎЗБЕКИСТОН

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00 «Ахборот».
8.50 «Имон». Телесериал.
9.35 «Остонаси тиллодан».
10.00 «Болалар сайёраси»:
10.40 «ИИВ хабарлари».
10.55 «ТВ шифокор».
11.00 «Ахборот».
11.15 «Довюрак самурай».
11.50 «Юртим бўйлаб».
12.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» Кундузги дастур.
13.00 «Кўнгил риштаси».
14.00 «Ахборот».
14.20 «Экспедиция».
15.10 «Бу менинг Ватаним!» Самарқанд вилояти.
15.40 «Шарқ тароналари».
15.55 «Ягона оилада».
16.15 «Болалар сайёраси»:
16.40 «Ҳаёт ва қонун».
17.00 «Ахборот».
17.15 «Таълимга эътибор – келажакка эътибор».
17.35 «Турмуш чорраҳаларида».
18.30 «Рамазон туҳфаси».
18.55 «Минг бир ривоят».
19.20 «Сизнинг адвокатингиз».
19.30 «Ахборот» (рус.).
20.10 «Довюрак самурай»..
21.00 «Ахборот».
21.40 «Ўзбекистон пахтаси».
22.00 «Кўнгил риштаси».
23.15 «Хўрозтепалик миршаб». Телесериал.
00.10 «Имон». Телесериал.
01.00 «Ахборот». (рус)
01.40 «Янги кун».
02.30 «Ўзбекистон пахтаси».
02.50 «Тақдир эшиги». Бадиий фильм.
04.00 «Ахборот».
04.50 «Турмуш чорраҳаларида»

ЁШЛАР

7.00 «ЯНГИ ТОНГ».
8.00 «Даврнинг боласи».
8.10 «Эртагим-эртак»
10.00, 13.00, 16.00, 19.00, 22.00 «ДАВР».
10.10 «Айро тақдирлар».
11.10 «Чемпион сирлари».
11.30 «Матонат».
11.50 «Куйла, дилкаш дуторим!»
12.10 «Ишкомли уй».
12.50 «Камолот» хабарлари.
13.15 «Навоий ҳақида ривоятлар».
14.00 «Пуаро». Телесериал.
14.50 «Мангуликка муҳрланган мустақиллик».
14.55 «Бу байрам – барчамизники!»
15.00 «ЯНГИ КУН»
15.50 «Нафосат олами».
16.10 «Телетуҳфа».
16.15 «Меҳробдан чаён».
17.10 «Мўъжизавий дунё».
18.00 «Даврнинг боласи».
18.10 Мультсериал.
18.25 «Устозим!»
18.50 «Шу кунларга етказганига шукр!»
19.30 «Айро тақдирлар».
20.05 «Ватаним!»
20.20 «Автопатруль».
20.50 «Ишкомли уй».
21.35 «Ёшлик наволари».
22.50 «Фурур». Телесериал.

ТОШКЕНТ

7.30 Салом, Тошкент!»
9.40, 19.20 «ТВ-юрист».
10.05 «Мулоҳаза учун мавзу».
11.10 «Моҳир» (рус.).
11.25 «Саломат бўлинг» (рус.).
11.45 Кино: «Дом гнева».
17.55 Мультфильм.
18.30, 21.30 «Пойтахт».
18.50 «Эгизаклар».
19.50 «Мисли гавҳар».
20.00, 22.30 «Пойтахт» (рус.).
20.20 «Кондоры».
21.00 «Жозиба».
22.50 Кино: «Гонщик».

СПОРТ

7.00 «Бодрое утро».
8.00 «Хабарлар» (рус.).
8.20 Мультфильм.
8.30 «Малахов +».
9.30 «Детективы».
10.00 «Хабарлар» (ўзб.).
10.20 Гандбол.
10.50 Автоспорт. Гран-при.
11.20 Баскетбол. Чемпионат Европы.
18.00 Болалар спорти.
18.30 «Хабарлар» (рус тилида).
18.50 «Путешествия натуралиста».
19.15 Енгил атлетика. Олтин лига.
20.00 «Чужие тайны».
20.45 «Новая экономика».
21.05 «Футбол мундиал».
21.30 «Хабарлар» (ўзб. тилида).
21.50 «Дела семейные».
23.40 Футбол. Европа чемпионлар лигаси.

20 СЕНТЯБРЬ, ПАЙШАНБА

ЎЗБЕКИСТОН

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00 «Ахборот».
8.50 «Имон». Телесериал.
9.40 Мультсериал.
10.05 «Таълимга эътибор – келажакка эътибор».
10.25 «Табаррук замин».
10.50 «Сизнинг адвокатингиз».
11.00 «Ахборот».
11,15 «Довюрак самурай».
11.50 «Ахборот» (инг.л.).
12.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» Кундузги дастур.
13.00 «Кўнгил риштаси».
14.00 «Ахборот».
14.20 «Экспедиция».
15.10 «Бу менинг Ватаним!» Сирдарё вилояти.
15.35 «Ўзбекистон – умумий уйимиз».
16.35 «Имконият».
17.00 «Ахборот».
17.10 «Шифокор қабулида».
17.35 «Турмуш чорраҳаларида».
18.30 «Рамазон туҳфаси».
19.05 «Умр мазмуни».
19.30 «Ахборот» (рус.).
20.10 «Довюрак самурай».
21.00 «Ахборот».
21.40 «Хонадон».
22.05 «Кўнгил риштаси».
23.15 «Хўрозтепалик миршаб». Телесериал.
00.10 «Имон». Телесериал.
01.00 «Ахборот». (рус)
01.40 «Янги кун».
02.30 «Ўзбекистон – умумий уйимиз».
02.50 «Юртим бўйлаб
03.00 «Ахборот» (инг.).
03.15 «Назм ва наво».
03.40 «Рангин дунё».
04.00 «Ахборот».
04.50 «Турмуш чорраҳаларида». Телесериал.

ЁШЛАР

7.00 «ЯНГИ ТОНГ».
8.00 «Даврнинг боласи».
8.10 «Эртагим-эртак
10.00 «ДАВР».
10.10 «Айро тақдирлар».
10.40 «ВАТАНПАРВАР».
11.40 «Автопатруль».
12.10 «Ишкомли уй».
12.50 «Истиқбол тимсолари».
13.00 «ДАВР».
13.15 «Навоий ҳақида ривоятлар».
14.00 «Пуаро». Телесериал.
14.50 «Мангуликка муҳрланган мустақиллик».
14.55 «Бу байрам – барчамизники!»
15.00 «ЯНГИ КУН»
15.50 «Нафосат олами».
16.00 «ДАВР».
16.15 «Меҳробдан чаён».
17.00 «Мурувват».
17.10 «Мўъжизавий дунё».
18.00 «Даврнинг боласи».
18.10 Мультсериал.
18.25 «Устозим!»
18.50 «Шу кунларга етказганига шукр!»
19.00 «ДАВР».
19.30 «Айро тақдирлар».
20.05 «Ватаним!»
20.50 «Ишкомли уй».
22.00 «ДАВР».
22.50 «Фурур». Телесериал.

ТОШКЕНТ

7.30 «Салом, Тошкент!»
9.30 Концерт.
10.05 «Репортаж».
10.40 «Ўйларим».
10.45 «Туризм ҳақида» (рус.).
11.25 Кино: «Гонщик».
17.55 Мультфильм.
18.30, 21.30 «Пойтахт».
18.50 «Эгизаклар».
20.00, 22.30 «Пойтахт» (рус.).
20.20 «Кондоры».
22.10 «Умидли дунё». (Премьера).
22.50 «Одиннадцать друзей Оушена».

СПОРТ

7.00 «Бодрое утро».
8.00 «Хабарлар» (рус. тилида).
8.20 Мультфильм.
8.30 «Малахов +».
9.30 «Детективы».
10.00 «Хабарлар» (ўзб.).
10.20 Баскетбол. «Мустақиллик кубоги».
11.00 Волейбол. Чемпионат Европы. Финал.
11.40 Гандбол. «Мустақиллик кубоги».
18.00 Болалар спорти.
18.15 «Мусиқий тайм».
18.30 «Хабарлар» (рус.).
18.50 «Мониторинг».
19.10 «Жасорат».
19.30 «Гейм-сет-матч».
19.45 «Шарқ яккакурашлари».
20.00 «Чужие тайны».
20.45 Формула-1.
21.30 «Хабарлар» (ўзб.).
21.50 «Дела семейные».
22.45 Еврофутбол.

21 СЕНТЯБРЬ, ЖУМА

ЎЗБЕКИСТОН

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00 «Ахборот».
8.40 «Олтин мерос».
8.45 «Минг бир ривоят».
8.50 «Имон». Телесериал.
9.40 «Покахонтас».
10.05 «Одамлардан бири».
10.25 «Ибн Сино ҳақида ривоятлар».
11.00 «Ахборот».
11.15 «Довюрак самурай».
11.50 «Юртим бўйлаб» дастури: «Гуллар жозибаси». Премьера.
12.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» Кундузги дастур.
13.00 «Кўнгил риштаси».
13.50 «Зилол».
14.00 «Ахборот».
14.20 «Экспедиция».
15.10 «Бу менинг Ватаним!» Сурхондарё вилояти.
15.40 «Шарқ тароналари».
16.00 «Эъзоз».
16.40 «Эртаклар –яхшиликка етаклар».
17.00 «Ахборот».
17.35 «Турмуш чорраҳаларида».
18.30 «Рамазон туҳфаси».
19.05 «Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган».
19.20 «Сизнинг адвокатингиз».
19.30 «Ахборот» (рус.).
20.10 «Довюрак самурай».
21.00 «Ахборот».
21.40 «Янги наволар».
22.00 «Кўнгил риштаси».
23.10 «Хўрозтепалик миршаб». Телесериал.
00.10 «Имон».
01.00 «Ахборот». (рус)
01.40 «Янги кун».
02.30 «Қушларга эргашган инсон». Бадиий фильм.
04.00 «Ахборот».
04.50 «Турмуш чорраҳаларида».

ЁШЛАР

7.00 «ЯНГИ ТОНГ»
8.00 «Даврнинг боласи».
8.45 «Чорраҳадаги уй».
10.00, 13.00, 16.00, 19.00, 22.00 «ДАВР».
10.10 «Айро тақдирлар».
10.40 «Интерфутбол».
12.10 «Ишкомли уй».
12.50 «Мурувват».
13.15 «Навоий ҳақида ривоятлар».
14.00 «Пуаро». Телесериал.
14.50 «Мангуликка муҳрланган мустақиллик».
14.55 «Бу байрам – барчамизники!»
15.00 «ЯНГИ КУН».
15.50 «Нафосат олами».
16.15 «Меҳробдан чаён».
17.10 «Меъёр – соғлиқ гарови».
17.35 «Солиқ хизмати хабарлари».
17.45 «Таълим ва тараққиёт».
18.00 «Даврнинг боласи».
18.10 Мультсериал.
18.25 «Устозим!»
18.50 «Шу кунларга етказганига шукр!»
19.30 «Айро тақдирлар».
20.50 «Ишкомли уй».
21.35 «Ёш оилалар – давлат ҳимоясида».
21.50 «Менинг оилам».
22.50 «Фурур».

ТОШКЕНТ

7.30 «Салом, Тошкент!»
8.35 «Эгизаклар».
10.20 «Иқтисод-ревю» (рус.).
10.40 «Одиннадцать друзей Оушена».
18.30, 21.30 «Пойтахт».
18.50 «Эгизаклар».
20.00, 22.30 «Пойтахт» (рус.).
20.20 «Подводная экспедиция».
21.00 «Жозиба».
21.45 «Ўйларим».
22.10 «Маърифат фидойилари».
22.50 «Двенадцать друзей Оушена».

СПОРТ

7.00 «Бодрое утро».
8.00 «Хабарлар» (рус тилида)
8.20 «Мультфильм».
8.30 «Малахов +».
9.30 «Детективы».
10.00 «Хабарлар» (узб.).
10.20 Баскетбол. «Мустақиллик кубоги».
11.00 «Спорт салтанати».
11.20 Гандбол. «Мустақиллик кубоги».
18.00 «Болалар спорти».
18.15 «Мусиқий тайм».
18.30 «Хабарлар» (рус тилида).
18.55 «Поле чудес».
20.00 «Чужие тайны».
20.45 «Халқ ўйинлари».
21.05 Автоспорт. Гран-при.
21.30 «Хабарлар» (узб. тилида)
21.50 «Антека слушает».
22.35 «Дела семейные».
23.30 Прыжки в воду. Мировая серия.

22 СЕНТЯБРЬ, ШАНБА

ЎЗБЕКИСТОН

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00 «Ахборот».
8.50 «Имон». Телесериал.
9.55 «Шифокор қабулида».
10.20 «Рангинкамон».
11.00 «Оналар мактаби».
11.20 «Довюрак самурай».
12.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» Кундузги дастур.
13.00 «Кўнгил риштаси».
14.00 «Ахборот».
14.20 «Тўғри сўзнинг тўқмоғи». Бадиий фильм.
15.30 «Меҳр кўзда».
16.10 «Болалар сайёраси»:
17.00 «Саломатлик сирлари».
17.20 «Оҳанглар оғушида».
17.30 «Турмуш чорраҳаларида».
18.25 «Рамазон туҳфаси».
19.05 «Обод манзиллар».
19.30 «Ахборот» (рус.).
20.05 «ТВ шифокор».
20.10 «Довюрак самурай».
20.50 «Минг бир ривоят».
21.00 «Ахборот».
21.40 «Кўнгил қўшиқ истайди».
21.55 «КиноТеатр».
22.35 «Катта бойлик дардида». Бадиий фильм. 1-қисм.
23.50 «Юртим бўйлаб» дастури: «Зумрад шаҳар Шаҳрисабз».
00.10 «Имон».
01.00 «Ахборот». (рус)
01.30 «Олтин мерос».
01.40 «Янги кун». Информацион дам олиш дастури.
02.30 «КиноТеатр».
02.55 «Тараннум».
03.40 «Дунё таомлари».
04.00 «Ахборот»..
04.35 «Олтин мерос».
04.45 «Минг бир ривоят».
04.50 «Турмуш чорраҳаларида».

ЁШЛАР

7.00 «ЯНГИ ТОНГ»
8.00 «Даврнинг боласи».
9.45 «Мулки мумтоз».
9.55 «Аждодлар хазинаси».
10.00, 13.00, 16.00, 19.00, 22.00 «ДАВР».
10.10 «Айро тақдирлар».
10.40 Мультфильм.
12.10 «Ишкомли уй».
13.15 «Навоий ҳақида ривоятлар».
13.45 «Тафаккур нури».
13.50 «Ўйин».
15.00 «ЯНГИ КУН»
15.50 «Нафосат олами».
16.15 «Меҳробдан чаён».
17.00 «Сеҳрли қўллар».
17.30 Ўқитувчилар ва мураббийлар куни олдидан: «Устозим!»
17.35 «Кўзгу». Ҳажвий дастур.
17.50 «Чемпион сирлари».
18.10 «Сифат белгиси».
18.20 «Каталог».
18.30 «Мулки мумтоз».
18.50 «Шу кунларга етказганига шукр!»
19.30 «Дунё таомлари».
19.55 «Оқшом қўнғироқлари».
20.00 «Дилроз».
20.40 «Ватаним!»
20.50 «Ишкомли уй».
21.35 «Дунё таомлари».
22.50 Кино: «Кактус».

ТОШКЕНТ

7.30 «Салом, Тошкент!»
8.35 «Эгизаклар».
9.30 «Маърифат фидойилари».
10.40 «Репортаж» (рус.).
11.10 «Двенадцать друзей Оушена».
18.30, 21.30 «Пойтахт» ахборот дастури.
18.50 «Эгизаклар».
20.00, 22.30 «Пойтахт» (рус.).
20.20 «Тошкент ва тошкентликлар».
21.00 «Жозиба».
22.10 «Истеъдод».
22.50 Кино: «Тринадцать друзей Оушена».

СПОРТ

7.30 «Хабарлар» (ўзб.).
7.50 «Бодрое утро».
8.50 «Хабарлар» (рус.).
9.10 Мультфильм.
9.20 «Смак».
9.55 «Соғлом оила».
10.25 Баскетбол. «Мустақиллик кубоги».
10.55 «Жаҳон спорти юлдузлари».
11.25 Гандбол.
11.55 «Учрашув».
16.30 Футбол. Ўзбекистон чемпионати.
18.30 «Хабарлар» (рус.).
18.50 «Фоторевю».
19.10 «Стиль».
19.25 «Юлдузли матч».
19.45 «Спортколлекция».
20.00 «Чужие тайны». Сериал.
20.45, 21.50 «Ледниковый период».
21.30 «Хабарлар» (ўзб. тилида)
23.15 Еврофутбол.

23 СЕНТЯБРЬ, ЯКШАНБА

ЎЗБЕКИСТОН

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00«Ахборот».
8.50 «Имон». Телесериал.
9.40 «Саломатлик сирлари».
10.00 «Оҳанрабо».
10.40 «Денгиздан томчи».
11.15 «Довюрак самурай»..
11.50 «Ҳаёт манзаралари».
12.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» Кундузги дастур.
13.00 «КИНОТАҚДИМ».
13.25, 15.05 «Боғбон». Бадиий фильм. (Ҳиндистон)
16.05 «Қорақалпоқ наволари».
16.35 «Интеллектуал ринг».
17.20 «Оҳанглар оғушида».
17.30 «Турмуш чорраҳаларида».
18.25 «Рамазон туҳфаси».
18.50 «Олтин мерос».
19.00 «Одами эрсанг»
19.30 «Таҳлилнома» (рус тилида)
20.10 «Азизим».
20.40 «Олтин мерос».
20.50 «Минг бир ривоят».
21.00 «Таҳлилнома».
21.50 Ўзбекистон халқ артисти Матлуба Дадабоева қуйлайди.
22.10 «Заковат».
23.05 «Катта бойлик дардида». Бадиий фильм.
00.15 «Имон».
01.00 «Таҳлилнома». (рус)
01.35 «Заковат».
02.30 «Азизим».
03.00 «Оҳанрабо».
03.40 «Ҳаёт сўқмоқлари».
04.00 «Таҳлилнома». Информацион дастур.
04.45 «Минг бир ривоят».
04.50 «Турмуш чорраҳаларида».

ЁШЛАР

7.00 «Ишдаги ишқ». Кинокомедия.
9.30 «Болалар давраси».
10.00 «ВАТАНПАРВАР».
11.00 «Journal» (инглиз тилида)
11.20 «Эверест». Интеллектуал ўйин.
12.00 «Ишкомли уй».
13.00 Жаҳон киноси: «Кариб денгизи қароқчилари».
15.20 «Тараннум».
16.00 «Чемпион сирлари».
16.20 «Ринг қироллари».
17.10 «Айланай»
17.30 «Камолот» хабарлари.
17.45 «Ширинликлар мамлакати». Мультфильм.
18.45 Ўқитувчилар ва мураббийлар куни олдидан: «Устозим!»
18.50 «Шу кунларга етказганига шукр!»
18.55 «Телетуҳфа».
19.00 «Давр ҳафта ичида».
19.30 «Рўзғор мактаби».
20.30 «Акс». Ток-шоу.
21.10 «Шодлик наволари». Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Илҳом Иброҳимов.
22.00 Жаҳон киноси: «Ажойиб кун».
23.30 «ТУНГИ ПАРВОЗ».

ТОШКЕНТ


7.30 «Салом, Тошкент!»
8.35 «Эгизаклар».
9.25 Мультфильм.
10.25 Кино: «Шум бола».
12.20 Мультфильм.
13.40 «Дорихона эшитади» (рус.).
14.25 Кино: «Тринадцать друзей Оушена».
17.15 Кино: «Мунис онам».
18.45 «Жозиба».
19.15 «Нима учун?»
20.20 «Туризм ҳақида» (рус.).
20.50 «Мысли вслух».
20.55 Кино-SMS со звездами.

СПОРТ

7.30 «Хабарлар» (ўзб.).
7.50 «Бодрое утро».
8.50 «Хабарлар» (рус.)
9.10 «Рақибингиз гроссмейстер».
9.35 «Пока все дома».
10.25 «Фазенда».
11.00 «Қувноқ стартлар».
11.40 Гандбол.
12.10 Дневной сеанс: «Назад в будущее-2».
13.50 ПрофРИНГ.
18.00 «Халқ ўйинлари».
18.30 «Версия».
19.00 «Спорт унк-энд».
19.40 «Тайм-аут».
20.00 Футбол. «Навбаҳор»–«Андижон». «Трактор»–«Металлург».
21.30 «Талқин».
22.00 «Ровесник».
22.20 На экране комедия: «Твои, мои, наши».

Телевизионная программа предоставлена ООО «САДО».

СКАНВОРД



ГАЗЕТАНИНГ 36-СОНИДА ЭЪЛОН ҚИЛИНГАН СКАНВОРДНИНГ ЖАВОБЛАРИ:

ЭНИГА: Зуннунова. Рейсфедер. Ли. Кант. Фаол. «Нива». Канал. Нафақа. Уд. Уч. Эр. Ка. Ён. Измайлова. До. Мўминов. Обида. Марра. Марс. Оқ. Поча. Идиш. Афсунгар. «Инсон». Микроскоп. Ўқ.

БЎЙИГА: Нейлон. Урф. Орден. Тана. Вақт. Африка. Луччак. Фа. Зарафшон. Силикат. Алабама. Андорра. Одамзод. Аврангзеб. Ортиқ. Сўнгги. Сана. Атом. Чарви. Оқин. Ас. Аморф. Қурс. Пан.

Фозилжон ОРИПОВ тузди.

УМУМИНСОНИЙ ҚАДРИЯТ

(Давоми. Боши 1- бетда).

Ўтмишга назар ташлайдиган бўлсак, тупроғимизда яшаб ўтишган не-не улуғларимиз, мутафаккирларимиз асрлар давомида дунёвий ва диний илмлар соҳасида буюк кашфиётлар қилишганини кўрамиз. Бундайин бебаҳо меросни бугун жаҳон эътироф этаётгани ҳам бежиз эмас. Буни биргина Тошкентнинг ислом маданияти пойтахти деб эълон қилингани орқали ҳам ҳис қилишимиз мумкин.

Шу ўринда бир саволга ойдинлик киритиб ўтсак. Бугун биз авлодлар буюк аждодларимиздан қолган бундайин бебаҳо меросни асраб-авайлаш борасида қандайин ишларни амалга ошириямиз, деган саволни назарда тутяпман.

Таъкидлаш лозимки, истиқлолнинг илк давридаёқ диний-маърифий қадриятларимизни ўрганиш, асраш, ҳимоя қилиш бўйича муҳим ишлар қилинмоқда. Масалан, ислом оламида ўзига хос ўринга эга бўлган Самарқанддаги Шоҳи Зинда мажмуасида амалга оширилган кўлами кенг ишларни олайлик. Ёки бўлмаса Имом Бухорий ва Имом Мотуридий зиёратгоҳлари, Баҳоуддин Нақшбанд, Абдуҳолиқ Ғиждувоний, Бурҳониддин Марғиноний, Ҳаким Термизий, Имом Термизий, Шаҳрисабздаги Доруттиловат, Қаршидаги Одина ва Кўк гумбаз обидалари, Карманадаги Қосимшайх мақбараси каби зиёратгоҳларимизда, муқаддас қадамжоларимизда олиб борилган бунёдкорлик ишларини узундан-узоқ санашимиз мумкин.

Қувонч билан эътироф этмоқ жоизки, Президентимиз раҳнамолигида пойтахтимизда жойлашган, Қуръони каримнинг энг қадимий ва ноёб нусхаси сақланаётган Ҳазрати Имом мажмуасида ҳам кўлами кенг эзгу ишлар амалга ошмоқдаки, бундан қалблар нурафшон бўлади.

Ҳа, буларнинг бари халқимизнинг тарихий хотираси, ўзлиги ва маънавияти билан боғлиқ бойликлар экан, уларни асраб-авайлашдек масала доимо долзарб бўлиши табиий.

Бу хусусда гап кетганда Президентимизнинг қуйидаги фикрлари хаёлдан ўтади: "...Биз 1997 йили Имом Бухорий мажмуасини янгитдан барпо этиш пайтида бу ердаги олти-етти аср умр кўрган чинорлар ва қадимий ҳовузни сақлаб қолиш учун барча зарур чораларни кўрдик. Ҳатто чинорлар қандайдир касалликка чалинганда, даволаш учун Тошкентдаги Ботаника илмий-тадқиқот институтидан тегишли мутахассислар юборилган эди. Бундай фикрни Шаҳрисабздаги Дорус-саодат ёдгорлик мажмуасида қад ростлаб турган кўҳна чинорлар мисолида ҳам айтиш мумкин. Албатта биз она заминимиз бағридаги ҳар бир моддий ва маънавий мерос намунасини кўз қорачиғидек асраб-авайлаш, қайта тиклаш ва таъмирлаш бўйича қилаётган бу ишларимизни кимгадир намойиш қилиш, кўз-кўз этиш учун эмас, аксинча келажагимизни ўйлаб, онгимиз ва қалбимиз даъвати билан амалга оширмоқдамиз"

Такрор ва такрор таъкидлаш жоизки, бундайин эзгу мақсадларимиз, ниятларимиз замирида тарихий обидаларимизни қайта тиклаш, қадимий ва бой меросимизни асраб-авайлаш ва уни келажак авлодларга, фарзандларимизга безавол етказишдек муҳим масала мужассам.

Нуфузли халқаро ташкилот ЮНЕСКОнинг Тошкентдаги ваколатхонаси бошлиғи Майкл Барри Лейн «Тошкентда ЮНЕСКОнинг «Дунё хотираси» рўйхатига кирган нодир Усмон Мушафи ва Беруний номидаги Шарқшунослик институтининг бой хазинаси мавжуд. Шунингдек, дунёга машҳур Бароқхон, Кўкалдош мадрасалари, Қаффол Шоший, Юнусхон, Шайхонтоҳур ва Занги ота мақбаралари каби тарихий ва меъморий ёдгорликлар мавжуд» дея таъкидлар экан, тарихий ва илмий-маданий меросимизнинг қанчалар бой эканлигини эътироф этади.


Ҳа, қадимдан заминимиз маданият маркази бўлган, халқимизнинг маънавий томирлари илдизлари жуда чуқур. Айнан тилга олинаётган мавзу бўйича фикр юритадиган бўлсак, диний ҳуқуқшунослик замирида мазкур фаннинг ривожланганини, бу эса миллий давлатчилигимиз шаклланишида муҳим ўрин эгаллаб келганини яна бир бор ҳис қиламиз. Бу хусусда ёзувчи Абдуқаҳҳор Иброҳимов шундай дейди: «Туркистон тупроғидан буюк муҳаддислар сингари улуғ ҳуқуқшунослар ҳам етишиб чиққанлар. Уларнинг номларини тилга олиш учун бир рўйхат тузилмоқчи бўлса, бунинг ўзи бир неча саҳифа жойни эгалларди. Уларнинг исм-шарифларидаги Суғдий, Балхий, Мотурудий, Самарқандий, Марвозий, Бухорий, Шоший, Хоразмий, Нисовий, Дабусий, Хилвоний, Кеший, Исфижобий, Насавий, Кушоний, Ломаший, Фарғоний, Ўший, Косоний, Ўзгандий, Марғиноний, Уструшаний, Ахсикатий ва бошқа шу каби нисбалар Туркистоннинг деярли ҳамма вилоят ва туманларида ҳам ҳуқуқшунослик фани равнақ топганини кўрсатади».

Юқоридаги фикрлардан хулоса қиладиган бўлсак, дин халқимиз маънавиятининг юксалишида улкан хизмат қилган миллий ва умуминсоний қадриятдир.

Тарихга назар ташлайдиган бўлсак, асл уламоларнинг эл-юрт, халқ манфаати йўлида яшагани, курашганини англаб оламиз. Бунга "Ватан ҳимояси – иймон рамзи" дея қўлига қурол олган, юртни босқинчилардан ҳимоя қилиб, мардона жанг қилган, бу йўлда шаҳид кетган ватанпарвар, буюк уламо Нажмиддин Кубронинг жасоратини мисол қилиб келтириш мумкин.

Бугун фахр билан шуни айтишимиз мумкинки, Имом ал-Бухорий, Имом ат-Термизий, Аҳмад Яссавий, Баҳоуддин Нақшбанд, Ҳожа Убайдуллоҳ Аҳрор валий, Алишер Навоий, Абдураҳмон Жомий каби буюк аждодларимиз тафсири, таҳлили, талқинидаги динимиз, Имом Аъзам ва Бурҳониддин Марғиноний ёритиб берган шариатимиз том маънодаги миллий қадриятларимизга айланган. Бу қадрият кишиларимизга порлоқ истиқболимиз йўлида куч-қувват бағишламоқда, иродани мустаҳкам қилмоқда, бир-биримизга меҳр-оқибатли бўлишимизга даъват этмоқда. Бу эса Ватан равнақи, халқ фаровонлигида муҳим аҳамият касб этяпти.

Шерзод ТОЛМАСОВ.



ОЗОД ВА ОБОД ЮРТ ДУРДОНАСИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Самарқанд, Тошкент, Бухоро, Хива, Термиз, Шаҳрисабз, Қарши каби шаҳарларимиз Шарқнинг маърифат бешиги сифатида машҳур. Буюк ипак йўлида жойлашган қадимий ва навқирон Марғилон ҳам мамлакатимизнинг шонли тарихи, миллий қадриятларимизнинг шаклланиши ва ривожланишида алоҳида ўрин тутади.

Давлатимиз раҳбарининг 2005 йил 9 ноябрда қабул қилинган «Марғилон шаҳрининг 2000 йиллигини нишонлаш тўғрисида»ги қарорини бутун юртдошларимиз кўтаринкилик билан кутиб олди. Мазкур қарор миллий маънавиятимизни юксалтириш, Марғилондаги тарихий обидаларни тиклаш, уни обод этиш ва шаҳар аҳли фаровонлигини янада оширишда муҳим аҳамият касб этди.

Қадимий Марғилон бугун байрам оғушида. Барчанинг юзида, кўзида байрамона кайфият, шу юртдан, шу элдан, Истиқлолимиздан фахрланиш туйғуси акс этиб турибди.

Бой тарихи ва бетакрор маданияти, маънавият ва маърифати билан дунё халқлари диққатини ҳамиша ўзига тортган икки минг ёшли Марғилон бугун ҳар қачонгидан ҳам тароватли манзара касб этган.

Дарҳақиқат, қадимий шаҳар қисқа вақт ичида таниб бўлмас даражада ўзгариб кетди. Юбилей муносабати билан барпо этилган иншоотлар орасида Ёшлар хиёбони алоҳида ўрин тутади. У аквапарк, 1400 ўринли амфитеатр, чойхона, интернет-кафе ва кўплаб аттракционларни ўз ичига олган. Қарийб 10 гектар майдонни эгаллаган хиёбоннинг каттагина қисми кўкаламзор.

...Қутлуғ тўй суруридан янада гўзал ва кўркам қиёфа касб этган ушбу хиёбон марказидаги амфитеатр Марғилон юбилейи шодиёналарининг иштирокчилари – Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва барча вилоятлар, хорижий давлатларнинг мамлакатимиздаги элчихоналари, халқаро ташкилотлар ваколатхоналари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари билан гавжум.

Соат 18.30. Юбилей тантаналари бошланишидан дарак бериб чорлов мусиқаси янграйди.

Сўз Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовга берилади.

Давлатимиз раҳбари тантана иштирокчиларини, уларнинг сиймосида Фарғона аҳлини, бутун халқимизни Марғилон шаҳрининг 2000 йиллик юбилейи билан муборакбод этди. Бугунги кунда Марғилон шаҳри нафақат тарихий маскан, балки навқирон ва замонавий шаҳарга айланганлиги истиқлол берган имкониятлар ва халқимизга хос бунёдкорлик салоҳиятининг ёрқин далили эканлигини алоҳида таъкидлади.

ЮНЕСКОнинг мамлакатимиздаги ваколатхонаси раҳбари Анна Паолини байрам аҳлига мазкур халқаро ташкилот бош директори Коичиро Мацууранинг байрам табригини етказар экан, Марғилон ўзининг бой тарихи, маданияти ва маънавияти, ҳунармандчилик анъаналари билан дунё халқларини доимо ҳайратга солиб келганлигини қайд этди.

Тантанада сўзга чиққан марғилонлик қурувчи Камолиддин Йўлдошев, Марғилон тиббиёт коллежи ўқувчиси Зилола Болтабова мустақиллик йилларида Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида муқаддас заминимиздаги цивилизация бешикларидан бўлган қадимий шаҳарларимизнинг қутлуғ тўйларини нишонлаш мамлакатимизда хайрли анъанага айлангани, юртимизнинг барча гўшаларида улкан бунёдкорлик ишлари амалга оширилаётганини таъкидладилар. Марғилон шаҳрининг 2000 йиллигини нишонлашга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш билан боғлиқ кенг қамровли чора-тадбирлар шаҳарнинг тубдан ободонлашуви, тарихий обидаларининг тикланиши, аҳолининг яшаш ва меҳнат шароити яхшиланишида, қишилар кайфиятининг янада кўтарилишида жуда катта аҳамият касб этгани учун Юртбошимизга миннатдорлик изҳор этдилар.

Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 19 январдаги қарорига мувофиқ, Марғилоннинг буюк фарзанди – жаҳон халқларининг маънавий тараққиётига, хусусан, фиқҳ илмининг ривожига улкан ҳисса қўшган Бурҳониддин Марғиноний таваллудининг 910 йиллиги кенг нишонланди. Улуғ аждодимиз шарафига шаҳар марказида муҳташам ёдгорлик мажмуи бунёд этилди. Бугунги кунда мазкур мажмуа нафақат Фарғона водийси аҳлини, балки барча юртдошларимиз ва хорижлик меҳмонларнинг қутлуғ зиёратгоҳларидан бирига айланди.

Шуни таъкидлаш жоизки, Марғилон тўйига тайёргарлик доирасида амалга оширилган ишлар миқёси ва мазмуни, аввало, шаҳардаги тарихий обидаларнинг қайта тикланишида яққол намоён бўлди. Бир қанча қадимий масканлар ва зиёратгоҳларда кенг кўламдаги қурилиш ҳамда ободонлаштириш ишлари бажарилди.

Давлатимиз раҳбари Марғилонга ташрифи чоғида ана шундай иншоотлардан бири – Саид Аҳмад Хўжа Эшон мадрасасида бўлди.

1870-1875 йилларда Фарғона меъморчилиги услубида қурилган бу бино айни вақтда марғилонлик ҳунармандлар марказига айлантирилган. Бу иморат ўз даврининг таниқли зиёлиларидан бўлган Саид Аҳмад Хўжа томонидан бунёд этилган. Бу маърифатпарвар тадбиркор маҳалласидаги болаларнинг илм-маърифатли бўлишини истаб, савобли ишга қўл урган – ушбу бинони–мадрасани қурдирган.

Мажмуада Марғилоннинг 2000 йиллик тўйига бағишлаб ҳунармандлик ва халқ амалий санъати намуналари кўргазмаси ташкил этилди. Унда вилоятнинг турли ҳудудларидан келган ҳунармандлар ўз маҳсулотлари – мисгарлик, зардўзлик, адрас, атлас, гиламчилик буюмлари билан иштирок этди. Юртбошимиз уларни кўздан кечирар экан, атлас, адрас ва гилам нусхалари ўзининг бетакрор миллий нақши, табиий бўёқлари, тоза ипакдан тайёрланганлиги билан эътирофга сазовор эканини қайд этди. Шу билан бирга ҳунармандларни хомашё билан таъминлаш, маҳсулотларини кўпайтириш ва сотишда уларга ҳар томонлама ёрдам бериш зарурлигини таъкидлади.

– Ёшларимиз замонавий касб-ҳунарларни эгаллаш билан бирга, халқимизнинг қадимий ҳунармандчилик анъаналарини қайта тиклаш ва изчил давом эттириш борасидаги ишлардан ҳам четда турмасликлари керак, – деди Президентимиз ҳунармандлар билан мулоқот чоғида. – Бунда, айниқса, миллий ўйинчоқларни тиклаш, янгиларини яратишга алоҳида эътибор қаратиш даркор. Чунки, бола тарбиясида ўйинчоқларнинг аҳамияти жуда катта.

Марғилондан кўплаб азиз-авлиёлар ва фозил зотлар етишиб чиққан. Ислом дунёсининг буюк алломаси, машҳур «Ҳидоя» асарининг муаллифи Бурҳониддин Марғинонийнинг ҳаёти ва фаолиятини ушбу шаҳарнинг энг қадимий масканларидан бири – Пурсиддиқ мажмуаси билан боғлаган ҳолда талқин этадилар. Манбаларга кўра, ҳазрат 9 ёшида шу даргоҳга келиб, 13 йил давомида илму урфон ўрганган. «Ҳидоя»нинг биринчи қисмини айнан шу ерда ёзган.

Юртбошимизнинг эътибори ва ғамхўрлиги билан диёримиздаги кўплаб муборак қадамжолар сингари бу мажмуа ҳам тубдан таъмирланиб, ободонлаштирилди. Қутлуғ тўй муносабати билан бу ерда катта қурилиш ва ободонлаштириш ишлари олиб борилди.



Мамлакатимиз таълим-тарбия тизимида амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар замирида баркамол авлодни тарбиялашдек эзгу ният мужассам. Марғилон шаҳрида ҳам қатор замонавий таълим даргоҳлари қурилди.

Президентимиз ана шундай билим даргоҳларидан бири 32-мактабнинг янги биноси билан танишиш чоғида мақсад таълим масканларининг ташқи қиёфасини ўзгартириш, улардаги шароитни яхшилашдангина иборат эмас, балки олиб бориладиган таълим-тарбия жараёнининг мазмун-моҳиятини янада чуқурлаштиришдан, ҳар жиҳатдан соғлом авлодни тарбиялашдан иборат эканлигини алоҳида таъкидлади.

Юбилейга тайёргарлик жараёнида ёшларнинг билим олиши, маданий ҳордиқ чиқариши ва спорт билан шуғулланиши учун зарур шарт-шароит яратиш масаласига катта эътибор қаратилди. Жумладан, замонавий ёпиқ сув ҳавзаси барпо этилди. У 600 куб метр сиғимга эга. Унда бир кунда 180 нафар ўқувчи спорт билан шуғулланиши мумкин. У сувни тозалаш ва иситишга мўлжалланган замонавий жиҳозлар билан таъминланган.

Юртбошимиз Марғилон шаҳрининг қутлуғ тўйи муносабати билан бунёд этилган Марказий деҳқон бозорида ҳам бўлиб, сотувчи ва харидорлар учун яратилган шарт-шароитларни кўздан кечирди.

Замонавий талабларга жавоб берадиган янги бозор мажмуаси таркибида салкам 1400 савдо ўрни мавжуд. Озиқ-овқат маҳсулотларини санитария кўригидан ўтказиш учун зарур лаборатория ва маъмурий бино қурилган. Бозор савдо расталарининг муайян қисми вилоятдаги фермерлар ва агрофирмалар ихтиёрига берилган бўлиб, бу шаҳар аҳолисини сифатли қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари билан узлуксиз таъминлашда муҳим омил бўлмоқда.

Шаҳарнинг Мустақиллик, Туркистон, Бурҳониддин Марғиноний, Аҳмад ал-Фарғоний, Янги Фарғона, Янги ҳаёт, Алишер Навоий, Аҳмад Яссавий номидаги кўчалари янада обод бўлди. Замонавий уй-жойлар қурилди, йўллар таъмирланди.

Шаҳарда телефон алоқаси хизматининг сифат даражасини ошириш йўлида рақамли технологияга асосланган иккита АТС ишга туширилди. Транспорт хизматини янада яхшилаш учун янги автобуслар харид қилинди. Сайёҳликни ривожлантириш ишлари ҳам изчил олиб борилаётир. Табиийки, бунда янги бунёд этилган «Адрас» меҳмонхонаси муҳим ўрин тутади.

Шаҳар инфратузилмасини тубдан яхшилаш мақсадида кўплаб маҳаллаларда янги сув тармоғи қуриш, магистрал газ тармоғини ҳалқалаштириш, ичимлик сув, оқава сув тармоқларини капитал таъмирлаш, электр энергияси таъминотини янада такомиллаштириш ишлари олиб борилди.

Янги саноат корхоналари ташкил этиш, мавжудларини модернизациялаш борасида бир қатор ишлар қилинди. Ҳусусан, «Марғилон текстил» Ўзбекистон-Туркия қўшма корхонаси ишга туширилди. Яна учта қўшма корхонада монтаж ва дастгоҳлар ўрнатиш ишлари якунига етмоқда. Саноат корхоналари дастгоҳларини замонавийлаштириш, янги турдаги маҳсулот ишлаб чиқаришни ўзлаштириш, шунингдек, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлар томонидан ишлаб чиқаришни реконструкция қилиш, уй меҳнати ва оилавий бизнесни ташкил этиш йўли билан 4310 янги иш ўрни очилди.

Энг муҳими, Марғилон шаҳрида амалга оширилган барча эзгу ва хайрли ишлар ечимида, даставвал, инсон манфаатлари устувор экани ҳамиша эътиборда бўлиб келмоқда.

Шаҳар юбилейига бағишланган бадиий дастурда ана шу улуғвор бунёдкорлик ва яратувчанлик ишлари, элюртимизнинг шонли тарихи, саодатли бугуни ва буюк истиқболи мадҳ этилди, театрлаштирилган саҳналарда кўҳна ва навқирон Марғилоннинг ўтмиши ва ҳозирги куни ҳақида ранг-баранг лавҳалар намойиш этилди.

Куй қўшиққа, қўшиқлар рақсларга уланди. Истиқлол, истиқбол, онаюрт фаровонлиги, тинчлигини тараннум этувчи наволар янгради.

Ҳа, дунёга донғи кетган, азалдан миллий урф-одатларимиз, моҳир ҳунармандлар маскани бўлиб келган, озод ва обод юртимиз дурдонаси – қадимий Марғилон истиқлол шарофати билан замонавий шаҳар сифатида бугун қайтадан намоён бўлди.

Улуғ тўйинг муборак бўлсин, Марғилон!

Гулом МИРЗО,
Маъсуджон СУЛАЙМОНОВ,
ЎзА махсус мухбирлари.

Ёзувчи Абдулла Қаҳҳорнинг 100 йиллигига

ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ ВА ФУҚАРОВИЙ ОНГ

(Абдулла Қаҳҳорнинг «Маҳалла» ҳикояси сабоқлари)

Абдулла Қаҳҳор асарлари ҳаёт, инсон руҳияти, турмуш муаммоларини кундалик оддий воқеалар мисолида теран бадиий тасвирларда акс эттирганлиги билан мароқли ва таъсирчандир. Ёзувчи оддий ҳаётий саргузаштларни тасвирлар экан, уларнинг замирига муҳим ва долзарб ижтимоий муаммолар ҳамда уларнинг ечимларини маҳорат билан сингдириб юборадики, бундан биз ўз замонамиз учун ҳам сабоқ чиқаришимиз мумкин. «Маҳалла» ҳикояси ана шундай замонавий моҳиятга эга асарлардандир.

Ҳикояда тасвирланишича, оддий бир одам – Ҳикмат чол кампири вафот қилганидан жуда қаттиқ қайғуради, сўнгсиз изтиробга тушади. Кампирининг ўлимида ўзини гуноҳкор сезади. Агар ўлимидан бир неча кун илгари чўрткесар гаплари билан озор бермаганида, эллик уч йиллик умр йўлдоши ҳали узоқроқ яшаши мумкин эди, деб ўйлайди. Ўзининг бу гуноҳини асло кечира олмайди. Ҳар куни кампирнинг қабрини зиёрат қилиб юрган чол, кутилмаганда, унинг ёнидан ўзига гўр қаздиради.

Бироқ, шу маҳаллалик бир шифокорнинг кўнгил сўраб қилган бир оғиз суҳбати чолни ўлим хаёлидан қайтарди:

« – Онахонимиз таърифга сиғмайдиган аёл эдилар, шунча одам (жаназага-Н.Ж.) бекорга келгани йўқ! Лекин, отахон, маҳалламизга бирон саккиз челакли битта самовар керак экан, ўша куни жуда-жуда билинди. Маҳалладан пул йиғсак, хонадонга неча пуллан тушади?

Чолнинг ҳамияти қўзғаб кетди.

– Ўғлим билан келинимнинг битта самоварга кучи етиб қолар, – деди».

Мана шу ҳамиятда гап кўп. Ҳамиятли одам – ҳимматли бўлади. Ҳамиятли одамдан ҳомийлик, фидойилик фазилатлари келиб чиқади. Шифокорнинг бир оғиз гапи турткиси билан қўзғалган ҳамият чолни бемаҳал ўлимдан сақлаб қолади, унда бошқалардагидек мудраб ётган фуқаровий онгни уйғотади.

«Чол гўрини қазитиб қўйиб, энди бу ерга самовар олгани эмас, ётиб ўлгани келган бўлса ҳам, ўғли билан келини номидан маҳаллага катталик қилиб қўйганидан кейин бу тўғрида ўйлашга мажбур бўлди – ўғлидан пул олди, самовар қидиришга киришди. Бироқ ўшанақа самоварни топишдан кўра кондан мис қазиб, самовар ясаш осонроқ экан: чолнинг бормаган магазини, ялинмаган магазин мудири қолмади. Ўғли билан келини унинг елиб - югуришига, унда шунча куч қаёқдан пайдо бўлганига ҳайрон эди».

Фуқаровий онгнинг ҳаракатга тушиши, назарногир оддий бир одамнинг фуқаровий фаоллик касб этиши, халқнинг кориға яраш, маҳалланинг йўғини бор, бирини икки қилиш – бунёдкорлик ғояси билан суғорилган олижаноб ният чолга фавқулотда куч бағишлаган эди.

Энди маҳаллада одамлардан пул йиғиб бирон юз эллик кишилик маҳалла рўзғори ташкил этиш муаммоси кўндаланг турарди. Маҳалла мажлиси ушбу муаммога ҳам Ҳикмат бувани балогардон қилади. Бу – ўта мушкул юмуш эди. «Маҳалла неча хонадон? Буларнинг ҳаммаси чолни аяб пулни келтириб бера қолса экан! Бу хонадонлардан кўпига кириш керак, кошки бир кирганда пулни бера қолса экан: бири эртага келинг дейди, бири фалончи мунча берганда мен нега шунча берар эканман, деб хархаша қилади, бири мажлисда англайиб ўтириб гапга яхши тушунмаган, унга тушунтириш керак бўлади...

Чол ҳар куни эрталабдан хонадондан хонадонга, бор пулга бир нима олиб қолиш учун дўкондан дўконга, арз-дод қилгани идорадан идорага югурар, шу орада фурсат топиб баъзан кампирининг мозорига ҳам бориб келар эди».

Ниҳоят, чол ер бўлади – осмон бўлади – маҳалланинг рўзғорини бут қилади.

Шу ўринда ҳикоянинг изчил таҳлилидан чекиниб, замонамизга қайтайлик. Хўш, бу ҳикоя бизнинг замонамиз учун қандай аҳамиятга эга? Ҳикмат чол образи ва унинг фаолиятидан ўзимиз учун қандай сабоқлар чиқаришимиз лозим?

Ҳикоянинг замонавий моҳияти шунда асқотадики, биз фуқаролик жамияти қуришни мақсад қилганмиз, кучли давлатдан кучли фуқаролик жамияти сари ўтиб бормоқдамиз. Кучли фуқаролик жамияти барпо этиш учун фуқароларимиз юксак маънавиятга асосланган фуқаровий онг билан қуролланишлари, Ҳикмат чолдек фуқаровий фаоллик касб этишлари зарур. Акс ҳолда, фуқароларимиз лоқайд, бепарво ҳолатда, заиф фуқаролик вазиятида умргузаронлик билан машғул бўлсалар, улар билан кучли фуқаролик жамияти яратиб бўлмайди. Бундай шароитда давлат ваколатларини бирин-кетин, босқичма-босқич фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш идораларига ўтказиш ҳам кўзланган натижани бермайди. Аксинча, берилган имтиёз ва имкониятлар зое кетади.

Мисол учун, «Маҳалла» ҳикоясидаги воқеалар билан ҳозирги жамиятимиздаги айрим ҳодисаларни таққосласак, ибратли сабоқ келиб чиқади.

«Баҳор келди. Шаҳарда дарахт ўтқазиш кампанияси бошланиб кетди. Шу муносабат билан газета мақола бериб, ўтган йил баҳорда қайси маҳаллалар режани тўлдирмай қолганини, қайси маҳаллалар бу ишда намуна кўрсатганини айтиб, илғор маҳаллалар қаторига «Янги Маҳалла»ни ҳам қўшибди. Буни чолга невараси кўрсатиб кулди, чунки ўтқазилган дарахтларнинг кўпгина қисми тутмаган эди. Чол чиқиб маҳаллани айланди, дарахтларни кўздан кечирди. Ўтган йил баҳорда жами бир минг етти юз олтмиш беш туп кўчат ўтказилган бўлиб, бундан фақат саккиз юз олтитаси тутган, тутган дарахтлардан йигирма икки тупи синган, саккиз туп сассиқ, мўрт ва умри қисқа дарахтлар экан. Чол бу маълумотларни олиб тўғри редакцияга борди, аввал тортиниброқ гапирди, гапи ўтганини пайқагач, шовқин солди. Газета эртанги сонида «Янги Маҳалла» ҳақида нотўғри маълумот берган мухбирга жазо берганини айтди ва мухбирни алдаган маҳалла комиссиясининг котибига дашном берди ва шу билан бирга газетанинг хатосини кўрсатган Ҳикмат бува Норматовга ташаккур билдирди».

Таассуфки, ҳозирги замон маҳаллаларимизда шахсий ташаббус ҳамда фуқаровий виждон билан эринмасдан тафтиш ўтказадиган, жонкуярлик билан идораю таҳририятга югуриб масаланинг сўнгги чигалигача ҳал этадиган, ечимини топадиган Ҳикмат бувалар етишмайди. Бордию битта-яримта топиладиган бўлса ҳам, уни юқоридаги парчада тасвирланганидай рағбатлантиришмайди. Бильакс, «ёзувчи», «шикоятчи», «аризачи», дея таҳқирлашади, ўзидан айб қидиришади, арз-додини тинглашмайди, мурожаатларини жавобсиз қолдиришади. Бу ташаббускорлик, фуқаровий фидокорлик учун мукофот эмас, балки жазодир.

Ўшанда ҳам маҳалла раҳбарияти Ҳикмат бувага раҳмат демайди, баралла ҳақоратлайди: «Ҳикмат бува шу куни бурчакдаги чўткачига маҳсисини ёғлатиб, «маҳалламиз шармандa бўлгани» ҳақида унинг интиҳосиз жаврашига қулоқ солиб ўтирган эди, шу аснода ўша ёлғончи котиб ўтиб қолди ва чолни кўриб ўшқирди:

– Ҳу ўша... Ўзимиз тўғрилар эдик-ку, сенга нима, бир оёғинг гўрда! » Ҳолбуки, чол елиб - югурмаса, ўзлари икки дунёда ҳам тўғрилашмас эди. Ҳозир ҳам, мазкур муаммо Ҳикмат бувадек оқсоқоллар шижоатига муҳтож. Ўз маҳалласида баҳорда ўтқазилган кўчатларни бир сарҳисоб қилиб кўринг-а.

Ҳикоядан чиқадиган сабоқлардан яна бири шуки, рўзғорни бут қилишдан ҳам кўра, уни асраш қийинроқ бўлар экан: баъзи одамлар нарсани олиб вақтида қайтаришмайди, баъзилар, масалан, жўмраги учган чойнак, папиросдан куйган дастурхон, латтасига алланимабало тўкилган курси, санчиғи қайрилган вилка ва ҳоказо қайтаришади, яна «ўзи шунақа эди», деб жанжал қилишади, кимдир бунёд этади – кимдир барбод беради, кимдир, маҳаллага мулк тўплайди – кимлардир бу халқ мулкини талон-тарож, ғорат қилади, ўзлаштиради.

Ҳикоядаги тасвирга Тошкент шаҳар Яккасарой тумани «Тепа» маҳалласида кечаётган жараёнлар ҳам мувофиқ келади. Кейинги йилларда маҳаллада хўжасизлик ҳукм сурмоқда. Маҳалла ҳовлисининг 1991 йилда қалин темирдан ясалган катта дарвозаси 2005 йил таъмир баҳонасида ечиб олинди ва йўқотиб юборилди. Маҳалла ҳовлиси ҳанузгача дарвозасиз қолиб кетди. Шунингдек, тўй-маъракаларда хизмат қиладиган қозонўчоқлар ва самовар қаёққадир ғойиб бўлди. Маҳалланинг узоқ йиллар мобайнида бутланган бошқа рўзғор анжомлари ҳам пароканда аҳволда. Маҳалланинг фаолияти талабга жавоб бермайди. Маҳаллада тафтиш-назорат комиссияси умуман ишламайди. Хўш, бу аҳволда қандай қилиб адолатли, демократик фуқаролик жамияти барпо этиш мумкин? Фуқаролик жамиятининг шаклланишидаги, асосий механизмлардан бири – бу фуқаровий назоратдир. Фуқаровий назоратни ташкил этувчи механизм эса маҳалладаги тафтиш-назорат комиссиясидир. Бу маҳаллада «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунида кўзда тутилган Фуқаролар йиғини кенгаши ҳам, маҳалланинг тафтиш-назорат комиссияси ҳам мавжуд эмас. Маҳалла оқсоқоли, қонунга хилоф равишда, беш йиллаб фуқаролар йиғинини олдида ҳисобот бермайди. Пойтахтнинг қоқ марказидаги аҳвол бу.

Аслида, кучли давлатдан – кучли фуқаролик жамиятига ўтаётган, ҳуқуқий демократик давлат барпо этаётган бир шароитимизда давлат ҳокимияти органлари, қурилиш ташкилотидек бошқа давлат ташкилотлари маҳаллаларни қўллаб-қувватлаши, мол-мулкини кўпайтиришга ёрдам бериши, уларга ҳомийлик қилиши лозимдир. Энди ҳамиятли Ҳикмат бува билан «Тепа» маҳалла оқсоқолларининг фуқаровий хусусиятларини таққослаб кўринг. Агар буларда етук фуқаровий онг бўлганида, маҳалланинг бор бисотини кўз қорачиғидай асраган бўлардилар. Лоақал, фуқаролар мурожаатидан кейин маҳалла буюмларини жой-жойига келтириб қўяр эдилар. Бунинг учун уларда Ҳикмат бувадагидек фуқаровий онг уйғониши лозим эди. Шунинг учун ҳам Ҳикмат бува образи ва А.Қаҳҳор «Маҳалла» ҳикояси сабоқлари замонамиз фуқаролари учун ўринлидир. Маҳаллаларимиз оқсоқоллари юксак фуқаровий онг ҳосил этиб, жамиятнинг виждонига айлансаларгина, кучли фуқаролик жамияти барпо этишимиз муқаррар.

Нусратулло ЖУМАХЎЖА,
филология фанлари доктори,
Тошкент давлат Юридик институти профессори.

Ёнғин хавфсизлигига эътибор

ТИЛСИЗ ЁВДАН САҚЛАНАЙЛИК!



«...Ўз уйингни ўзинг асра!» дея таъкидлаймиз. Бу гап замирида кўпгина хавф-хатарнинг олдини олишда огоҳ бўлишдек даъват бор. Ёнғин ҳам ана шундай бир хавфдир. Эътиборсизлик, масъулиятсизлик оқибатида қандай мудҳиш ҳодиса келиб чиқишини яхши биламиз.

Барча ташкилот ва муассасаларда бўлгани сингари Мудофаа вазирлигига қарашли ҳарбий қисм ва муассасаларда, объект ва ҳарбий шаҳарчаларда ёнғин хавфсизлигини кучайтириш мақсадида зарур чора-тадбирлар кўрилмоқда. Мудофаа вазирининг тегишли буйруғида бу борадаги асосий вазифалар белгиланган бўлиб, барча ҳарбий объектларни ҳамда ҳарбий хизматчилар яшаб турган уй-жойларни ёнғин хавфсизлиги талабларига мувофиқ ҳолатга келтириш, газ, энергетика ва сув билан таъминлаш тизимининг, иситиш асбобларининг ҳолати ва созлигига алоҳида эътибор қаратиш, ёнғинга қарши сув таъминоти манбаларини доимий соз ҳолатда сақлаш шулар жумласидандир.

Маълумки, Мудофаа вазирининг буйруғига биноан жорий йилдан бошлаб, ёнғин хавфсизлиги бўйича янги кўрик-танлов ўтказилмоқда. Шу кунларда қай бир қисмда бўлманг, бу борада самарали ишлар қилинаётганига гувоҳ бўласиз. Жумладан, мотоўқчилар ҳарбий қисмида ҳам ёнғин хавфсизлиги бўйича талайгина ишлар амалга оширилмоқда.

Қисм ёнғин хавфсизлиги гуруҳи бошлиғи офицер Фаррух Жиянов барча объектлардаги ёнғинга қарши воситалар билан таништирар экан, ўз фикрини қуйидагича ифодалади:

– Умумҳарбий низомлар қоидаларига амал қилган ҳолда белгиланган барча ҳудудларда ёнғинга қарши воситалар ўрнатилган. Жумладан, назорат-ўтиш жойларида, ўқув бинолари ва ётоқхоналарда, қоровулхона ва қўриқлаш объектларида, техникаларни сақлаш паркида, ёнилғи, қурол-аслаҳа ва кийим-кечаклар ҳамда озиқ-овқат сақлаш омборларида ёнғин келиб чиқишининг олдини олиш учун барча зарурий чоралар кўрилган. Шунингдек, посбонлардан ёнғинга қарши кураш гуруҳлари тузилган бўлиб, улар ўзларига бириктирилган ҳудудни ёнғиндан асрашга ва унинг олдини олишга ҳамиша тайёр. Шахсий таркиб билан ҳам доимий равишда назарий ва амалий машғулотлар олиб борилмоқда. Машғулотларда ўт ўчириш воситасининг қўлланилиши, ундан тўғри фойдаланиш қоидалари ва самарадорликни ошириш усуллари ҳақида билимлар берилади.

Машғулотлар давомида посбонларга муайян объектда ёнғин содир бўлганда энг аввало, нима қилиниши лозимлиги, ортиқча ваҳимага берилмаган ҳолда имкон қадар ёнғин хавфсизлиги чораларини кўриш, ёнғиндан зарар етганларга биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш хусусида ҳам батафсил тушунтирилади.

Келинг, қисм қоровулхонасидаги ёнғин хавфсизлиги воситаси ва қоровулларнинг ёнғин содир бўлгандаги ҳаракатига эътибор қилайлик. Қоровулхона Умумҳарбий низомлар талаблари асосида жиҳозланган бўлиб, ҳовлисида алоҳида ёнғин хавфсизлиги воситаси ҳам ўрнатилган. Шунингдек, хоналарда ҳам ёнғинни ўчириш воситаси бор. Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, ҳар бир воситанинг ёнида уни ишлатиш ва ундан қандай фойдаланиш лозимлиги ҳақидаги йўриқнома ҳам илиб қўйилган.

...Қоровулхонада ёнғин. Қоровул бошлиғи офицер Қутлимурод Собиров томонидан берилган буйруқ янграши биланоқ, қоровулхонадаги дам олувчи посбонлар тезлик билан ҳаракат қила бошлашди. Кичик сержант Умарали Эркаев қуролини олиб, қоровулхонани ҳимоя қилишга киришди. Қолган посбонлар эса, қуролларини елкаларига осиб, ёнғин хавфсизлиги воситаларини олиб, ёнғинни ўчиришга киришишди. Бу қоровулларнинг доимий ўқув машғулотларидан бир кўриниш эди, холос. Шунингдек, постда ёнғин бўлган ҳолатлардаги ўқув машғулотлари ҳам ўтказилиб борилади.

Ҳа, ўт балосидан асрасин, дея бежизга айтишмайди. Чунки, унинг қаршисида кўпинча одамзод ожиз қолади. Бироқ, унинг олдини олиш, бу борада йўл қўйилаётган хато ва камчиликларни тезда бартараф этиш, асосийси, доимо огоҳ ва ҳушёр бўлиш ўзимизнинг, ҳар биримизнинг қўлимизда.

Ҳарбий қисмда ёнғиннинг олдини олиш ва ёнғин хавфсизлигини таъминлаш долзарб масалалардандир. Мудофаа вазирининг буйруқлари, Умумҳарбий низомлар талаблари, тегишли ҳужжат ва йўриқномалардан келиб чиқиб амалга оширилаётган чора-тадбирлар сабаб, бу борада ижобий ўзгаришларга эришилмоқда. Яъни, қисмда танловнинг биринчи босқичи яхши натижалар билан ўтказилди. Ўйлаймизки, посбонлар бу борадаги ишларнинг самарадорлигини янада ошириб, танлов ғолиби деган номга эришадилар.

Аҳрор РАЖАБОВ.
Комолиддин ТЎРАЕВ
суратга олган.

Табиатни асраш – умумий ишимиз

ОНА ТАБИАТНИНГ ЯШИЛ ДУРДОНАСИ

Атроф-муҳитни, ўсимликлар ва ҳайвонот оламини асраш, уларни муҳофаза қилиш инсоният учун жуда катта ҳаётий аҳамиятга эга эканлиги ҳеч биримиз учун сир эмас. Аммо айнан шу инсоният, яъни биз табиатдан кенг миқёсда фойдаланиб, унинг асрлар давомида юзага келиб борган табиий манзарасини ўзгартираётганимиз, унга кўпроқ салбий таъсир кўрсатаётганимиз ҳам кундек равшан бўлиб турибди. Саноат тармоқлари ва қишлоқ хўжалигининг ривожланиб бориши, табиат қўйнидаги янги-янги майдонларнинг кенг миқёсда ўзлаштириб борилиши экологик мувозанатнинг бузилишига олиб келмоқда. Натижада эса ўсимликлар ва ҳайвонот дунёсининг камайиб кетиши хавфи туғилмоқда.

Яшиллик дунёси аслида заминимиздаги ҳаётнинг бирламчи манбаи ҳисобланади. Яшил ўсимликлар ҳавони тозалайди, мусаффо қилади, беморлар дардига шифо, малҳам бўлади. Шунингдек, у инсонларга даво ва озуқа бўлиш билан бирга атроф-муҳитга гўзаллик бахш этади.

Табиат қонунларига қарши юриш, унга фақат моддий манфаат юзасидан муносабатда бўлиш, охир-оқибат у томонидан жазоланишга олиб келиши тайин. Биз атрофимизга бир назар ташласак, кўз ўнгимизда табиатга қандай муносабатда бўлаётганимиз, у яратган қонунларга зид ҳолатлар, воқеалар содир бўлаётганига гувоҳ бўламиз. Йилдан-йилга, кундан-кунга инсон она табиатга нисбатан шафқатсиз бўлиб кетаётганини сўз билан, ёзув билан ифодалаш ҳам мушкул. Масалан, Орол денгизи қуриб бориши натижасида иқлимнинг кескин ўзгариб бораётганлиги, озон қатламига етказилаётган зарар, жуда тезлик билан дунё бўйлаб тарқалаётган чўлланиш жараёни...

Бу борада узоқ фикр юритиш мумкин. Аммо инсониятнинг табиатни асраш, уни муҳофаза қилиш борасида амалга ошираётган ишларига ҳам кўз юмиб бўлмайди. Ана шундай ишлардан бири табиатнинг аччиқ қисмати, унсиз фарёдидан дарак берувчи «Қизил китоб»нинг юзага келиши бўлган десак, муболаға қилмаган бўламиз.

«Қизил китоб» – йўқолиб бораётган ёки йўқолиш хавфида бўлган ноёб ўсимлик ва ҳайвонлар турларини қайд этувчи, улар ҳақида мукаммал маълумотлар берувчи, давлат аҳамиятига молик ҳужжатдир. 1948 йилда ташкил этилган Табиат ва табиий ресурсларни муҳофаза қилиш халқаро иттифоқи камёб ва йўқолиш хавфи остида бўлган ўсимлик ва ҳайвон турларининг рўйхатини тузиш ғоясини амалга оширишга киришди. Турларни сақлаб қолиш бўйича халқаро комиссия тузилиб, 1966 йилдан бошлаб табиатни муҳофаза қилиш ташкилотлари билан ҳамкорликда халқаро «Қизил китоб»нинг дунё ва алоҳида минтақалар флора ва фаунасига бағишланган нашрлари чоп этила бошланди.

Ўзбекистоннинг ноёб ва камайиб бораётган ўсимлик ва ҳайвонот дунёси ҳақидаги дастлабки маълумотлар 1974 йилда таъсис этилган «Қизил китоб»да ўз аксини топган. Биринчи марта Ўзбекистон «Қизил китоби»нинг фаунага бағишланган қисми 1983 йилда нашрдан чиқди. Унга умуртқали ҳайвонлар (балиқлар, судралиб юрувчилар, қушлар, сут эмизувчилар)нинг 63 тури киритилган эди. Ўсимликлар оламининг камёб, йўқолиб кетиш хавфи остида бўлган 163 тури ҳақида илк бор мукаммал маълумотлар 1984 йилда босмадан чиққан «Қизил китоб»да келтирилган. «Қизил китоб» – даврий нашр ҳисобланади. Унга киритиладиган ўсимлик ва ҳайвон турлари Табиатни муҳофаза қилиш халқаро иттифоқи таклиф этган таснифга биноан 4 гуруҳга ажратилади:

1. Йўқолган ёки йўқолиш арафасида турган (жиддий муҳофаза талаб этувчи) турлар;

2. Йўқолиб бораётган (сони кун сайин камайиб бораётган, махсус муҳофазага муҳтож) турлар;

3. Камёб, бевосита йўқолиш хавфи бўлмаса-да, кичик майдонларда камдан-кам учрайдиган (муҳофазага муҳтож) турлар;

4. Муайян вақт давомида сони ва тарқалган майдонлар табиий сабабларга кўра ёки инсон таъсирида қисқариб бораётган (сонини назорат қилиб туриш талаб этиладиган) турлар.

Табиатнинг ўзига хос яна бир хусусияти ҳам борки, ўсимлик ўз камёблик даражасини у ёки бу томонга ўзгартириб туради. Яъни, вақт ўтиши билан ўсимлик камайиши ёки кўпайиб, муҳофазага муҳтож бўлмай қолиши ҳам мумкин.

Юртимиз ҳудудида ҳозир 4500 га яқин ёввойи ўсимлик ва 2000 дан зиёд замбуруғ турлари мавжуд. Улар орасида жиддий муҳофазага муҳтож кўпгина ноёб ҳисобланган эндем ва реликт турлари ҳам бор. Бундай турларнинг сони 400 атрофида бўлиб, улар Ўзбекистон флорасининг 10-12 фоизини ташкил этади.

Ўзбекистон мустақилликка эришгач, атроф-муҳитни, ҳайвонот ва ўсимликлар дунёсини муҳофаза қилишга алоҳида эътибор қаратилди. 1992 йил 9 декабрда «Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида», 1993 йил 7 майда «Алоҳида муҳофаза қилинадиган ҳудудлар тўғрисида», 1997 йил 26 декабрда «Ўсимликлар дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида» ва ниҳоят, 1999 йилда «Ўрмонлар ҳақида»ги Қонунлар қабул қилинди. Мазкур қонунлар барча ўсимликлар турларини сақлаб қолиш, уларни асраб-авайлаш ва муҳофаза қилиш борасидаги муҳим ҳужжатлар ҳисобланади.

Ўзбекистон флорасининг йўқолиб кетиш хавфи остида турган 301 турининг ҳозирги ҳолатини тавсифлайдиган «Қизил китоб» 1998 йилда қайта босмадан чиқди. Кейинги йилларда Ўзбекистон фаунаси турлари мақомини баҳолашга имкон берувчи маълумотлар тўпланиб, янги «Қизил китоб» 2003 йилда чоп этилди. Ўтган 2006 йилда эса Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси «Ботаника» илмий-ишлаб чиқариш маркази олимлари томонидан тайёрланган «Қизил китоб»нинг янги нашри чоп этилиб, кенг китобхонлар оммасига ҳавола этилди. Янги нашр 1984 ва 1998 йиллардаги «Қизил китоб»дан тубдан фарқ қилади. Ушбу китобда йўқолиб кетиш хавфи остида турган ноёб, камайиб бораётган барча ўсимликларнинг рангли расми берилган бўлиб, кўз ўнгимизда худди аслидек, яъни табиатда ўсиб турганидек намоён бўлади. Ўзбек, рус, инглиз тилларида ёзилган ушбу «Қизил китоб»да ҳар бир турнинг илмий, ўзбекча ва русча номлари, уларнинг қайси оила ва туркумга мансублиги кўрсатилган. Китобда муҳофаза қилиш чораларига алоҳида эътибор қаратилган.

Юқорида қайд этилганидек, 1998 йилда чоп этилган «Қизил китоб»га киритилган ўсимлик турларининг сони 301 та эди. Янги чоп этилган нашрда бу турлар сони 305 тага етган.

«Қизил китоб» – камёб ўсимлик ва ҳайвонлар тақдиридир. У турли даражадаги ноёб ўсимликлар, йўқолиб, камайиб бораётган турлар ҳақида тўлиқ маълумот берувчи ягона манба ҳисобланади. Чунки унга киритилган ўсимлик ва ҳайвон турлари давлат қонуни асосида муҳофаза қилинади, уни бузган юридик ва жисмоний шахслар қонунга мувофиқ жавобгарликка тортилади.

Юқорида айтиб ўтганимиздек, «Қизил китоб» – табиатнинг унсиз фарёдидир. Агар табиатни муҳофаза қилмасак, авайлаб асрамасак, бебаҳо бойликларимиздан бутунлай ажралиб қолишимиз мумкин. Шундай экан, бу мўъжизакор табиат дилларимизни завққа чулғаб, борлиқни, дунёни гўзалликларга тўлдирсин. Биз – инсонлар табиат мувозанатига ўз шахсий эҳтиёжларимиз йўлида дахл қилмайлик, унга азият етказмайлик.

М.САЙДИВАЛИЕВ.

Ҳарбий техника шарҳи

ЯНГИ ДАСТУР АСОСИДА

Янги Зеландия ҳарбий денгиз кучлари учун янги ишлаб чиқилган кемасозлик дастури (Project Protektor) доирасида универсал десант кемаси (MRV-MultiRole Vessel) қурилиши олиб борилмоқда. Бош пудратчи – Австралиянинг «Теникс дефенс» компанияси, қуриш ишларини эса Голландиянинг «Мерведе шипъярд» фирмаси амалга оширмоқда. Мазкур кема шахсий таркиб, юклар ва техникаларни бир жойдан бошқа жойга кўчириш, тинчликпарварлик, гуманитар ва қутқарув операциялари ўтказилишини таъминлаш ва бошқа бир қатор вазифаларни амалга ошириши кўзда тутилган. 131 метр узунликка эга бўлган кеманинг сув сиғими 8870 тоннани ташкил этади. Дизель-электрик энергетика қурилмаси юриш тезлигини 19 узелгача етказишни таъминлайди. Муз классидаги кучайтирилган корпус 400 мм қалинликдаги муз қатламини ёриб ўтиш имконини беради, бу эса ёз вақтида жануб кенгликларида турли вазифалар бажарилишини таъминлайди. Кема қуроллари битта 25 мм.ли «Тайфун» артиллерия қурилмаси ва иккита 12,7 мм.ли пулемётлардан иборат бўлади. Кемага тўртта MRH-90 ёки иккита SH-2G «Сиспрайт» вертолётлари, шунингдек, иккита десант катери жойлашиши мумкин бўлиб, улар 50 т.гача оғирликдаги юкни 9 узел тезлик билан 250 миль узоқликкача олиб боришга қодир бўлади. Қурилиш ишлари ниҳоясига етиб, юриш синовлари ўтказилганидан сўнг кема Австралияга йўл олади ва у ерда қуроллар ҳамда алоқа тизими аппаратуралари ўрнатилади.

Янги дастур доирасида яна иккита катта ва тўртта кичик патрул кемалари қуриш режалаштирилган.



ҲАМКОРЛИК ИСТИҚБОЛЛАРИ

Швейцариянинг «Эрликон Конравес» компанияси мутахассислари ҳаво ҳужумидан мудофаани амалга оширишга мўлжалланган масофадан бошқарилувчи «Скайрейнджер» башня қурилмасини яратдилар. Бу қурилма билан Туркиянинг ACV-S ёки «Парс» (иккаласининг ғилдираклар формуласи 8х8) русумли ғилдиракли жанговар зирҳли машиналари жиҳозланади. Башняга 35 мм.ли «Эрликон» 35/1000 русумидаги автоматик тўп ўрнатилган. У паст учувчи ҳаво нишонларини (шу жумладан, қанотли ракеталар ва учувчисиз учиш аппаратларини) уриб тушириш, шунингдек, жанговар вазиятга боғлиқ ҳолатда, ер устидаги нишонларни йўқ қилишга мўлжалланган. Тўпдан отиш учун программалаштирилувчи электрон портлатгичга эга бўлган зирҳтешар-осколкали ва осколкали снарядлар ишлаб чиқилган. Тўп барабан тизими (4 та ўқдонли) бўйича ишланган. Унинг ўқ отиш тезлиги 1 дақиқа ичида 1000 та отишга, жанговар захираси эса 228 та унитар (яхлит) тўпламга эга. Иккала мамлакат режаларига кўра, улар ўртасида янги битим имзоланиши кўзда тутилган бўлиб, унга мувофиқ башня қурилмалари лицензия бўйича Туркия заводларида ишлаб чиқарилади.



ЗАМОНАВИЙ ФРЕГАТ

Бошқарилувчи ракета қуролига эга бўлган, Норвегия ҳарбий денгиз кучларига қарашли F310 «Фритьоф Нансен» русумли фрегат (суратда) қурилишига 2003 йилнинг 9 апрелида «Изар» компаниясининг Эль-Ферроль шаҳри (Испания)даги кемасозлик корхонасида асос солинган. Кема 2004 йилнинг 3 июнида илк бор сувга туширилган, 2005 йилнинг октябрида ҳарбий денгиз кучлари ихтиёрига берилган ва 2006 йилнинг 1 июнида жанговар шай кемалар таркибига киритилган.


Кеманинг асосий тактик-техник тавсифлари: тўлиқ сув сиғими 5290т, узунлиги 132м, эни 16,8м, сувга ботиб туриш даражаси 4,9м. Уйғунлаштирилган дизель-газ турбинали энергетика қурилмаси (CODAG туридаги) «Женерал электрик» компаниясининг 26100 от кучи қувватига эга бўлган битта LM 2500 газ турбина двигатели ва умумий қуввати 12240 от кучига тенг бўлган иккита дизелдан иборат. Икки валли энергетика қурилмаси юқори тезликни 27 узелга ва сузиш узоқлигини 4500 милга етказиш имконини беради.

Бундан ташқари, кема қуввати 1360 от кучига тенг бўлган тумшуқ руль бошқариш қурилмаси билан таъминланган.

Кемага ўрнатилган қуроллар: саккизта «СИ Спарроу» RIM-7P русумли ракеталарни учириш қурилмалари, «Консберг» фирмасида ишланган NSM русумли кемага қарши ракеталар, 32 та бошқарилувчи зенит ракеталари учун MK 41 русумли саккиз катак (ячейка)ли отиш қурилмаси, «Супер Рэпид» русумли 76 ммли универсал автоматик қурилма, «Маркони» фирмасининг «Стингрей» торпедаларини отиш учун мўлжалланган иккита икки турбинали, 324 ммли торпеда аппаратлари ва 4 та 12,7 ммли пулемётлар.

Бундан ташқари, мазкур кема OBЦ SPV-1F русумли радиолокация тизими, иккита SPG-62 русумли отишни бошқариш ва иккита навигация тизими, сув усти ва сув ости нишонлари ҳақидаги маълумотларни ишлаб чиқувчи «Иджис» русумли автоматика тизими, «Сажем» фирмасининг VIGV 20 русумли отишни бошқариш оптик-электрон автоматик тизими, радиоэлектрон кураш олиб борувчи «Кондор» CS-3701 тизимига ҳам эга. Кемага, шунингдек, ёлғон нишонларни ва ИК-акустик диапазонларда пассив тўсиқларни қўйиш тизими ҳам ўрнатилган

(«Зарубежное военное обозрение» журнали асосида тайёрланган).



МЕЖДУНАРОДНАЯ ПАНОРАМА



Основные угрозы миру

Расположенный в Великобритании Международный институт стратегических исследований выпустил ежегодный доклад «Стратегическое обозрение». В докладе один из ведущих аналитических центров изложил основные угрозы миру на ближайшую перспективу, передает Интерфакс. Это терроризм, ближневосточный конфликт, ядерное оружие и потепление климата.



Первые полеты «летающего танка»

Первые плановые полеты фронтового бомбардировщика СУ-34 состоялись в Липецком центре боевого применения и переучивания летного состава ВВС России, сообщает Интерфакс. СУ-34 – новая ударная машина четвертого поколения. Многофункциональный двухместный авиакомплекс СУ-34 предназначен для боевого применения по воздушным, наземным и морским целям. Сочетая в себе качества истребителя и ударного самолета, СУ-34 способен доминировать в воздухе, а также подавлять системы управления комплексов ПВО.



Перенос ядерной программы

Данные, собранные американской разведкой за последние шесть месяцев, свидетельствуют, что Северная Корея может строить на территории Сирии ядерные объекты. Об этом пишет издание «The Washington Post». Среди полученных данных есть снимок объекта, сделанный со спутника, который, предположительно, может быть объектом для производства ядерного оружия.



Ракетный инцидент в Ираке

Ракета, которую выпустили шиитские повстанцы по штаб-квартире оккупационных войск в Багдаде, была сделана в Иране, сообщили американские военные телекомпании ABC. Этот инцидент прибавляет аргументации американским «ястребам», которые думают о нанесении удара по Ирану или хотя бы об усилении охраны иракско-иранской границы.



20 землетрясений в Индонезии

Серия из 20 мощных землетрясений произошла на Суматре (Индонезия). По предварительным данным, в Бенгкулу (главном городе провинции Южная Суматра) погибли семь человек, и около 200 ранены, а в Паданге (Западная Суматра) из-под развалин извлечены тела трех погибших. Президент Индонезии Сусило Бамбанг Юдхойоно распорядился направить гуманитарную помощь в пострадавшие от землетрясений районы Суматры, сообщает ИТАР – ТАСС.



Ураган грозит Америке

К побережью американского штата Техас приближается новый ураган – «Умберто». Это третий ураган в тропическом сезоне 2007 года. Агентство Reuters сообщает, что «Умберто», пройдя над теплыми водами Мексиканского залива, неожиданно усилился и получил категорию урагана. Пока ему присвоена первая категория опасности по шкале Саффира – Симпсона, что означает самую низкую степень опасности.



Исторический минимум

На мировых биржах курс доллара достиг исторического минимума по отношению к евро. В настоящее время за 1 евро платят порядка 1,3860 доллара. По сравнению с предшествующими сутками валюта США ослабела по отношению к европейской как минимум на 0,5%.



Солнце – красный гигант

Итальянские астрономы выдвинули версию, согласно которой Солнце через пять миллиардов лет, превратившись в «красного гиганта», хотя и увеличится в размере в 100 раз, поглотив Меркурий с Венерой, но, возможно, пощадит Землю.

(www.NEWSru.com).

БАРКАМОЛ АВЛОД – ЮРТ ТАЯНЧИ

Участники IV Всемирных военных игр

ЕСТЬ НАДЕЖДА НА МЕДАЛЬ



Член спортактива МХСК мастер спорта международного класса по боксу Зокир Артыков ровно 10 лет назад переступил порог спортивной секции бокса, когда ему исполнилось 11 лет. Неприметного, но трудолюбивого и целеустремленного мальчишку сразу заметил его первый тренер и нынешний наставник Обид Закиров.

Результаты обоюдного кропотливого труда ученика и тренера стали заметны через 5 – 6 лет совместной усиленной работы.

Зокир Артыков становится победителем первенства республики среди юношей и молодежи, бронзовым и серебряным призером юношеского и молодежного первенства мира в весовой категории до 60 кг, победителем первенства Азии среди молодежи в весе до 64 кг.

С прошлого года армейский атлет перешел во «взрослую компанию» и чувствует себя здесь очень даже неплохо. Мастер кожаной перчатки в этом году во второй раз выиграл чемпионат Узбекистана в весе до 64 кг. Также в его активе, уже во взрослой группе соискателей наград, в нынешнем году «серебро» на Международном турнире в Болгарии и «серебро» на турнире «Кубка короля Таиланда».

В октябре Зокир Артыков впервые примет участие в столь крупных соревнованиях, как IV Всемирные военные игры.

По словам наставников Обида Закирова и мастера Уйгуна Сиддикова, армейский боксер находится в хорошей спортивной форме. И Зокир Артыков сделает все зависящее от него, проявив при этом волю и мужество, чтобы в честь побед узбекистанских атлетов поднимался Флаг страны и величаво звучал Государственный гимн Узбекистана.

Майор Хайритдин ЗАЙНИЛОВ.

ВАКИЛЛАРИМИЗ – «ОМАДЛИ ЧИПТА» СОҲИБЛАРИ

Бу йил мамлакатимиз теннис бўйича Осиё чемпионати баҳсларига сўнгги бор мезбонлик қилди. Чунки Ўзбекистон ва Осиё теннис федерацияси(ОТФ)нинг қитъа биринчилигини Тошкентда ўтказиш бўйича имзоланган олти йиллик шартномаси муддати жорий йил тугади. Шу ўринда ҳақли савол туғилади. Хўш, ОТФ билан тузилган шартномадан қандай манфаатдор эдик? Осиё чемпионати ўша пайтда биз учун Президент кубоги сингари йирик мусобақа ўрнини босиши учун ҳам зарур эди. Қитъа чемпионати Австралия очиқ чемпионатига **Wild card** туҳфа этиши унинг нуфузини янада оширди. Бундан ташқари чемпионатда нафақат эркаклар, балки аёлларнинг ҳам қатнашиши бизнинг манфаатларимизга ҳамоҳанг бўлди. Қолаверса, Осиё чемпионатини қабул қилишимиз бизнинг қитъадаги ўрнимизни мустаҳкамлаш ҳамда ОТФ томонидан қабул қилинажак у ёки бу даражадаги қарорлар ечимига таъсир ўтказарди.

Республикамиз ҳукумати юқоридаги далилларни инобатга олган ҳолда Ўзбекистон теннис федерациясига Осиё чемпионатларини Тошкентда ўтказиш борасида беқиёс ёрдамини аямади.

Биз қитъа чемпионатига нима бердик? Биринчидан илк мавсумдаёқ унинг нуфузи кўтарилди, мукофот жамғармаси олтмиш мингдан юз минг долларга оширилди. Бундан ташқари, мусобақа супервайзери Мао Каватейнинг маслаҳатига биноан чемпионат муддатини «US open»нинг иккинчи ҳафтасига кўчирдик. Натижада Нью-Йорклаги мусобақада омадсизликка учраган осиёликлар иккиланмасдан Тошкентга учиш имкониятига эга бўлишди. Шубҳасиз, Тошкентда ўтказилган Осиё чемпионатлари япониялик Акико Моригами ва Го Сосда, хитойлик На Ли, ҳиндистонлик Сания Мирза ва Шиха Увероу, индонезиялик Винн Пракусия, таиландлик Донау Удомчок ва Напапорн Тонгсали, хитой тайпейилик Ван Ютзю, Чан Южан ва Чан Чинвей ҳамда яна кўплаб бошқа теннисчиларни етакчи спортчиларга айлантиришда хизмат қилди. Осиё чемпионатини ОТФ тақвимида сақлаб қолиш баробарида биз профессионал теннис турнирларига қатнаша олмайдиган, аммо қитъа чемпионатига зўр иштиёқ билан борувчи Вьетнам, Эрон, Малайзия, Шри-Ланка, Гонконг, Саудия, Арабистони, Қирғизистон, Тожикистон ҳамда туркманистонлик теннисчиларга яқиндан кўмаклашдик.

Чемпионатдан ўзимиз нима олдик. Бу ҳақда шуни айтишимиз мумкинки, турли йилларда Осиё чемпионатида ғолиб бўлиб Мелбурн йўлланмасини қўлга киритган юртдошларимиз Вадим Куценко, Денис Истомин, Оқгул Омонмуродова ва Ирода Тўлагановаларнинг ғалабалари катта ютуғимиз саналади. Биргина Омонмуродовани олайлик, 2005 йилги Осиё чемпионатидаги ғалабаси ўз кучига бўлган ишончини ошириб, бугунги кунда WTA таснифининг биринчи юзлигига кириб улгуришига сабаб бўлди.

Энди бевосита яқинда ниҳоясига етган чемпионатнинг бу йилги беллашувлари ҳақида тўхталадиган бўлсак, шуни айтишимиз мумкинки, баҳслар вакилларимиз учун ниҳоятда омадли кечди. Эркаклар ўртасидаги беллашувларда икки нафар ракеткачимиз – 2005 йилги Осиё чемпиони Денис Истомин ҳамда ёш теннисчимиз Важа Узоқовлар маҳоратини алоҳида таъкидламоқ лозим. ATF таснифида 904-поғонани банд этиб турган Важа дастлабки беллашувлардаёқ ўз маҳоратини намойиш қилиб, ҳатто чемпионатда 4 – сараланган қувайтлик Муҳаммад Ғарибни ҳам чорак финалда мағлуб қилиб, ярим финалгача етиб борди. Ярим финалда эса тажриба бобида ўзидан анча устун бўлган яна бир ҳамюртимиз Денис Истоминга рўбарў келди. Ушбу баҳсда ATF таснифида 215-ўринда бораётган Истоминга омад кулди (6/1, 6/3). Ўтган йилги чемпионатнинг финалида япониялик теннисчи Г. Соядага 6/4 7/5 ҳисоб билан имкониятни бой берган Денис бу йилги баҳсларнинг финалида яна япониялик билан тўқнаш келиб қолди. Лекин Ито Татсума вакилимиз зарбалари олдида ожиз қолди 2/6, 2/6. Ўтган йилги мағлубияти учун реванш олган Денис Мелбурнинг «омадли чипта»сини қўлга киритиб, иккинчи марта Осиё чемпионати ғолиби деган номга сазовор бўлди.

Қизлар ўртасидаги баҳсларнинг дастлабки босқичидаёқ тажрибали теннисчимиз Ирода Тўлаганова билан бир қаторда ёш ракеткачиларимиз Диана Нарзиқулова, Влада Яхшибарова, Албина Хабибулина ҳамда Нигора Сирожиддиновалар ҳам ўз маҳоратларини намойиш қилиб, муваффақиятли қадам ташлашганди. Лекин кейинги босқичларда фақатгина Ироданинг ўзи Ватанимиз шарафини ҳимоя қилишига тўғри келди. Чемпионатда 1-рақам остида сараланган вакилимиз кучли жароҳатдан сўнг икки йилдан буён халқаро кортларда зафарли юришлар қилиб келмоқда. Ўтган йили Осиё чемпионлигини қўлга киритган Ирода учун мавсум анча муваффақиятли бошланди. WTA таснифида муҳим очколарни жамғариб олган теннисчимиз кўплаб йирик мусобақаларда омадини синаб кўрди. Бу тажриба Иродага ниҳоятда асқотди.

Чемпионатнинг иккинчи босқичида Диана Нарзиқуловани 6/3, 6/0 ҳисобида мағлуб қилган Ирода чорак финалда хитойлик Ху Йи-Фан билан куч синашди. Тажриба бобида вакилимиздан бироз кучсиз бўлган теннисчи Ироданинг қаршилигига дош беролмади 6/4, 6/3. Ярим финалда эса вакилимизни хитой тайпейилик Ҳванг И-Ҳсуан кутиб турарди. Формага тушиб олган Тўлаганова ушбу рақибини ҳам обдон синовдан ўтказди 6/1, 6/4. Финалда эса вакилимиз Осиёнинг таниқли теннисчиларидан бири ҳиндистонлик Тара Ийер билан учрашди. Галаба сари дадил одимлаётган теннисчимиз учун ушбу баҳс ҳам у қадар қийинчилик туғдирмади, икки сетни ҳам бир хил ҳисоб 6/2, 6/2 билан ўз фойдасига ҳал қилган Ирода бу йилги чемпионликни ҳам ўзида сақлаб қолди.

Австралия опенга йўлланмани қўлга киритган икки вакилимиз январь ойида Мелбурнга жўнашади. «Улкан тож» туркумига кирувчи мазкур беллашувларда ҳам вакилларимизнинг ўз маҳоратларини намойиш қила олишларига ишонамиз.

Анвар ҚЎЧҚОРОВ.

СПОРТ КАЛЕЙДОСКОПИ

Қозоғистонда самбо бўйича жаҳон кубогининг навбатдаги босқич мусобақалари бўлиб ўтди.

Унда майдон эгаларидан ташқари, Ўзбекистон, Россия, Германия, Беларусь, Жанубий Корея ва Қирғизистондан келган 100 нафардан ортиқ полвонлар ғолиблик учун гиламга чиқдилар.

Мусобақада ҳамюртларимиздан Шуҳрат Муродов (57 кг.) ва Дамир Муҳидов (68 кг.) ўз вазн тоифаларида бронза медалларини қўлга киритдилар.

●

В первенстве мира по боксу среди юниоров, прошедшем в Баку (Азербайджан), успешно выступили узбекские спортсмены. Джалолиддин Хафизов и Авазбек Акрамов в своих весовых категориях завоевали серебряные медали. Еще два спортсмена – Фазлиддин Гоипназаров и Машхурбек Рузиев – были награждены бронзовыми медалями.

●

100 метрга югуриш бўйича янги жаҳон рекорди ўрнатилди, деб хабар беради AFP. Италияда енгил атлетика бўйича ўтказилган Гран-при мусобақаларининг ярим финалида ямайкалик спортчи Асафа Пауэлл 100 метр масофага 9,74 сонияда етиб келди ва олдинги рекордни янгилади.

Аввалги жаҳон рекорди 9,77 сония бўлиб, Асафа Пауэлл ва америкалик енгил атлеткачи Жастин Гэтлинга тегишли эди.

●

Федерация истории и статистики международного футбола объявила перечень действующих футболистов из главных лиг чемпионатов всего мира, забивших свыше двухсот голов. Лидирует в этом заочном состязании бомбардиров знаменитый бразилец Ромарио, на счету которого почти полтысячи голевых атак – 489. В тройке самых результативных также гватемалец Хуан Карлос (277 голов) и грузинский футболист Шота Арveладзе (263).

Двадцатую строку в престижном списке занимает узбекистанец Джафар Ирисметов, на бомбардирском счету которого к началу сентября значилось 208 забитых мячей.

●

Германиянинг Штутгарт шаҳрида спорт гимнастикаси бўйича жаҳон чемпионати ўтказилди. Унда ҳамюртимиз Антон Фокин ҳам иштирок этиб, бронза медалини қўлга киритди. Эътиборлиси, Антон Фокин илк бор жаҳон чемпионати медалини қўлга киритди. Чемпионат баҳсларида муваффақиятли ҳаракат қилган вакилимиз жами ўн олти очко тўплади. Унинг асосий рақиблари хитойлик ва кореялик спортчилар эса биринчи ва иккинчи ўринни қўлга киритди. Антон Фокин Пекин – 2008 олимпиадаси йўлланмасини қўлга киритган.

●

Завершился первый тур чемпионата Узбекистана по мини-футболу среди мужских команд. Многократный победитель чемпионатов последних лет ташкентский «Ардус» неожиданно уступил первое место по итогам тура дебютанту чемпионата – малоизвестному «Учкудуку» из Навоийской области. 2 – 4-е места делят между собой «Ардус», «Строитель-Зарафшан» и «Строитель-ПЭМ».

Следующий тур состоится со 2 по 8 октября в Намангане.

Футбол. Олимпиада – 2008. Саралаш босқичи

БОЙ БЕРИЛГАН ИМКОНИЯТЛАР

8 ва 12 сентябрь кунлари футболсевар мухлислар учун ҳақиқий байрамга айланди десак, муболаға қилмаган бўламиз. Айнан шу кунлари Европа мамлакатлари терма жамоалари келаси йили бўлиб ўтадиган қитъа чемпионати йўлланмаларини қўлга киритиш учун гуруҳлардаги саралаш учрашувларида иштирок этишган бўлса, Осиёда олимпия терма жамоалари Пекин – 2008 ўйинларида қатнашиш ҳуқуқини берувчи сўнгги, ҳал қилувчи учинчи босқичнинг 2 ва 3-тур ўйинларини ўтказишди.

Юртимиз футбол мухлислари учун, албатта, Ўзбекистон олимпия терма жамоаси ўтказган икки учрашув катта аҳамиятга эга эди. Олимпиячиларимиз 1-турда Жанубий Кореяда яхши ўйин кўрсатишган, аммо баъзи ҳимоячиларнинг қўпол хатоликлари натижасида мағлубиятга учрашган эди. Навбатдаги икки ўйинни ҳамюртларимиз ўз майдонларига ўтказишлари гуруҳдаги вазиятни ўнглаб олиш учун яхши имконият яратганди. 8 сентябрь куни футболчиларимиз Самарқанд шаҳрида Сурия олимпия терма жамоасини қабул қилишди. Аввалги турда суриялиқлар ўз майдонларида Баҳрайн олимпия терма жамоасидан мағлуб бўлишган эди. Ана шу ҳолат ҳам футболчиларимиз руҳига таъсир қилганми, ҳар ҳолда улар учрашувда мухлислар кутган ўйинни намойиш эта олмадилар. Тўғри, ўйин мезбонларнинг катта устунлиги остида ўтди, аммо 7 нафар асосий ўйинчисиз майдонга тушган жамоамиз охир-оқибатда меҳмонлар дарвозасига йўл топа олмай, нурсиз дурангга эришди ва қимматли очколарни қўлдан бой берди. Рақиблар дарвозаси томон 19 марта зарба йўллаш, 9 марта бурчак тўпи тепиш, 6 марта турли нуқталардан жарима тўпларини амалга ошириш ва бироҳта ҳам гол ура олмасликни қандай изоҳлаш мумкин?! Бу яна омадсизликми ёки ўзини рақибдан устунроқ кўриш натижасими?

Ушбу саволларга 3-турда Тошкентда Баҳрайн олимпия терма жамоаси билан ўтказилган ўйин жавоб бериши лозим эди. Ушбу учрашув футболчиларимизнинг бундай нуфузли мусобақаларга ҳам руҳий, ҳам жисмоний жиҳатдан яхши тайёргарликка эга эмасликларини кўрсатиб берди. Тактик жиҳатдан ўйинни яхши ташкил қилган баҳрайнликлар 2:1 ҳисобида мезбонларни доғда қолдиришди. Тўғри, бу ўйинда ҳам ҳакам футболчиларимиз киритган бир голни ҳисобга олмади, кўп вазиятларда меҳмонлар фойдасига ҳуштак чалди, аммо…

Ўтказилган уч учрашувда фақатгина бир очкога эга бўлган олимпия терма жамоамиз Пекин – 2008 йўлланмасини қўлга киритиш имкониятидан деярли маҳрум бўлди.

М.САЙДИВАЛИЕВ.

Кикбоксинг

КЛЯТВА СПОРТСМЕНОВ

Ежегодно в дни празднования независимости Республики Узбекистан традиционно проводится торжественная клятва молодых кикбоксеров. Это событие прошло недавно в Музее олимпийской славы. В огромном зале музея собрались тренеры, родные и близкие юных надежд кикбоксинга и представители СМИ.

С поздравительным словом выступили президент Федерации кикбоксинга Узбекистана Сардор Ташходжаев и один из основателей кикбоксинга в Узбекистане Шакир Закиров. После этого ребята по одному звонким голосом стали зачитывать слова клятвы.

Также уже вошло в традицию вручение паспортов молодым, вступающим в чудесный мир кикбоксинга спортсменам. Этот паспорт важен и нужен на протяжении всей спортивной деятельности. Счастливым обладателем паспорта стал воспитанник старшего тренера сборной Узбекистана и руководителя секции кикбоксинга клуба «Динамо» Атхама Рашидова Мухторжон Боситхонов.

– Сегодня исполнилось мое желание. С того момента как я стал заниматься кикбоксингом, я мечтал принять участие в торжественном принесении клятвы кикбоксера. Теперь я с удвоенной энергией буду заниматься и прославлять узбекскую школу кикбоксинга на весь мир! – говорит Мухторжон Боситхонов.

Е. АБРОРОВ.

САФДОШЛАРИГА ЎРНАК ЕТУК ПОСБОН



Ёшлигидан жисмоний тайёргарликка алоҳида меҳр қўйиб, бўш вақтларида спорт клубларидан бери келмайдиган Нуралига кўпчилик тенгқурлари ҳавас қилишарди. Тўғрисини тан олиш керакки, спорт билан мунтазам бир меъёрда шуғулланиш кишидан ирода, сабр-тоқат каби фазилатларни талаб қилади. Аввалига Нуралига ҳавас қилиб клубга келган кўпчилик ўртоқлари бир хил машғулотлардан зерикиб, ортиқ бормай қўйишди. Бундай машғулотлар эса Нурали учун куч-ғайрат, эртанги кун нафаси эди. Мактабдаги дарслардан сўнг ҳар куни клубга келган болакай тош кўтариш спортининг сир-асрорларини муттасил ўзлаштириб борар эди. Ёш шогирдидаги бундай шижоат баъзида устозини ҳам ҳайратлантирарди. Нурали ёш бўлишига қарамай Бухоро вилоятида ташкиллаштирилган кўплаб мусобақаларда ғолиб бўлиш баробарида ўз имкониятини синовдан ўтказиб борди. 12 ёшга киргач, таэквондо (ITF) билан ҳам шуғулланиб бошлади. У таэквондо (ITF) бўйича дастлабки муваффақиятли ғалабани 2003 йил қўлга киритди. Ўшанда вилоят бўйича ўтказилган мусобақада 100 нафардан ортиқ кучли спортчилар биринчилик учун баҳс юритишди. Республика босқичига йўлланма берувчи мазкур мусобақа ёшлар учун бир имконият эди. Шу боис мусобақага кучли тайёргарлик кўриб келган таэквондочилар ҳар бир имкониятдан унумли фойдаланишга интилишарди. Кучли тайёргарлик кўрганига қарамай, 63 килограмм вазнда татамига чиққан Нурали учун дастлабки учрашувлар анча қийин кечди. Шундай бўлсада кучли иродасига таянган ўғлон финалда жанг олиб боришгача ўзида куч топди. Тажриба борасида анча устун бўлган рақиби финал жангини ўз фойдасига ҳал қилди. Иккинчи ўрин билан кифояланган Нурали мусобақанинг республика босқичида ҳам муваффақиятли иштирок этди.

2006 йил муддатли ҳарбий хизматга отланган йигит бу ерда ҳам спорт билан мунтазам шуғулланиб, қатор мусобақаларда ғолибликни қўлга киритди. Жорий йил Наврўз байрами арафасида ҳарбий қисм аскарлари ўртасида бўлиб ўтган тош кўтариш мусобақасида фахрли биринчи ўринни қўлга киритди. Бу каби кўплаб мусобақаларда фаол иштирок этган оддий аскар Нурали Тошев сафдошларига имкон бермай ҳамиша биринчиликни қўлга киритиб келарди.

Муддатли ҳарбий хизмати тугаш арафасида турган посбон нафақат спортда эришган ютуқлари билан, балки ижтимоий-сиёсий ва жанговар тайёргарлик бўйича ҳам бир қанча юқори натижаларни қайд этиб, командирларининг эътиборига тушган.

– Ҳарбий қисмимизда спортчи посбонлар жуда кўплаб топилади, – дейди биз билан суҳбатда офицер Соҳибжон Қосимов. – Қуролли Кучларимизда спортга ниҳоятда катта эътибор берилаётгани боис, посбонларнинг мунтазам равишда жисмоний тайёргарлик олиб боришлари учун ҳарбий қисмимизда кўплаб имкониятлар яратилган. Уларни кўриб эса кўзинг қувнайди. Ёшлигидан спорт билан шуғулланиб келган йигит учун севимли спорт тури билан армия сафида ҳам шуғулланиш баробарида, мусобақаларда ҳам иштирок этиш имконияти мавжуд. Юрт посбонларининг жанговар қобилиятини оширишда спортнинг аҳамияти беқиёс. Шу сабабли посбонларнинг жисмоний тайёргарлигига алоҳида эътибор қаратамиз. Ўз ўрнида спортчи оддий аскарлар – Нурали Тошев, Алишер Дилмуродов, Нодир Рашидовлар сафдошларига ўрнак бўлишмоқда.

Нурали ҳарбий хизматга қадар Бухоро автомобиль йўллари касб-ҳунар коллежини тугатган. Ўз устида тинимсиз ишлаб, тажрибасини орттириб бораётган посбон келажак ҳаётини юрт осойишталигини сақлаш йўлидаги хизматга бағишлашни ўз олдига мақсад қилиб қўйган.

Сейман НАЗАРОВ.
Баҳром АБДУРАҲИМОВ суратга олган.

Каратэ-до

УЗБЕКИСТАНЦЫ В ЧИСЛЕ ЛИДЕРОВ

В Японии завершился чемпионат мира по шотокан каратэ-до по версии WSKF. В одном из самых главных соревнований года приняли участие спортсмены из 40 стран. Среди них по праву оказалась и наша сборная. Почему по праву? Да потому, что каратисты Узбекистана давно находятся в числе лидеров. Так и на этих состязаниях узбекистанцы завоевали второе место в общекомандном зачете. Обладателями медалей стали: среди 14–15-летних золотую медаль завоевал Абдузаид Иминов (кумитэ), среди взрослых «бронзу» завоевал Давронбек Ташпулатов (джу кумитэ). В командном кумитэ среди взрослых наша сборная заняла 3-е место. А среди 16–18-летних в этом же разделе наша сборная также заняла 3-е место. Среди девушек 16–18 лет «золото» завоевала Зумрад Тазетдинова (ката). В командном ката нашу сборную среди взрослых никто не обогнал. В индивидуальном же разделе обладателями золотых наград стали Ринат Кутуев, Саидлазиз Бурхонов, Рустам Ташназаров. А в MIX ката лучшими стали уже знакомые нам Рустам Кутуев, Саидлазиз Бурхонов и Зумрад Тазетдинова.

Аброр ЕСХОДЖАЕВ.

Рукопашный бой

НА ПУТИ К ПЬЕДЕСТАЛУ

На завершившемся в городе Навои чемпионате Узбекистана по рукопашному бою, где приняли участие 18 команд из всех регионов страны, успешно выступили армейские спортсмены-«рукопашники». Выступая даже неполным составом, наши единоборцы сумели завоевать четвертое общекомандное место: в активе армейцев одна золотая, две серебряные и две бронзовые медали.

В личном зачете самым удачливым оказался рядовой по контракту Бауржан Жуманов. Он завоевал золотую награду и титул чемпиона Узбекистана в весовой категории до 65 кг.

«Серебро» чемпионата досталось рядовому по контракту Азизу Шарипову (90 кг) и капитану Шавкату Балтаеву (+90 кг).

Бронзовыми же призерами соревнований стали курсант СВВАКИУ Сайфулло Раджабов (70 кг) и младший сержант Касымали Алисултанов (75 кг).

– Из года в год все результативнее выступают наши единоборцы, – говорит капитан А.Шарипов. – В прошлом году наша сборная была на шестой позиции, в нынешнем – на четвертой. С уверенностью могу заявить, что в следующий раз армейские «рукопашники» будут в тройке призеров.

Подполковник Рауф ХАМИДОВ.

Атлетический клуб будущего воина

РАЗВИВАЕМ ВЕРХНЮЮ ЧАСТЬ СПИНЫ

ПУЛЛДАУНЫ ДЛЯ ШИРОЧАЙШИХ МЫШЦ СПИНЫ

Пуллдауны для широчайших мышц спины – одно из самых распространенных и полезных упражнений для верхней части спины, особенно для широчайших мышц.

Выполнение пуллдаунов для широчайших мышц спины. Сделайте соответствующую настройку тренажера для выполнения пуллдаунов для широчайших мышц спины. Возьмитесь за перекладину, использовав широкий захват, ладонями от себя. Сядьте. Тяните перекладину вниз к верхней линии груди или за голову. Затем верните руки в исходное положение над головой. Выполните нужное количество повторов.





ЁШЛАР – КЕЛАЖАГИМИЗ ЭГАЛАРИ

Тавсиянома – муҳим имтиёз

ЮРТГА МУНОСИБ ФАРЗАНД БЎЛИБ

«Маънавий ва жисмоний баркамол авлодни вояга етказиш масаласи биз учун умуммиллий, умумдавлат миқёсидаги вазифа бўлиб, бу эзгу мақсад йўлида амалга ошираётган ишларимизни изчил ва қатъият билан давом эттириш бугунги сиёсатимизнинг диққат марказида турганини яна бир марта уқтириб ўтмоқчиман», деб таъкидлайди Президентимиз Ислом Каримов.

Дарҳақиқат, ҳукуматимиз томонидан келажагимиз давомчилари бўлган ёшларга катта эътибор қаратилмоқда. Уларнинг мукаммал шахс сифатида камол топишлари учун юртимизда барча шарт-шароитлар муҳайё. Ўқиш ва ишларида уларга чексиз имкониятлар берилиб, улкан ғамхўрлик қилиб келинмоқда.

Миллий армиямизда хизмат қилаётган йигитларимиз ҳам бундан мустасно эмаслар. Муддатли ҳарбий хизматни намунали ўтаган йигитларимизга келажак ҳаётларида муҳим ўрин тутадиган бир қатор имтиёзлар яратилган. Шулардан бири тавсияномадир.

Ҳасан Юнусов ҳам хизматини муваффақиятли ва намунали ўтаб, тавсияномани қўлга киритган ўғлонлардан. У шу кунларда Тошкент давлат техника университетининг математика факультетига ўқишга кириб, ўз соҳаси бўйича келажакда етук мутахассис бўлиш мақсадида устозларидан чуқур билимлар олиб, ўқиб изланмоқда.

– Муддатли ҳарбий хизматни алоқачилар ҳарбий қисмида ўтадим, – дейди у. – Бу хизмат менга катта сабоқ берди. У ерда малакали офицер ва сержантлардан ҳарбий соҳа сир-асрорларини мукаммал ўргандим. Шу билан бирга бўш вақтларимда қисм кутубхонасидан унумли фойдаландим. Ҳаёт мактаби аталмиш армия мени ҳар томонлама тоблади, чиниқтирди. Келажакда ўз ўрнимни топиб олишимда ушбу хизматим муҳим аҳамиятга эга бўлди. Намунали хизматим туфайли тавсияномага сазовор бўлдим. Армиядан олдин ҳам Тошкент давлат техника университетига ҳужжат топширгандим. Лекин тайёргарлигим пастлик қилибми ёки омадим келмайми, талабалар сафидан жой ололмаган эдим. Мана ҳозир берилган имкониятлардан унумли фойдаланиб, махсус тайёрлов курсида бепул таълим олдим. Юқори балл асосида ўқишга қабул қилиндим. Биз ёшларга шундай имкониятлар берилган экан, булардан имкон қадар фойдаланиб, ўз порлоқ келажагимизни яратишимиз ва юртимиз равнақига муносиб ҳисса қўшишимиз зарур, деб биламан. Энди олдимга қўйган олий мақсадларим сари олға интилаяпман.

Дарҳақиқат, муддатли ҳарбий хизматни, ўз йигитлик ва конституциявий бурчини шараф билан ўтаб, Ватан ҳимоясига, халқ фаровонлигига муносиб ҳисса қўшаётган ёшларимиз ўқишда ҳам, жамоат ишларида ҳам фаол қатнашишмоқда. Улар учун барча эшиклар очиқ.

– Армияда хизмат қилиб келган йигитлар билан машғулот олиб бориш ўқитувчиларимизга унчалик қийинчилик туғдирмайди, – дейди физика-математика фанлари номзоди, доцент Шукур Қаюмов. – Чунки уларда қатъият, шижоат бор, изланиш ва меҳнатсеварлик бор. Бир нарсани алоҳида айтиб ўтишим керак, муддатли ҳарбий хизматни ўтаб қайтган талабалар дарс бошланишидан 15-20 минут олдин келиб, аудиторияда олдинги кун дарсларини такрорлаб, ўқитувчини кутиб туришади. Бундан кўриниб турибдики, улар тартиб-интизомга жиддий эътибор беришади. Ҳасан Юнусов ҳам ана шундай талабаларимиздан бири. Ўқишлар бошланганига унча кўп фурсат бўлмаёқ, гуруҳда ўзини ҳар томонлама кўрсатиб, тенгдошларига етакчилик қилиб келмоқда.

Ҳасан Юнусов каби хизматини намунали ўтаб, тавсияномага эга бўлган, Ватан олдидаги шарафли бурчини адо этиб, юзи ёруғ бўлган ва ўз келажагини яратиш йўлида илм чўққиларини забт этиб келаётган ёшларимизга омад тилаб қоламиз.

Аҳрор ХУСНИДДИНОВ.

Мулоҳаза

ЁШЛИКНИНГ ҚАДРИГА ЕТАЙЛИК

Ёшликни самимий беғуборликка ўхшатишади. Бу бежиз эмас, албатта. Чунки бу давр ҳар бир инсон ҳаётидаги энг гўзал, энг ширин, такрорланмас лаҳзалар билан аҳамиятлидир. Ҳукуматимиз томонидан келажагимиз ворислари бўлмиш ёш авлоднинг таълим-тарбияси, баркамол инсон бўлиб шаклланиши йўлида жуда кўплаб самарали ишлар амалга оширилмоқда.

Аммо, мана шу беғубор даврнинг қадрига етмасдан, ҳар хил ёмон йўлларга кириб кетаётган, тарбияси, ахлоқи бузулиб, жамиятимизга зарар етказаётган ёшларимиз ҳам учраб туради. Одобахлоқ, яхши тарбия ҳақида кўп марта гапирамиз. Тарбия аввало оиладан, сўнгра эса мактабдан бошланади. Буни барчамиз биламиз, лекин кўпгина ота-оналар фарзандим мактабига ёки ўқишига бориб келяпти, деб уларнинг босаётган қадамлари билан қизиқмай қўядилар. Яқинда бир ҳодисанинг гувоҳи бўлдим. Шаҳар йўналишида ҳаракат қилаётган жамоат транспорти ишга, ўқишга, бозорга шошилаётган одамлар билан лиқ тўла. Автобуснинг ичидаги иссиққа ва дим ҳавога чидаш анча мушкул. Олой бозори бекатидан қўлида иккита оғир сумка кўтариб, ҳассасига суяниб бир онахон автобусга чиқди. Тўғридаги ўриндиқда эса ёшгина бир қиз ўтириб кетаётган эди. Онахон тўғри қизнинг олдига келиб, ўтиришга жой сўради. Қиз онахонга ғалати қараш қилиб, «йўқ жой бермайман, хоҳласангиз туриб кетинг ёки бошқа одамдан жой сўранг», дея зардали жавоб қайтарди. Бу жавобдан онахон мийиғида кулиб қўйди. Шу пайт орқа ўриндиқда ўтирган ёши 50-55ларни қоралаб қолган бир киши туриб онахонга жой берди. Онахон ўриндиққа ўтирар экан, яна юзида кулги пайдо бўлди. Бундан ажабланиб, ундан сўрадим, «онахон, бу ҳодисадан жаҳлингиз чиқиши ўрнига, нега куляпсиз?»

– Эй, болам, мен ҳам бир вақтлари ёшгина қиз бўлганман. Ўзим ҳам худди шу қизга ўхшаб, кўп бора ёши улуғ инсонларнинг дилини оғритганман. Уларнинг қарғиши сабабми, уч марта турмуш қуриб фарзанд кўрмадим. Бу ҳаётдан тоқ ўтиб кетяпман. Қариганингда билинар экан, ёлғизлик. Шу боис бу қизни қарғамадим. Мен каби қийналиб юрмасин.

Онахоннинг гапларини эшитиб, ўйланиб қолдим. Дарҳақиқат, ҳозирги ёшларимиз орасида ёши улуғ инсонларга нисбатан қўпол муомалада бўлаётганлари учраб туради. Демак, кексаларга нисбатан ёшлигингда қандай муносабатда бўлсанг, ўзинг ҳам кексайганингда шу нарса албатта қайтар эканда.

Аҳрор НОЗИМОВ.

МОЛОДЫМ ВЕЗДЕ ДОРОГА

В нашем курсантском подразделении Чирчикского высшего танкового командно-инженерного училища выступление Президента Республики Узбекистан Ислама Каримова на торжественной церемонии, посвященной 16-летию независимости, вызвало очень широкий резонанс.

Слова Президента: **«Считаю нашим общим долгом и обязанностью открыть более широкую дорогу молодым, являющимся опорой и надеждой в осуществлении благородных целей и планов»** – вдохновили и нас, будущих офицеров, на отличный ратный труд во имя укрепления оборонной мощи Родины.

Я и мои сослуживцы как раз и являемся теми молодыми людьми, которые воспользовались открытой Президентом широкой дорогой к знаниям. После срочной службы, благодаря Рекомендации от воинской части, я поступил на первый курс ЧВТКИУ.

От себя и от имени товарищей хочу заверить, что на заботу государства о молодых людях мы ответим новыми успехами в учебе и ратном труде.

Курсант Толибжон УМУРЗАКОВ.

Ислоҳотлар самараси

ЎЗИГА ХОС ҚУЛАЙ ЛИБОС

Тиббиётда «Беморнинг тезда оёққа туриши унга яратилган шароитларга боғлиқ», деб бежиз таъкидлашмайди. Шу боис шифохоналарда беморга имкон қадар қулай шароитлар яратиб беришга ҳаракат қилинади. Бу борада Мудофаа вазирлиги тизимида ҳам бир қатор ижобий ишлар амалга оширилмоқда. Яқиндан бошлаб вазирлик тизимидаги барча ҳарбий шифохоналарда беморлар учун янги кийим жорий қилинди. Хўш, бунинг афзаллиги нимада, деган ҳақли савол туғилиши табиий.

– Ихчам ва кўркамлиги билан бир қаторда ушбу кийимларни тайёрлашда табиий толалардан кўпроқ фойдаланилган, –дейди биз билан суҳбатда Мудофаа вазирлиги марказий ҳарбий клиник госпитали бошлиғи офицер Шарофиддин Гулямов. – Ўзингизга маълумки, юртимизда ҳавонинг жуда иссиқлигини инобатга оладиган бўлсак, бизнинг шароитда инсонларга табиий толалардан тайёрланган кийимларни кийиш тавсия этилади. Қолаверса, таркибида пахта ва ипак толалари кўп бўлган кийим -бошлар инсон саломатлиги учун жуда фойдали. Шуни эътиборга олган ҳолда ҳарбий шифохоналарда беморлар учун янги либос жорий қилинди.

Дарҳақиқат, ўзига хос ёрқин ва чиройли рангдан тайёрланган беморлар либосининг дизайнига ҳам алоҳида эътибор берилган. Кўк рангдаги футболканинг чап кўкрагига тиббиёт рамзий белгиси туширилган. Бошқа шифохоналар беморлари кийимларидан ажралиб туриши учун кийимнинг орқа тарафига «ҳарбий шифохона» деб ёзилган. Ўз ўрнида ушбу белги калта шим (шортик)га ҳам туширилган. Иқлим шароитидан келиб чиқиб, беморлар кийимлари ёзги (енгил) қишки (иссиқ) қилиб тикилган. Янги жорий қилинган кийим ҳақида беморларнинг фикри қандай? Уларни суҳбатга чорлаймиз.

– Иқлим шароитидан келиб чиқиб, енгил ва ихчам кийим танланган, – дейди оддий аскар Ислом Раҳимов. – Қолаверса, кийимлар замонавий тикилганлиги боис унда ўзингизни эркин ҳис қиласиз.

– Пахта толасидан тикилганлиги учун кийим анча майин, – дейди яна бир суҳбатдошим оддий аскар Бекзод Ҳусанбоев. – Чиройли дизайн танланганлиги учун барчага бирдек ярашиб туради.

Беморларнинг тезда соғайишларини ўйлаб, бу ерда яна бир қанча қулайликлар яратилди. Госпиталга асосий кириш эшигининг ички томонига манзарали дарахтлар экилди. Соя-салқин жойларга ўриндиқлар ўрнатилди. Гулзордаги анвойи гуллар эса ҳар ҳандай кишининг баҳри дилини очади.

– Яқинда госпитал клубини капитал таъмирдан чиқардик, – дейди офицер Икром Ҳикматов. – Бундан ташқари стадионга чим ётқизиб, футбол ва волейбол майдонини замонавий ҳолатга келтирдик. Посбонлар бўш вақтларида бу ерда спорт билан шуғулланишади.

Ҳа, мустақиллик байрамини бир қанча ўзгаришлар ва янгиланишлар билан кутиб олган госпиталь фидойи жамоаси беморларнинг саломатлиги йўлида тинимсиз изланишда.

Саида МУКИМОВА.





Дилмира Саидова – гўзаллар саҳифасининг бу галги меҳмони. У айни пайтда ҳуқуқшунослик соҳасида таҳсил олмоқда. Ижод ва санъатга ҳаваси юқори бўлган Дилмирада гул ўстириш, бичиш-тикиш ҳамда тил ўрганишга ҳам иштиёқ кучли.

ҚИЗИМ, ДИЛБАНДИМ!

Шундай одамлар бўладики, улар олий ўқув юртларида ўқимаган, ўрта мактабни ҳам тўлиқ битирмаган, касблари ҳам оддий, лекин уларнинг қалби бой, дунёқараши кенг, гап-сўзлари маъноли, суҳбатлашсангиз, дилингиз яйрайди. Маънавий гўзаллик маълумотдан, мансабдан, ҳусндан, кийимдан кўра ишончлироқ обрў-эътибор келтиради. Маънавий гўзал қизнинг кийиниши, муомаласи, ўзини тута билиши ибратли бўлади.

«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатида

ЁШЛАР ТАРБИЯСИГА КЎМАКЛАШИШ ЙЎЛИДА

Мудофаа вазирлигига қарашли ҳарбий қисмлардан бирида истиқлолнинг 16 йиллигига «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Самарқанд вилоят Кенгаши ташаббуси билан «Ҳарбий спорт лагери» ташкил этилди.

Ушбу лагерни ташкил этишдан кўзланган асосий мақсад – ўсиб келаётган ёш авлодни маънан баркамол, ҳарбий ватанпарварлик руҳида тарбиялаш ва келажакда ўз ўринларини топишларига кўмаклашиш ҳамда ҳарбийлар ҳаёти билан яқиндан таништиришдан, шунингдек, таътил пайтида уларнинг вақтларини мазмунли ўтказишларига кўмаклашишдан иборатдир.

Олти кун мобайнида уларга «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят Кенгаши ва унинг ҳузурида ташкил этилган Ёшлар ижтимоий хизмати маркази томонидан «Биз соғлом турмуш тарзи тарафдоримиз», «Терроризм ва экстремизмнинг ижтимоий-салбий оқибатлари», «Етакчилик – давр талаби» каби мавзуларда ўқув семинарлар, давра суҳбатлари ташкил этилди.

Ёшлар Қуролли Кучларимизда олиб борилаётган ислоҳотлар, жанговар техника ва қурол-яроғлар ҳақида ҳам маълум тасаввурга эга бўлишиб, ташкилотчилар томонидан уюштирилган турли спорт мусобақаларида ҳам иштирок этдилар. Энг фаол иштирок этганлар «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят Кенгашининг эсдалик совғалари ва фахрий ёрлиқларига сазовор бўлишди.

Аҳмад НУРИДДИНОВ,
«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Самарқанд вилоят Кенгаши бўлим мудири.

Ривоят

ОҒРИҚ СЎЗНИНГ ИЗИ

Қадимда бир донишмандниг ёлғиз ўғли бўлган экан. Ота ўғлига ҳар томонлама мукаммал тарбия беришга ҳаракат қилибди. Ўғил ота талаби ва хоҳиши билан диний ва дунёвий илмларни ўрганибди, темирчига шогирд тушиб ҳунарли бўлибди. Қоматдор ва хушсурат бу йигитчага ҳар қандай одамнинг ҳаваси келадиган даражага етибди. Лекин отанинг ўғилдан кўнгли тўлмабди. Сабаби, ўғли тили билан одамларга озор берар, бу одамнинг ёши улуғ ёки бу ёш бола билан тенг бўлиб ўтираманми, деб ўйлаб кўрмас, гап келганда отангни ҳам аяма, дегувчилар хилидан экан. Кўпинча отасининг танбеҳи билан ўзидан озор топганлардан аммалари-ю холаларидан кечирим сўрар экан.

Бир куни ота ўйлай-ўйлай бир қарорга келибди ва дўкондан бир халта мих сотиб олибди. Ўғли келгач, михларни бериб, кимга қаттиқроқ гапирдим деб гумон қилганида ҳовли четидаги тўнкага биттадан мих қоқишни буюрибди. Сабабини сўраган ўғилга бунинг жавобини бир йилдан кейин айтишини билдирибди.

Лекин орадан ярим йил ўтмай ўғил ота олдига келиб:

– Берган михларингиз тугади, энди бу ишингиз боисини айтинг, отажон, – дебди ўғил.

Ота ўша михларни суғуриб олишни буюрибди. Ва ўзи бу ишнинг тепасида турибди. Ўғил михларни қийинчилик билан суғуриб, отасига берибди.

– Кўрдингми, – дебди ота. – Аввало михларни суғуришга қанча куч кетказдинг. Демак, бировга озор бергандан кейин кечирим сўраш – ўта мушкул иш. Қолаверса, михлар суғурилди-ю, тўнкада унинг изи қолди. Сен минг бор узр сўраганинг билан, хафа қилган одамингнинг озорланган дили таскин топмайди – ёмон сўз эсидан чиқмайди. Доноларимиз «Билган топиб гапиради, билмаган қопиб», деб бежиз айтишмаган. Сен ҳар қандай ҳолатда ҳам атрофингдагиларга озор бермаслик ҳаракатини қил.

Ўғил отасининг ибратли тадбири олдида бош эгибди ва ҳар бир гапини ўйлаб гапирадиган, дилозорлик қилмайдиган бўлибди.

Муборак МИРКАМОЛОВА.

АСТРОЛОГИЧЕСКИЙ ПРОГНОЗ

ОВЕН
Весьма эффективными окажутся деловые встречи и переговоры. Соблюдайте последовательность в любом виде деятельности. Вы получите полезную информацию.

ТЕЛЕЦ
Благоприятная неделя для перехода на другую работу, к другому виду деятельности, изменений в карьере. Вы способны построить сложнейшую комбинацию ради достижения цели.

БЛИЗНЕЦЫ
Возможны осложнения с деловыми партнерами. Следуйте намеченным планам и замыслам. Будьте осторожнее при общении с коллегами и начальством. Будут благоприятны поездки и путешествия.

РАК
На работе вам, возможно, придется вернуться к проектам, от которых вы раньше отказывались. Если близкие будут ссориться, займите нейтральную позицию.

ЛЕВ
Идей у вас может оказаться больше, чем возможностей к их реализации. На этой неделе стоит решить текущие проблемы, связанные с профессиональной деятельностью. Вам придется выслушивать рекомендации начальства.

ДЕВА
На работе могут возникнуть мелкие, легко разрешимые неприятности. Они станут следствием вашей неуверенности в собственных силах. Вы будете обеспечены симпатией и поддержкой друзей и единомышленников.

ВЕСЫ
Самое время использовать деловую хватку, подкрепив действия информированностью и надежными связями. Не переусердствуйте. Вероятны резкие смены настроения.

СКОРПИОН
Рекомендуется показать во всем блеске свой профессиональный уровень. Берегите силы, так как любая работа может отнять у вас много энергии. Откроются новые перспективы.

СТРЕЛЕЦ
Вас ожидает благоприятная обстановка для творческих достижений в профессиональной сфере. Появится шанс продемонстрировать свои лучшие качества.

КОЗЕРОГ
Вас может одолеть внезапный приступ бешеной энергии. Лучше воздержаться от активной деятельности и быть избирательнее в контактах. Ваше миролюбие сгладит все острые углы.

ВОДОЛЕЙ
Наступил период напряженной работы. Вам необходимо мобилизовать все силы и возможности для решительного рывка. Не обращайте внимания на мелкие неудачи.

РЫБЫ
Не стоит бояться новых начинаний. Несколько снизьте темп работы. При решении любых вопросов проявляйте такт и благоразумие.

АДАБИЁТ. САНЪАТ. МАДАНИЯТ

ОТАНАЗАР МАТЁҚУБОВ ҚАДИМ ОҲАНГЛАР САДОСИ

Қадим ва бетимсол Шарқ ўзининг нафақат илму маърифати, меъморий обидалари билан, балки гўзал ва бетакрор мусиқаси билан ҳам дунё аҳлини ром этган. Мана, орадан неча замонлар ўтибдики, бу замин мусиқаси янада сайқал топиб, ўзининг оромбахшлиги билан жаҳон халқлари эътирофига сазовор бўлиб келмоқда. Айниқса, қадим оҳанглар садоси ҳар қандай инсон қалбига ўзига хос латифлик бағишласа, ажабмас. Мустақиллик шарофати ила бугун миллий санъатимизни ривожлантиришга катта эътибор берилмоқда. Асрлар давомида ривожланиб келган қадим қўшиқчилик ва мусиқа санъатимиз ўрганилмоқда. Бу борада Ўзбекистон давлат консерваториясидаги ихтисослашган илмий тадқиқот марказида бир қатор ижобий ишлар амалга оширилмоқда.



Яқинда марказ раҳбари, мусиқашунос олим, санъатшунослик фанлари номзоди, профессор Отаназар Матёқубовнинг бир неча йиллик саъй-ҳаракати билан «Ўзбек нотаси» номли фундаментал илмий тадқиқот яратилди. Бугун дунёда Шарқ мусиқасининг билимдони, кўплаб тадқиқотларнинг муаллифи сифатида танилган Отаназар акани кўпчилик ҳурмат қилади, истеъдодини тан олади. Санъатга ошуфталик Отаназар аканинг қонида бор. Унинг отаси (марҳум) Матёқуб Раҳимов Ўзбекистон халқ артисти, Хоразмнинг машҳур ҳофизларидан бўлган. Ўз даврида маълум ва машҳур бўлган Матёқуб аканинг ширали овози янграган тўйлар файзи ҳақида Хоразм ёшуллилари ҳали-ҳануз эслашади. Мана шундай эл ардоғидаги инсон хонадонида дунёга келган Отаназар ака ёшлигидан санъатга меҳр қўйиб улғайди. Бу борада ўқиб, изланган бу фидойи инсон нафақат ўзбек, балки Шарқ мумтоз мусиқасини ўрганишга ҳаётини бахшида этди. Ҳатто унинг илмий ишлари юзасидан кўплаб рисола ва китоблар чоп қилинди. Олим олиб борган изланишлар натижасида 2004 йил «Мақомот монографияси» китоб ҳолатида нашр қилинди. 2005 йил эса «Додекограмма», яъни «12 қиррали юлдуз» асари чоп этилди. Айтиш жоизки, ўзбек мумтоз мусиқаси ҳақида яратилган ушбу асарлар ўзининг аҳамиятлилиги билан нодир қўлланма ҳисобланади. «Мақомот монографияси»да Бухоро шашмақомидан тортиб, Фарғона мақомчилик йўналишигача илмий асосда кенг ёритиб берилган. Айни пайтда Ўзбекистон давлат консерваториясида талабаларга миллий мусиқа сирларидан сабоқ бераётган Ўзбекистон санъат арбоби Отаназар Матёқубов Европа ва Америкадаги бир қанча санъатшунослик олий ўқув юртларида ҳам талабаларга Шарқ мумтоз мусиқаси ҳақида билим бериб келмоқда.

– Ўзбек санъати ўзининг қадимийлиги ва хилма-хиллиги билан алоҳида аҳамиятга эга, – дейди у биз билан суҳбатда. – Бу қадим маданият ўчоғининг санъати ҳақида гапирганда шуни алоҳида таъкидлаш керакки, ҳар бир воҳанинг бетакрор санъати бор. Ҳар қайсининг ўз услуби, йўналиши бор. Даврлар силсиласи ўз таъсирини ўтказса-да, лекин бу замин санъати бутунлай йўқ бўлиб кетмади. Аксинча, авлоддан-авлодга ўтиб, ривожланиб келди. Қадимда ҳам биз яшаб турган ҳудудда санъат гуллаб - яшнагани ҳақида тарихий китобларда ёзилган. Бугун эса ушбу меросни қайта тиклаш борасида катта ишлар амалга оширилмоқда. Жойларда фольклор ансамбллари ташкил қилинган. Ушбу ижодий жамоалар халқ куйларини ўрганиб, оғиздан-оғизга ўтиб келаётган момомерос қўшиқларни ижро этишмоқда. Уларга замонавий руҳ бағишлашмоқда. Қолаверса, марказимиз томонидан ҳам миллий санъатимизни ўрганишга катта эътибор бериб келинмоқда. Олиб борган тадқиқотлар натижасида рисолалар чоп қилинмоқда.

– Тарихдан маълумки, юртимизга кўплаб босқинчилик юришлари бўлган. Ўз-ўзидан маълумки, бундай босқинчиликлар оқибатида ёт маданиятнинг туб маданиятга таъсири бўлади.

– Тўғри, юнонлар, мўғуллар ва арабларнинг босқинида уларнинг маданияти ҳам кириб келган. Аслида ҳам ҳеч бир маданият якка ҳолда ривожланиб, тараққий эта олмайди. Истайдими, йўқми, унга бошқа бир маданият таъсир этади. Масалан, Хитойдан то Европагача чўзилган қадимий Буюк ипак йўли орқали фақат савдо моллари ташилмаган, балки ушбу ҳудуддаги халқларнинг маданий алоқалари ҳам шаклланган.

– Бугун ёшларнинг замонавий қўшиқчиликка қизиқиши оқибатида санъатнинг ушбу йўналиши ривожланиб, миллий санъатимиз оқсаётгандек гўё.

– Ҳеч бир урф-одат абадий қотиб қолмаган. Агар миллий қўшиқчилик санъатимизда ривожланиш бўлмаганида у бизгача етиб келмасди. Мусиқа бу жонли нарса. Масалан, ўтган асрнинг эллигинчи йилларида қайси ҳофизлар машҳур бўлган? Комилжон Отаниёзов, Маъмуржон Узоқов, ундан кейин Ботир Зокиров, улардан сўнг эса Фаррух Зокиров, сўнгра Комоллиддин Раҳимов, Отажон Худойшукуров. Ҳар бир замонда ўзининг бир янгилиги бўлади. Бунга сабаб эса айни пайтда бутун дунёда ҳозирги оммавий, яъни поп мусиқасининг жадаллик билан ривожланиб бораётганини кўрсатишимиз мумкин. Қадимда ҳам мусиқа санъатининг икки йўналиши бўлган. Булар маъмулий ва хос мусиқа. «Маъмулий» дегани амалдаги оммавий мусиқа. «Хос» мусиқа эса илм асосидаги қўшиқдир. Бу қўшиқ тури айни пайтда Европада ҳам мавжуд. Замонавий қўшиқчиликнинг «реп» йўналишини олайлик, кўпчилик ёшларни ўзига жалб қилган бу услуб қадимда ҳам бизнинг заминда куйланган.

– Мусиқа йўналишида тадқиқот ишларини олиб бораётган экансиз. Айни пайтда қандай янгилик устида ишлаяпсиз?

– 1992 йилдан буён ушбу марказда фаолият юритаяпман. Режаларим жуда кўп. Миллий мусиқа йўналишида бир қанча ишларни бошлаб қўйганман. Яқинда шогирдларим Рустам Болтаев ҳамда Ҳамидулло Аминов билан олиб борган тадқиқотларимиз натижасида «Ўзбек нотаси» деб номланган илмий ишни тугатдик. XIX асрга оид бўлган ноёб қўлёзмани Президентимиз Ислом Каримов Ўзбекистон Давлат консерваториясининг очилиш маросимида бизга тақдим этганди. Хоразмда топилган ушбу нодир қўлланмани ўрганиб уни китоб ҳолатига келтирдик.

Ўзбек мумтоз мусиқаси йўлида тинимсиз изланишлар олиб бораётган Отаназар ака Матёқубовнинг хизматлари бесамар кетмаяпти. Биз келажакда ҳам ундан янги-янги нодир асарларни кутиб қоламиз.

Комилжон ҲАСАНОВ.

16 Қўшиқларда Ватан мадҳи

Таниқли шоир Рамз Бобожоннинг «Ватан мадҳи» деб номланган мазкур шеърида туғилиб ўсган юртга бўлган чексиз муҳаббат ва меҳр туйғуси маржон каби сатрларга тизилган. Ўйлаймизки, ушбу шеър барча Ватан посбонларига манзур бўлади.

ВАТАН МАДҲИ

Ким сени тан олмас, қудратим, сенсан,
Илму маърифатим, санъатим сенсан...
Сен етти иқлимни етти ўлчаса,
Еттиси тенг келмас шавкатим сенсан...

Ким сени танимас, эллар гувоҳим,
Олис нуқталарда бургут нигоҳим...
Сенинг бир боқишинг ўзи бир дунё,
Дунё терс келганда сенсан паноҳим!


Мен сенга сиғиндим, келтирдим имон,
Сен менга бахтимдай бердинг ҳалол нон...
Найлай! Оқладимми ё оқлолмадим,
Ўзингга ҳавола Она, онажон!

Сенга бахшидадир тонгги илҳомим,
Қалбдан қанотланган шеърий каломим!
Мен сенинг қонингдан, минг бир жонингдан
Яралган ўғлингман, ўзбекдир номим.

Сен шундай бир Ватан, мисоли офтоб,
Эртанг буюк давлат, муқаддас китоб.
Қани, ҳей, қаламим, фурсат ғанимат,
Туйғулар туғёнин қилгил сарҳисоб!

Сен шундай бир Ватан, асрий армонсан,
Даҳлсиз, ҳур, янги Ўзбекистонсан!
Тасаввур этолсам энг қалтис дамни,
Бир ўлиб тирилган мангулик жонсан!..

Сен шундай бир Ватан, меҳригиёсан,
Ғазабинг қўзғолса, тошқин дарёсан.
Тақдир ўзи ёқди умринг чироғин,
Юлдузлар сўнса-да, сўнмас зиёсан!



Гулом КАРИМ

НАРШАХ ҚАЛЪАСИ

(тарихий романдан парча)



Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академиясининг Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти илмий ходими, шарқшунос олим, таржимон, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси Гулом Каримнинг аждодлар мероси, қадимий қўлёзмаларга оид мақолалари, мумтоз ва замонавий форс адабиётидан таржималари марказий газета ва журналларда мунтазам чоп этиб борилади. Унинг бир қанча илмий тадқиқотлари Германия, Эрон, Қозоғистон каби мамлакатларда ҳам нашр этилган.

Гулом Каримнинг ёзувчи сифатидаги фаолияти ҳам диққатга сазовор. Миллатимиз ўтмишини, адабиётини чуқур ўргангани, воқеа ва ҳодисаларни, қаҳрамонлар образларини ўзига хос тилда, юксак маҳорат билан тасвирлай олгани учун ҳам «Карвон», «Соҳибқирон ва аллома», «Турон қоплони» каби қисса ва драматик асарлари, ҳикоялари аллақачон нуқтадон ўқувчиларнинг кўнгил мулкига айланган.

Серқирра ижодкор катта ишга қўл урди. Яъни «Наршах қалъаси» деб номланган илк тарихий романини ёзиб тугатди. Унда Туронзамин халқларининг VIII асрда эрк, истиқлол учун олиб борган қаҳрамона курашлари бадиий акс эттирилган. Тарихда «Оқ кийимлилар қўзғолони» деб аталган ушбу қаршилик ҳаракатининг йўлбошчиси Муқанна эди. Қўзғолоннинг асосий марказларидан бири Бухоро вилоятидаги, ҳозирда фақат харобалари сақланиб қолган Наршах қалъаси бўлиб, унинг жасур ҳимоячилари босқинчиларга бир неча бор қақшатқич зарба берганлар. Бу жангларда иштирок этган аждодларимизнинг номлари, кўрсатган жасоратлари Табарий, Балъамий, Наршахий, Беруний, Ёқубий, Абдулфараж каби машҳур тарихчилар асарларида ҳам қайд этилган.

Юртбошимиз ҳам Ватан ҳимоячиларига йўллаган байрам табригида «Азиз фарзандларим! Сизлар Тўмарис, Спитамен, Муқанна, Жалолиддин Мангуберди, Амир Темур каби довюрак, жасур, ватанпарвар саркардаларнинг ворисларисизлар. Уларнинг ҳаёт йўли, қаҳрамонликлари барчамизни она юртимизнинг беғубор осмонини ва осуда ҳаётини қадрлашга, оналаримиз, опа-сингилларимиз, оиламиз бахт-саодатини, фарзандларимиз келажагини фидойилик билан ҳимоялашга даъват этади» деган эди. Ҳақиқатан ҳам шонли тарихимиз, машҳур саркардаларимиз ҳаёти ва фаолияти билан боғлиқ ҳар бир воқеа-ҳодисани чуқур ўрганиш ўзликни англашда, миллий ғурур туйғусини шакллантиришда муҳим аҳамият касб этади. Мухтасар айтганда, Гулом Каримнинг янги тарихий романи адабиётшунослар, қадим тарих ихлосмандлари томонидан қизғин кутиб олиниши, ёшларни ватанпарварлик, миллатпарварлик руҳида тарбиялашдек улуғ бир ишга муносиб ҳисса бўлиб қўшилиши, шубҳасиз. Қуйида ушбу асардан парчаларни илк бор «Ватанпарвар» газетаси муштарийлари эътиборига ҳавола этмоқдамиз.

ҚЎЗҒОЛОН РАҲНАМОСИ

– Хўш, сўйла-чи, – деди Муқанна ўзининг Бухоро вилоятидан қайтиб келган доийсига[1]. – Бухорода не аҳвол? Тарафдорларимиз ҳақида не мужда келтирдинг?

– Бизнинг хайрихоҳларимиз сони Бухорода кунбакун ошмоқда, – салмоқ билан жавобан деди доий. – Биргина сардор Ҳакимга эргашган кишилар беш юздан ошиқдир. Бундан волий талвасага тушмиш. У исённи қўллаган қишлоқларни вайрон қилиб, ўч олмоқда. Аммо қуролли исёнчилар яширинган чўл ичкариси ва тўқайзорларга оралашга араблар журъат этолмайдур. Волий юборган баъзи сарҳанглар[2] чўлда ҳеч иш чиқаролмай, билъакс, ўзлари катта талафотлар кўриб қайтган.

– Биз жўнатган қурол-яроғлар-чи, ёронларимизга етказолдингми?

– Минг машаққатлар билан бўлса-да, етказдик, ҳазрат. Мен ва ҳамроҳларим бунча яроғни вилоятга сездирмай элта олмас эдик. Шу боис Бухоро вилояти сарҳадига етганимизда барчасини наматга ўраб, бир бархан тагига кўмиб, белги қўйдик. Ҳакимнинг қароргоҳига етгач, дуои саломдан сўнг, бундан уни воқиф қилдик. Дарҳол чўлни ўз кафтидай биладиган отлиқ жангчиларни жўнатди. Алар тунда йўл босиб, яроғ-аслаҳани ковлаб олиб, зиён-заҳматсиз қароргоҳга келтирмиш. Қилич-найза, совут-қалқонларни Ҳаким ботир йигитларига тақсимлаб бермиш.

– Қуролланиш зарур тадбирларнинг бири, холос. Вале, кураш мақсадини англамоқ бундан ҳам муҳим. Бу жиҳатдан не ишларни бажардинг?

– Мен ўзим бўлган ҳар бир исёнчилар қароргоҳида ўгитларингизни баён қилдим. Жон қулоқлари билан тинглашди. Албатта, ўзлари ҳам у-будан хабардорлар. Кеш[3] ва Нақшобдаги[4] қўзғолон овозасию биз қозонган зафарлар хабари аларни ҳам оёққа туришга ундаган. Исёнчи гуруҳлар ўзаги – жабру зулмдан безган деҳқону косиблар. Аммо бизнинг тарғибот, айниқса, Туронда ўз давлатимизни тиклаш ғояси зодагонларни ҳам халифага қарши исёнга мойил этмоқда. Яна бир хушхабар шулки, вилоятнинг зодагон бойларидан Ҳашвий ҳам қўзғолончиларга қўшилган. Ёлғиз ўзи эмас, уй ичи, навкару хизматкорлари билан.

– Ошкора тарздами? Бизни пинҳона қўллайдиган аслзодалар бор, аммо молини ва жонини хатарда қўйиб, кураш йўлига ошкора ўтадиганлар кам чиқмоқда.

– Ҳашвий: «молим ва жонимни Турон истиқлоли йўлида қурбон қилишга розимен», деганини ўз қулоғим билан эшитдим. У боғ-роғлар билан ўраб олинган Фузайл кўшкини тарк этиб, аллақачон Ҳаким қароргоҳига ўрнашган. Сизнинг ҳузурингиздан келганимни айтгач, Ҳаким-да, Ҳашвий-да зўр эҳтиром кўргузишди. Алар: «биз оқ кийимлилармиз ва Муқаннанинг тарафдорларимиз», дея онт ичишди.

– Мендан тилаклари не баҳодирларнинг?

– Алар сиздан яна қурол-яроғ ва аскарий мадад сўрашмоқда. Жанг кўрган, иш билган сардорларга, айниқса, эҳтиёж бисёр. Тўғри, ўз ораларидан ҳам жасур ва уддабурон сардорлар етишиб чиқмоқда. Бирининг исми – Гирдак. Афсус, уни кўролмадим. Довруғи бутун вилоятга ёйилган. Ҳаким унинг номини эҳтиром билан тилга олур.

– Гирдак Ҳаким билан бирга эмасми?

– Йўқ, у алоҳида гуруҳ бошлиғи. Асли гиждувонлик бу йигит олдин Бухоро волийси қўшинида ўнбоши бўлган. Вилоятда оқ кийимлилар хуружлари бошланганда у волий сарбозлари қатори бир қишлоқдаги ғалаённи бостиришга юборилган. Аммо қўшин қишлоққа етмасдан, Гирдак бир неча дўстлари билан қочиб, ғалаёнчиларни огоҳлантирган ва аларни ҳам эргаштириб, Мохондарё тўқайзорларида яширинган. Ўқтин-ўқтин йўлбарсдек қишлоқларни оралаб, волийнинг лашкар учун озуқа йиғадиган аскарларини тумтарақай қилиб, ўлжанинг ярмини эгаларига қайтариб, ярмини ўзи ва йигитлари учун олиб қоларкан. Яқиндаги бир воқеадан сўнг эса унинг номини эшитганда Бухоро волийси Ҳусайн ибн Маоз ҳам даҳшатга тушадиган бўлибдир.

– Қандай воқеа?

– Бу ҳайратангез воқеа Чеккақудуқда юз бермиш. Чўл ичкарисида, карвон йўлларидан чекка қудуқ шундай аталур. Юзбошилардан бири волий ваъда қилган олтинлар илинжида Гирдак ва йигитларининг ўлик ё тиригини келтиришга қасд қилиб, чўлга ичкарилабдир. Шунқорларни топа олмай сарсон бўлиб, силласи қуриб туш пайтида мазкур қудуқ ёнига келишибди. Отларини суғориб, ўтлагани қўйиб юборишибди. Аскарлар иссиқдан қочиб, юлғун ва саксовуллар соясида ўлтириб, баъзилари бамайлихотир ёнбошлаб ҳам олишибди. Шу пайт гўё ер остидан чиққандек, нарироқдаги бархан ортидан отлиқ ва пиёда оқ кийимлилар ҳайқириб ёпирилган. Яшин тезлигида ҳамла қилишганидан, аксар ғанимлар отга минишга улгуролмай, пиёда жанг қилишга мажбур бўлган. Тўқнашув бошидаёқ Гирдак юзбошининг бошини танидан жудо қилган. Волий аскарларидан озгинаси қочиб қутулган, холос. Арабий арғумоқлар ва Дамашқ пўлатидан ясалган қурол-яроқлар шунқорларга ўлжа бўлган.

– Азамат сардор! Шундай ишни уддалабди-я!

– Ҳа, бунгача исёнчилар фақат кичикроқ қоровулхоналар, кам сонли соқчилар билан кетаётган чопарлар, қишлоқларни қақшатган солиқчиларга ҳужум қилишарди. Чеккақудуқ воқеаси қўзғолон олови Бухоро вилоятида ҳам гуриллаб аланга олганини дўсту душманларимизга яққол аён этди.

– Ҳаким ва Гирдак ҳануз бирлашмаётганининг сабаби не?

– Аларнинг қароргоҳлари бир-бириникидан йироқ. Боз устига Гирдак бир жойда қўним топмай, шамолдай кўчиб юрадир. Ҳаким алоқа боғлаш учун бир неча бор юборган чопарлар уни тополмай қайтиб келмиш.

– Алар бирлашса, Чеккақудуқ жангидан ҳам каттароқ ишларни бажаришга қодир бўлурлар. Сен энди дамингни ол ва яна сафарга ҳозирлан. Тез фурсатда Бухоро вилояти оқ кийимлиларига мактуб ва фармонимни олиб, яна йўлга тушасен.

– Амрингиз бошимга тож, ҳазратим! Бухоролик ёронларимиз ҳар бир хабар ва фармонингизга муштоқдирлар. Мактуб билан бирга ҳарбий мадад ҳам етса, аларнинг бошлари кўкка етур.

– Мадад ҳам жўнатурмиз, албатта. Ўзлари янглиғ қоплонюрак ва алп баҳодир сардор бошчилигида. Аммо бу иш бир оз сўнгроқ ва эҳтиёткорлик бирла қилинур. Ҳаким қароргоҳига етиб боргач, биз жўнатадиган отлиқ бўлук қай йўлдан ва қай тарзда бориб қўшилишини алар бирла келишиб оласен.

– Бош устига! Бу хушхабар бирла ёронларимиз кўксини тоғ этиш учун, ҳозироқ бу соя-салқин тоғ дараларидан жазирама Бухоро чўллари сари қушдек учишга ҳозирмен!

(Давоми бор).

Ўзбек киноси

18-КВАДРАТ

Ватан ҳар қандай кунда ўзининг мард, жасур, довюрак ўғлонларига суянади. Чунки, Ватаннинг алп, фидойи фарзандлари ҳар доим душманга кўксини қалқон қилиб, туғилган гўшаларини мардонавор ҳимоя қилиб келишган. Бундай қийин синовларни юртимиз посбонлари ҳам бошидан ўтказишди. Улар юртимизга суқулиб кирмоқчи бўлган ғараз ниятли кимсаларга қарши матонат билан курашишди. Яқинда эса типиб-тинчимас кино ижодкорлар, посбонларимизнинг мазкур жасорати ҳақида фильм ҳам ишлашди. Тўғрисини тан олиш керак, оддий бир фильмни суратга олиш учун анча тер тўкишга тўғри келади. Истеъдодли режиссёр Жаҳонгир Қосимов бундай масъулиятли вазифани ўз зиммасига олганда кўпчилик шубҳа билан қарашгани рост. Жаҳонгир Қосимов бу борада таниқли ёзувчи Мурод Муҳаммад Дўст билан ҳамкорлик қилди. Сценарий тайёр, аммо уни профессионал асосда кадрга муҳрлаш учун эса тажрибали оператор керак. Режиссёр кино соҳасида кўп йиллардан буён фаолият юритаётганлиги боис, у барча операторларнинг маҳоратини яхши биларди. Шу туфайли у ҳеч иккиланмай Нажмиддин Ғуломовни ҳамкорликка чорлади. Фильм характерини очиб бериш учун эса Саид Мухторов, Тоҳир Саидов ҳамда Жавоҳир Қосимов каби актёрларни бош ролларга таклиф қилди.

– Фильмда ҳарбийларнинг руҳиятини, жанговар ҳаётини очиб беришга ҳаракат қилдик, – дейди биз билан суҳбатда картина режиссёри. – Чунки, биз тақдир тақозоси билан мураккаб шароитларга тушиб қолган инсонлар ҳаёти ҳақида ҳикоя қилувчи ҳақиқий фильм суратга олишни истаган эдик. Эътибор берган бўлсангиз, фильмда пиратехник «ўйинчоқ»лардан фойдаланилган эмас, бу ерда ҳаммаси ҳақиқий: портлашлар ҳам, ёнғин-олов ҳам, қуролдан ўт очиш ҳам. Тасодифан жароҳат олиб қолмаслик учун актёрлардан максимал даража эҳтиёткорлик талаб қилинди. Каскадёрлар гуруҳи ҳам ўз вазифаларини бекаму кўст амалга оширишди. Яна шуниси қизиқарлики, сўнгги вақтда яратилган тижорий фильмлардан фарқли ўлароқ фильмимиз видео плёнкада эмас, ҳақиқий кино плёнкада олинди. Бундай фильмларда кинотасвир сифати видеотасвир сифатидан 3-4 баробар ортиқ бўлади! Шуни ишонч билан таъкидлаш керакки, бу ўзбек кинематографиясининг энг яхши анъаналарини танлаш йўлида муҳим қадам бўлди. Картинада барча воқеалар ҳаётий акс эттирилган. Фильмда асосий роллардан бири ички ишлар ходими Тош Пўлатов ролини актёр Саид Мухторов ниҳоятда маромига етказган. Сержант Зиёдов образини талқин қилган Маннон Уйғур номидаги Санъат институтининг 3-босқич талабаси Жавоҳир Қосимовнинг ижро маҳорати кўпчиликка манзур бўлмоқда.

Фильмнинг асосий воқеалари тоғ шароитида олинганлиги боис, бу кадрларнинг хилма-хиллигини таъминлаган. «Ўзбеккино» миллий агентлиги буюртмасига кўра «Ўзбекфильм» киностудиясида суратга олинган картина мустақиллик байрамимизнинг 16 йиллиги шодиёналари арафасида катта экранга чиқди. Айни пайтда ушбу фильм кўпчилик юртдошларимизга манзур бўлмоқда. Ҳақиқий ватанпарварлик туйғуларини ўзида акс этган фильм ҳарбийларимизда қандай таассурот қолдирди? Уларнинг фикрларини билиш учун кинотеатрга ташриф буюрган юрт посбонларини суҳбатга чорладик.

– Менга фильм ниҳоятда манзур бўлди, – дейди биз билан суҳбатда офицер Нодир Кенжаев. – Воқеалар жонли тарзда акс эттирилганлиги боис томошабинни ўзига тортади. Айниқса, менга Алиев ролини ижро этган Тоҳир Саидов маҳорати ёқди.

– Оғир шароитдаги инсон психологияси фильмда ўзига хос тарзда реал очиб берилган, – дейди кичик сержант Фарҳод Одилов. – Бу ерда режиссёрнинг маҳоратига тан бериш керак. Актёрлар ҳам гўёки ҳарбийлардек роль ўйнашган. Фильмни томоша қилиб, бир олам завқ олдим.

«18-квадрат» картинаси айни пайтда республикамизнинг барча кинотеатрларида намойиш қилинмоқда.

Карина ҚУРБОНОВА.



Коллектив Центрального печатного органа Министерства обороны Республики Узбекистан редакции газеты «Ватанпарвар» выражает глубокие соболезнования семье, родным, друзьям и близким по поводу безвременной кончины сотрудницы редакции

БАРДАШЕВСКОЙ Лиры Зуфаровны.

Бош муҳаррир подполковник Камиль Наильевич МИРГАЛАУТДИНОВ.

Шу сонга масъуллар: майор Азимбек Низомович УСМОНОВ, майор Аблай Айнатдинович КАМАЛОВ.

Таҳририят фикри муаллифлар нуқтаи назаридан фарқланиши мумкин. Таҳририятга келган қўлёзмалар, хатлар ва суратлар таҳлил қилинмайди ва муаллифларга қайтарилмайди. Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 032 рақами билан рўйхатга олинган.

Газета жума куни чиқади.

Телефонлар:
Бош муҳаррир ўринбосари – 153 17 98 (факс); масъул котиб – 153 04 60; ҳарбий хизмат ва тарбиявий ишлар бўлими – 153 02 51; давлат ва жамоат ташкилотлари билан алоқа боғлаш бўлими – 153 02 49; оммавий ишлар ва спорт бўлими – 153 08 72; маданият ва ижтимоий ҳаёт бўлими – 153 03 48; социология ва реклама бўлими – 153 54 76.

Обуна бўлими – 153 03 46. Навбатчи – 153 09 81.

Таҳририят манзили:
100031, Тошкент шаҳри, Миробод кўчаси, 21-уй.

«Ватанпарвар» газетаси таҳририятининг компьютер марказида **Владимир Кузнецов** ва **Роберт Ислакаев** томонидан саҳифаланди, Дизайн ва рассом – **Наталья Лаптева.**
«Ўзбекистон» нашриёт матбаа ижодий уйида чоп этилди. Босмахона манзили: Тошкент ш., Навоий кўчаси, 30 уй.

Нашр кўрсаткичи 114. **Буюртма** № G-4063. **Адади** 25050.